

Ўзбекистон

Болалар ва аёллар аҳоли мониторинги



Мульти индикаторли кластерли тадқиқотлари 2006 йил



Ўзбекистон
Республикаси
Давлат Статистика
Қўмитаси



БМТ
Болалар Жамғармаси



БМТ
Аҳолишунослик
Жамғармаси

Ўзбекистон
Мульти индикаторли кластерли тадқиқотлари
2006 йил



Ўзбекистоннинг Мульти индикаторли кластерли тадқиқоти (МИКТ) Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан ўтказилган. БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) томонидан молиявий ва техник ёрдам кўрсатилган.

Тадқиқот 1995 ва 2000 йилларда ўтказилган МИКТ дастлабки икки раундидан кейин бўлиб ўтган, 2005-2006 йилларда дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатларида бажарилган МИКТ (МИКТ3) тадқиқотлари учинчи раунди бир қисми сифатида ўтказилди. Тадқиқотлар усуллари дунё мамлакатларида болалар ва аёллар шароити ҳақида маълумот тўплашга қаратилган МИКТ глобал лойиҳасини бажаришда ишлаб чиқилган моделлар ва андозаларига асосланади. МИКТ глобал лойиҳаси ҳақида қўшимча маълумотни www.childinfo.org интернет саҳифасидан олиш мумкин.

Таклиф этилган саҳифалар:
ЮНИСЕФ ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. 2007 й. Ўзбекистоннинг Мульти индикаторли кластерли тадқиқоти 2006 й. Якуний ҳисобот. Тошкент, Ўзбекистон: ЮНИСЕФ.

Суърат: ©UNICEF/Uzbekistan/2007/Brigitte Brefort

Мeга Basim босмаҳонасида чоп этилган 
Basim Yayın San. ve Tic. A.Ş.

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон Республикаси 189 мамлакатлар қатори Минг йиллик Ривожланиш Мақсадлари ва “Болалар учун яроқли дунё” декларацияларини имзолади. Ушбу декларацияларни имзолар экан, Ҳукумат мақсад ва вазифаларни амалга ошириш йўлида эришилаётган тараққиёт кетидан кузатиб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Ушбу дастурлар доирасида 2006 йилда Ўзбекистон Ҳукумати ЮНИСЕФ ва БМТ аҳолишунослик Жамғармасининг (ЮНФПА) техник ёрдамида Мульти индикаторли кластерли тадқиқотни (МИКТ) ўтказди. МИКТ 2006 Ўзбекистондаги аёллар ва болалар аҳолини мониторинг қилиш мақсадида даврий тадқиқотлар туркумининг охириги текширувини ифодалайди.

Ушбу ҳисобот бу борадаги интилишлар ва қўлга киритилган муваффақиятни таъкидлабгина қолмай, эришилган тараққиётни вилоятлар ва минтақалар ўртасида таққослаш учун маълумотларни субмиллий даражада тақдим этади. Бу жуда муҳим, чунки кўпинча миллий даражадаги терма маълумотлар минтақавий номувофиқликларни аниқлай олмайди.

Ушбу тадқиқот миллий даражада Давлат Статистика Қўмитаси томонидан ўтказилди ва унинг доирасида мамлакатнинг барча минтақалари бўйлаб 10500та уй хўжаликлари қамраб олинди. Ўзбекистонда 2006 йил учун МИКТ лойиҳаси бир қатор ташкилотлар ва алоҳида шахсларнинг биргаликдаги сайёи-ҳаракатлари туфайли муваффақиятли яқун топди ва биз уларнинг фаол иштирокини эътироф этиб, ўз миннатдорчилигимизни билдирмоқчимиз. Ушбу тадқиқотни бажаришга тайёргарлик қўриш давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари бўйича Мажмуаси қошида мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ ташкил этилди. Ушбу ишчи гуруҳ таркиби Давлат статистика қўмитасининг раиси ва раис ўринбосари, соғлиқни сақлаш, таълим, молия, меҳнат ва ижтимоий муҳофаза вазирликларининг раҳбарларидан ташкил топди. Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари сафига Ўзбекистон хотин-қизлар Қўмитаси, ННТ ва ёшлар ташкилотлари вакиллари кирдилар.

Миллий даражада Давлат статистика қўмитаси тадқиқотни режалаштириш ва мувофиқлаштириш масалалари учун жавоб берди. Тадқиқотга раҳбарлик қилиш ва уни субмиллий даражада бажариш ишлари вилоятлар статистика бошқармаларининг раҳбарияти, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри статистика Бошқармалари томонидан амалга оширилди. Вилоят, туман ва маҳалла даражадаги маҳаллий ҳокимият органлари жойларда тадқиқотни бажаришга ёрдам бердилар.

Умид қиламизки, ушбу тадқиқот ва ҳисобот натижалари мамлакатда аёллар ва болалар аҳоли юзасидан яхши тушунча бериб, миллий ва халқаро ҳамкорлар томонидан ижтимоий сиёсатни тайёрлаш ва режалаштиришга хизмат қилади.



Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси



Ўзбекистон Республикаси
Давлат Статистика Қўмитаси



БМТ ЮНИСЕФ
Болалар Жамғармаси



БМТ Аҳолишунослик
Жамғармаси (ЮНФПА)

МУНДАРИЖА

Натижалар йиғма жадваллари	6
Қисқартмалар рўйхати	9
Қисқа мундарижа	10
1. Кириш	15
Дастлабки шартлар	15
Тадқиқот мақсадлари	16
2. Терма тузиш ва тадқиқот ўтказиш услубияти	18
Терма схемаси	18
Саволномалар	19
Ўқитиш ва жойларда маълумот тўплаш	20
Маълумотларга ишлов бериш	21
3. Терма ҳажми ва уй хўжаликлари ва респондентлар таърифи	23
Терма қамрови	23
Уй хўжаликлари таърифи	23
Респондентлар таърифи	24
4. Болалар ўлими	27
5. Овқатланиш	32
Овқатланиш ҳолати	32
Эмизиш	34
Тузни йодлаш	38
А витаминини қўшиш	40
Кам тана массаси билан туғилган чақалоқлар	41
6. Болалар саломатлиги	44
Иммунизация	44
Оғиз регидратацияси усули билан даволаш	45
Тиббий ёрдам учун мурожаат қилиш ва пневмонияни антибиотиклар билан даволаш	47
Қаттиқ ёқилғи турларини қўллаш	48
7. Атроф-муҳит	51
Сув ва санитария	51
8. Репродуктив саломатлик	56
Контрацепция	56
Контрацепциядан фойдаланиш зарурати	57
Туғишгача бўлган назорат	57

Туғишга тиббий ёрдам кўрсатиш	58
Оналар ўлими	59
9. Боланинг ривожланиши	61
10. Таълим	64
Мақтабгача муассаларга қатнаш ва мақтабга тайёргарлик	64
Бошланғич ва ўрта ўқув муассасаларига қатнаш	65
Катталар саводхонлиги	68
11. Болаларни ҳимоя қилиш	70
Туғилишни рўйхатга олиш	70
Болалар меҳнати	70
Эрта турмуш қуриш	71
Болалар ногиронлиги	73
Етим ва ҳимояланмаган болалар	73
12. ОИВ/ОИТС ва жинсий ахлоқ	75
ОИВ юқиши ва презервативлардан фойдаланишни билиш	75
ОИВ юқиши нуқтаи назаридан жинсий ахлоқ	78
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	80
Жадваллар	81
А Иловаси. Терма схемаси	144
В Иловаси. Тадқиқотда иштирок этган кишилар рўйхати	151
С Иловаси. Танлаш сабабли ҳосил бўлган хатоларни баҳолаш	152
Д Иловаси. Маълумотлар сифати жадваллари	172
Е Иловаси. МИКТ кўрсаткичлари: сурат ва маҳражлар	179
Ғ Иловаси. Саволномалар	183

Жадваллар рўйхати

1 Жадвал. Уй хўжаликлари ва алоҳида кишиларни сўров қилиш натижалари	81
2 Жадвал. Уй хўжаликлари аъзоларининг жинси ва ёш бўйича таркиби	82
3 Жадвал. Уй хўжаликлари таркиби	83
4 Жадвал. Аёлларнинг асосий хусусиятлари	84
5 Жадвал. Болаларнинг асосий хусусиятлари	85
6 Жадвал. Болалар ўлими	86
7 Жадвал. Болаларнинг етарлича овқатланмаслиги	87
8 Жадвал. Дастлабки эмизиш	88
9 Жадвал. Эмизиш	89
10 Жадвал. Мос равишда эмизиладиган гўдаклар	90

11 Жадвал. Йодланган тузни истеъмол қилиш	91
12 Жадвал. Болаларга А витаминини қўшиб бериш	92
13 Жадвал. Кам тана оғирлиги билан туғилган гўдақлар	93
14 Жадвал. Асосий хусусиятлар бўйича эмлаш	94
15 Жадвал. Асосий хусусиятлар бўйича эмлаш (давоми)	95
16 Жадвал. Оғиз регидратацияси услуги даволаш.	96
17 Жадвал. Диареяни уй шароитида даволаш.	97
18 Жадвал. Пневмонияга шубҳа туғилганда тиббий ёрдамга мурожаат қилиш	97
19 Жадвал. Пневмонияга чалинганларни антибиотиклар билан даволаш.	98
20 Жадвал. Пневмониянинг иккита хавфли аломатларини билиш	99
21 Жадвал. Қаттиқ ёқилғи турларидан фойдаланиш	100
22 Жадвал. Печка ёки ўчоқ турига қараб қаттиқ ёқилғи турларидан фойдаланиш	101
23 Жадвал. Такмиллаштирилган ичимлик суви манбаларидан фойдаланиш	102
24 Жадвал. Уй хўжаликлари томонидан сувни тозалаш.	103
25 Жадвал. Сув манбаигача бориш вақти	104
26 Жадвал. Сувни олиб келувчи шасх.	105
27 Жадвал. Нажасларни кетказиш учун санитария-гигиеник ускуналардан фойдаланиш	106
28 Жадвал. Болалар нажасини кетказиш	107
29 Жадвал. Контрацепция воситаларидан фойдаланиш	108
30 Жадвал. Контрацепциядан фойдаланиш зарурати	110
31 Жадвал. Туғишгача тиббий кузатув хизматларини кўрсатувчи ташкилот	111
32 Жадвал. Туғишгача тиббий кузатув назорат	112
33 Жадвал. Туғишга тиббий ёрдам кўрсатиш	113
34 Жадвал. Ой кунни тўлик ўтган ҳомиладорлик	114
35 Жадвал. Оналар ўлими коэффициенти	115
36 Жадвал. Таълим олишда оила кўмаги	116
37 Жадвал. Ўқув материаллари	117
38 Жадвал. Мактабгача ёшда бўлган болаларни талими	118
39 Жадвал. Бошланғич мактабга кириш	119
40 Жадвал. Бошланғич ўқув юртларида ўқишга қатнаш коэффициенти	120
41 Жадвал. Ўрта ўқув юртларида ўқишга қатнаш коэффициенти	121
42 Жадвал. Бошланғич мактабга қатновчи ўрта мактаб ёшидаги болалар	122
43 Жадвал. 5-синфгача ўқиган болалар	123
44 Жадвал. Бошланғич мактабни тугатиш ва ўрта мактабга ўтиш	124
45 Жадвал. Таълим олишда жинслар тенгхуқуқчилиги	125
46 Жадвал. Туғилишни рўйхатга олиш.	126
47 Жадвал. Болалар меҳнати	127
48 Жадвал. Ўқиётган ишчилар ва ишлаётган ўқувчилар	128
49 Жадвал. Эрта турмуш қуриш	129
50 Жадвал. Болалар ногиронлиги	130
51 Жадвал. ОИВ юқиши профилактикаси тўғрисида билимлар мавжудлиги	132
52 Жадвал. ОИВ/ОИТС ҳақида нотўғри фикрларни аниқлаш	133
53 Жадвал. ОИВ/ОИТС юқиши тўғрисида ҳар томонлама билимлар мавжудлиги	134

54 Жадвал. ОИВнинг онадан болага юқиши ҳақида	135
55 Жадвал. ОИВ/ОИТС билан касалланган одамларга муносабат	136
56 Жадвал. ОИВга тест ўтказувчи ташкилот ҳақида билиш	137
57 Жадвал. Туғишгача тиббий кузатув вақтида ОИВга тест ўтказиш ва маслаҳатлар бериш қамрови	138
58 Жадвал. ОИВ инфекцияси юқиши хавфини оширувчи жинсий ахлоқ	139
59 Жадвал. Юқори даражада хатарли бўлган охириги жинсий алоқа вақтида презервативлардан фойдаланиш	140
60 Жадвал. Болалар кун кечириши ва етимлик ҳолати	141

Схемалар рўйхати

1-схема. Уй хўжаликлари аъзоларининг ёши ва жинси бўйича тақсимланиши	23
2-схема. Гўдаклар ўлими коэффицентини баҳолаш, 1996–2006	27
3-схема. 5 ёшгача бўлган болалар ўлими коэффицентини баҳолаш, 2000–2006	29
4-схема. Асосий хусусиятларга кўра 5 ёшгача бўлган болалар ўлими	30
5-схема. Етарлича овқатланмаслик ҳолати тарқалганлиги, 1996–2006	33
6-схема. 5 ёшгача бўлган, етарлича овқатланмайдиган болалар фоизи	34
7-схема. Гўдакни туғилгандан сўнг бир соат ичида ва бир кун ичида эмизишни бошлаган оналар фоизи	37
8-схема. Йодланган тузни етарлича истеъмол қилувчи уй хўжаликлари фоизи, 2000–2006	39
9-схема. Туғилганда оғирлиги 2500 граммдан кам бўлган гўдаклар фоизи	42
10-схема. 12 ойга тўлгач тавсия этилган эмлашларни олган, 15–26 ойлик бўлган болалар фоизи	45
11-схема. ОРТ ёки кўплаб суюқлик қабул қилган ва овқатланишни давом эттирган диарея билан касалланган 0–59 ойлик болалар фоизи	47
12-схема. Ичимлик суви манбаига кўра уй хўжаликлари аъзоларининг фоиз бўйича таркиби	51
13-схема. Контрацепция воситаларидан фойдаланиш, 2000–2006	56
14-схема. Оналар ўлими коэффицентини	60
15-схема. Мактабгача бўлган ўқув муассасаси, бошланғич ва ўрта мактабларга қатнаш, 2000–2006	66
16-схема. ОИВ юқиши ҳақида билим мавжудлиги, 2000–2006	75
17-схема. ОИВ/ОИТС юқиши ҳақида ҳар томонлама билимларга эга аёллар фоизи . . .	76
18-схема. ОИВ инфекцияси юқиши хавфини оширувчи жинсий ахлоқ	79

НАТИЖАЛАРИНИНГ ЙИГМА ЖАДВАЛИ

Мульти индикаторли кластерли тадқиқотлар (МИКТ) ва Минг Йиллик Ривожланиш Мақсадлари Кўрсаткичлари (МРМ), Ўзбекистон, 2006 й.

Модда	МИКТ кўрсаткичининг рақами	МРМ кўрсаткичининг рақами	Кўрсаткич	Миқдори	
БОЛАЛАР ЎЛИМИ					
Болалар ўлими	1	13	5 ёшгача бўлган болалар ўлими коэффиценти	57	1000 бошга
	2	14	Гўдаклар ўлими коэффиценти	48	1000 бошга
ОВҚАТЛАНИШ					
Овқатланиш ҳолати	6	4	Кам вазн ҳолати тарқалганлиги	5,1	Фоизлар
	7		Ўсишдан орқада қолишнинг тарқалганлиги	14,6	Фоизлар
	8		Ориқлаб кетишнинг тарқалганлиги	3,3	Фоизлар
Кўкрак сути билан эмизиш	45		Кўкрак сути билан эмизшни ўз вақтида бошлаш	67,1	Фоизлар
	15		Фақат кўкрак сути билан боқиш коэффиценти		
			6 ойгача	26,4	Фоизлар
			4 ойгача	36,9	Фоизлар
	16		Эмизшни давом эттириш коэффиценти		
				78,3	Фоизлар
			20–23 ойгача	37,9	Фоизлар
			12–15 ойгача	45,2	Фоизлар
17			28,5	Фоизлар	
18			27,6	Фоизлар	
19		Мос тарзда эмизилувчи гўдаклар	27,6	Фоизлар	
Тузнинг йодланганлиги	41		Йодланган тузни истеъмол қилиш	53,1	Фоизлар
А витамини	42		А витамини билан озиқлантириш (5 ёшгача бўлган болаларни)	72,0	Фоизлар
Кам тана оғирлиги билан туғилган болалар	9		Тана оғирлиги кам бўлган гўдаклар	4,8	Фоизлар
	10		Туғилгандан сўнг оғирлиги ўлчанадиган гўдаклар	99,2	Фоизлар
БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ					
Иммунизация	25		Сил касалига қарши эмлаш қамрови	99,2	Фоизлар
	26		Полиомиелитга қарши эмлаш қамрови	86,8	Фоизлар
	27		ҚДҚга қарши эмлаш қамрови	90,4	Фоизлар
	28	15	Қизамиқ касалига қарши эмлаш қамрови	96,0	Фоизлар
	31		Тўлиқ иммунизациядан ўтган болалар	81,1	Фоизлар
	29		В гепатитига қарши эмлаш қамрови	86,5	Фоизлар
Касалликларни даволаш	33		Оғиз регидратациясини қўллаш (ОРТ)	78,8	Фоизлар
	34		Диареяни уй шароитида даволаш	16,6	Фоизлар
	35		ОРТ қабул қилувчи ёки кўп миқдорда суюқлик ичувчи болалар ва давомий эмизиш	28,1	Фоизлар
	23		Пневмонияга шубҳа туғилганда тиббий ёрдамга мурожаат қилиш	67,7	Фоизлар
	22		Пневмонияга учраганликда шубҳа бор беморларни антибиотиклар ёрдамида даволаш	55,7	Фоизлар
Қаттиқ ёқилғи	24	29	Қаттиқ ёқилғи турлари	15,7	Фоизлар
Манба ва нархлар	96		Етказиб бериш манбаси (давлат манбалари)		
			Антибиотиклар	12,3	Фоизлар
	97		Нархи (ўртача нархи)		
			Антибиотиклар (давлат манбалари)	—	Сўм
			(хусусий манбалар)	1000	Сўм
			Оғиз регидратацияси учун туз (давлат манбалари)	—	Сўм
			(хусусий манбалар)	200	Сўм

Модда	МИКТ кўрсаткичининг рақами	МРМ кўрсаткичининг рақами	Кўрсаткич	Миқдори	
АТРОФ-МУҲИТ					
Сув ва санитария	11	30	Такомиллаштирилган ичимлик суви манбаларидан фойдаланиш	89,6	Фоизлар
	13		Сувни тозалаш	98,7	Фоизлар
	12	31	Такомиллаштирилган санитария-гигиеник ускуналардан фойдаланиш	99,4	Фоизлар
	14		Болалар нажасини кетказиш	58,6	Фоизлар
РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК					
Контрацепция ва қониқтирилмаган эҳтиёжлар	21	19с	Контрацепциянинг тарқалганлиги	64,9	Фоизлар
	98		Контрацепциядаги қониқтирилмаган эҳтиёжлар	7,8	Фоизлар
	99		Контрацепциядаги қониқтирилган эҳтиёжлар	89,3	Фоизлар
Оналар ва чақалоқлар саломатлиги	20		Туғишдан олдинги тиббий кузатув	99,0	Фоизлар
	44		Туғишдан олдинги тиббий кузатув мазмуни	99,1	Фоизлар
			Таҳлил учун қон олиш	97,7	Фоизлар
			Артериал қон босимини ўлчаш	97,7	Фоизлар
			Таҳлил учун сийдик олиш	97,6	Фоизлар
			Оғирликни ўлчаш	89,8	Фоизлар
	4	17	Туғишга малакали тиббий ёрдам бериш вазиятида бола туғиш	99,9	Фоизлар
	5		Тиббий муассасаларда туғишлар	97,3	Фоизлар
	Оналар ўлими	3	16	Оналар ўлими коэффициенти	28
БОЛАНИНГ РИВОЖЛАНИШИ					
Боланинг ривожланиши	46		Ўқишга ёрдам бериш	71,3	Фоизлар
	47		Отанинг ўқишга ёрдам бериши	46,9	Фоизлар
	48		Ўқишга ёрдам бериш: болалар китоблари	42,5	Фоизлар
	49		Ўқишга ёрдам бериш: болаларга мўлжалланмаган китоблар	77,8	Фоизлар
	50		Ўқишга ёрдам бериш: ўйинлар учун материаллар	32,3	Фоизлар
	51		Вояга етмаганларга ғамхўрлик	5,0	Фоизлар
ТАЪЛИМ					
Таълим	52		Мактабгача бўлган муассаларга қатнаш	19,7	Фоизлар
	53		Мактабга тайёрлик	26,9	Фоизлар
	54		Бошланғич мактабга қабул қилиш коэффициенти	88,9	Фоизлар
	55	6	Бошланғич ўқув юрларида ўқишга қатнаш коэффициенти	95,8	Фоизлар
	56		Ўрта ўқув юрларида ўқишга қатнаш коэффициенти	93,1	Фоизлар
	57	7	Бешинчи синфгача ўқиган болалар улуши	99,5	Фоизлар
	58		Ўрта мактабга ўтган болалар улуши	100,0	Фоизлар
	59	7б	Бошланғич мактабни тугатган болалар улуши	96,6	Фоизлар
	61	9	Жинслар вакиллиги коэффициенти (эркаклар ва аёлларнинг таълим олиши) Бошланғич Ўрта	1,00 0,98	коэффициенти
Саводхонлик	60	8	Катталар саводхонлиги фоизи	100,0	Фоизлар
БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ					
Болаларни ҳимоялаш	62		Туғилганликни рўйхатга олиш коэффициенти	99,9	Фоизлар
Болалар меҳнати	71		Болалар меҳнати	2,0	Фоизлар
	72		Ўқувчи ишчилар	93,3	Фоизлар
	73		Ишловчи ўқувчилар	2,2	Фоизлар

Модда	МИКТ кўрсаткичининг рақами	МРМ кўрсаткичининг рақами	Кўрсаткич	Миқдори	
Эрта турмуш қуриш	67		15 ёшгача турмуш қуриш	0,3	Фоизлар
			18 ёшгача турмуш қуриш	12,5	Фоизлар
	68		Ҳозирги вақтда турмушга чиққан/эркак киши билан бирга яшайдиган 15–19 ёшдаги аёллар улуши	4,9	Фоизлар
Ногиронлик	101		Болалар ногиронлиги	2,0	Фоизлар
Етим болалар	75		Етимлар улуши	4,1	Фоизлар
	78		Яшаш учун маблағ билан таъминлаш	1,9	Фоизлар
ОИВ/ОИТС ВА ЖИНСИЙ АХЛОҚ					
ОИВ/ОИТС муаммоси ҳақида билим ва унга муносабат	82	19b	Ёшларда ОИВ/ОИТС профилактикаси тўғрисида ҳар томонлама билимлар мавжудлиги	35,3	Фоизлар
	89		ОИВнинг онадан болага юқишини билиш	73,4	Фоизлар
	86		ОИВ/ОИТС билан касалланган одамларга муносабат	2,7	Фоизлар
	87		ОИВ тестини қаерда ўтишни билувчи аёллар улуши	54,5	Фоизлар
	88		ОИВ тестини ўтган аёллар улуши	32,8	Фоизлар
	90		ОИВнинг онадан болага юқишини олдини олиш маслаҳатлари қамрови	69,3	Фоизлар
	91		ОИВнинг онадан болага юқишини олдини олиш тестлари қамрови	65,4	Фоизлар
ОИВ/ОИТС ва жинсий ахлоқ	84		Ёшлар орасида биринчи жинсий алоқа ёши	—	Фоизлар
	92		Жинсий алоқадаги шериклар ёшининг турлилиги	2,8	Фоизлар
	83	19a	Доимий бўлмаган шериклар билан жинсий алоқада бўлганда презервативлардан фойдаланиш	60,5	Фоизлар
	85		Охириги йил давомида юқори даражада хатарли жинсий алоқалар	3,6	Фоизлар

ҚИСҚАРТМАЛАР

ОИТС	Ортирилган иммунитет танқислиги синдроми
БЦЖ (BCG)	Кальметт-Герен Бациллеси (Bacillus-Calmette-Guerin)
КНПМ	Касалликларни назорат қилиш ва профилактика маркази
CSPro	Рўйхатга олиш ва тадқиқот маълумотлари билан ишлаш дастури
ТДТ	Тиббий демографик тадқиқот
КДҚ	Кўкйўтал-дифтерия-қоқшалга қарши вакцина
РТАҲ	Рўйхатга олиш тизими амал қилиш ҳудуди
ЖТК	Жинслар тенглиги кўрсаткичи
НФА-DB	«Саломатлик ҳамма учун» маълумотлар базаси
ОИВ	Одамнинг иммунитет танқислиги вируси
IDD	Йод танқислиги туфайли келиб чиққан бузилишлар
БИВ	Бачадон ички воситаси
ЛАУ	Лактацион аменорея услуги
ССВ	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
МРМ	Минг йиллик Ривожланиш Мақсадлари
МИКТ/МICS	Мульти индикаторли кластерли тадқиқот/Multiple Indicator Cluster Survey
МИКТ3	Мульти индикаторли кластерли тадқиқот — учинчи босқич
ҚСК	Қатнаш соф коэффициенти
ТСММ/NCHS	Тиббий статистика миллий маркази (National Centre for Health Statistics)
ORS	Оғиз регидратацияси учун тузлар
ОРТ	Оғиз регидратацияси орқали даволаш
РРМ	Миллионга тўғри келадиган қисмлар
PPS	Ўлчамга тўғри пропорционал эҳтимол
ТДБ	Танловнинг дастлабки бирлиги
RHF	Тавсия этиладиган уй шароитида тайёрланадиган суюқлик
SD	Ўратача фарқланиш
SPSS	Ижтимоий фанлар учун статистик маълумотлар пакети
Давстаткўм	Давлат статистика кўмитаси
ЎзТДТ	Ўзбекистонда тиббий демографик тадқиқот
ЎзСХЎ	Ўзбекистонда саломатлик ҳолатини ўрганиш
ЮНЭЙДС	ОИВ/ОИТС бўйича БМТ Дастури
ЮНФПА	БМТ аҳолишунослик жамғармаси
UNGASS	ОИВ/ОИТС бўйича БМТ Бош ассамблеяси махсус сессияси
ЮНИСЕФ	БМТ Болалар жамғармаси
UZS	Ўзбек сўми
WFFC	Болалар ҳаёти учун яроқли дунё
ЖССТ	Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти
ФЯС	Фаровонликни яхшилаш стратегияси

ҚИСҚА МУНДАРИЖА

Ўзбекистонни Мульти индикаторли кластерли тадқиқот қилиш уй хўжаликлари, аёллар ва болаларни миллий репрезентатив терма ўрганишни ифодалайди. Тадқиқотнинг асосий мақсадлари Ўзбекистондаги болалар ва аёллар аҳволини баҳолаш учун энг янги маълумотларни тўплаш; Минг йиллик ривожланиш мақсадлари, «Инсонлар ҳаёти учун яроқли дунё» ҳаракат режалари мақсадлари ва бошқа халқаро битимларни келгуси ҳаракатларни амалга ошириш учун асос сифатида жараёни мониторинг қилишда керакли маълумотларни олишда; Ўзбекистонда маълумот тўплаш ва мониторинг тизимини такомиллаштиришга кўмак бериш ва мутахассислар техник малакасини ошириш, лойиҳалаштириш соҳасида тажрибани, бундай тизимларни амалга ошириш ва таҳлил қилиш. 10198 уй хўжаликлари, 13919 аёллар (15–49 ёш) ва 4986 (5 ёшгача) болалар учун саволномалар тўлдирилди.

Болалар ўлими

- Гўдаклар ўлими 1000 бошга 48 нисбатда, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 1000 бошга 57 нисбатда баҳоланади.

Овқатланиш аҳволи

- Ўзбекистонда 5 ёшгача бўлган деярли ҳар йигирманчи бола ўртача кам тана оғирлигига эга (5 фоиз), бир фоиз болалар эса ўта кам тана оғирлигига эга.
- Ўн беш фоиз болалар бўйи ўсиши секин ёки ўз ёши учун жуда паст бўйлидир, тўрт фоиз болалар эса ўта паст бўйга эга.
- 5 ёшгача бўлган уч фоиз болалар озиб кетган ёки ўз бўйи учун жуда ориқдир.
- 5 ёшгача бўлган болаларнинг тахминан етти фоизи ортиқча тана оғирлигига эга.

Эмизиш

- Тадқиқотдан аввалги икки йил мобайнида тирик бола тукқан аёлларнинг учдан икки қисми (67 фоизи) болани туғилгандан сўнг бир соат мобайнида эмизишни бошлаганлар ва фақатгина 15 фоиз чақалоқлар туғилгандан сўнг бир кун мобайнида эмизилмайди.
- Олти ойгача бўлган болаларнинг тахминан 26 фоизи фақатгина эмизиш орқали овқатлантирилади, бу эса таклиф этилган меъёрдан паст.
- 6–9 ойлик даврда 45 фоиз болалар кўкрак сути ва қаттиқ ва ярим қаттиқ овқат қабул қиладилар. 12–15 ойга бориб, 78 фоиз болалар ҳали ҳам кўкрак сутини қабул қиладилар, 20–23 ойга бориб бу сон 38 фоизгача камаяди.

Тузни йодлаш

- Ўзбекистондаги уй хўжаликларининг 53 фоизида туз 15 PPM ва ундан юқори нисбатда йодга эгаллиги аниқланди.

А витаминини кўшиш

- МИКТ бошланишидан олти ой мобайнида 6–59 ойлик болаларнинг 72 фоизи А витамини кўшимчасини юқори миқдорда олишган.

Кам тана оғирлиги билан туғилган болалар

- Деярли ҳамма чақалоқлар туғилганда оғирлиги ўлчанади, деярли 5 фоизи 2500 граммдан кам оғирликка эга.

Иммунизация

- Умуман олганда 5 ёшгача бўлган болаларнинг 96 фоизи эмлашни рўйхатга олиш тиббиёт карточкаларига эга бўлганлар.
- 15–26 ойлик болаларнинг деярли барчаси 12 ойлик ёшгача БЦЖ га эмланганлар (99,2%).
- КДҚ вакцинасининг биринчи дозаси 98 фоиз болаларга эмланган. Кейинги КДҚ эмлашларида бу фоиз камаяди (иккинчи дозага 95 фоиз ва учинчи дозага 90 фоиз).
- Шунга ўхшаш тарзда 96 фоиз болалар полиомиелитга қарши биринчи эмлашни 12 ойлик ёшгача олганлар, иккинчи дозани эса фақатгина 87 фоиз болалар олган.
- Қизамиққа қарши эмлаш қамрови ҳам юқори бўлиб, 96 фоизни ташкил этади.
- Умуман олганда, тавсия этилган барча саккиз эмлашларни олган болалар фоизи 81 фоиздан кам эмас.

Оғиз регидратацияси

- Умуман олганда, Ўзбекистонда 5 ёшгача бўлган болаларнинг фақатгина 3 фоизи тадқиқотдан олдинги икки ҳафта мобайнида диарея билан оғриган.
- Ўрта ҳисобда 79 фоиз болалар бир ёки ундан кўпроқ тавсия этилган уйда даволаниш усуллари билан даволанган (яъни, ОРТ ёки RHF усуллари билан), 21 фоиз болалар эса умуман даволанмаганлар.
- Бироқ, 17 фоиз болалар кўп миқдорда суюқлик қабул қилганлар ва бир вақтнинг ўзида овқат қабул қилганлар. Умуман олганда 28 фоиз болалар ОРТ қабул қилганлар ёки тавсияларга кўра овқатлантириш билан бирга кўп миқдорда суюқлик қабул қилганлар.

Тиббиёт ёрдамига мурожаат қилиш ва пневмонияни антибиотиклар билан даволаш

- Тадқиқотдан олдинги икки ҳафта мобайнида 0–59 ойлик болаларнинг 2 фоизигина пневмония аломатларига эга бўлганликлари таъкидланган.
- Бу болалардан 68 фоизи керакли тиббиёт муассасаларига йўлланган.
- 5 ёшгача бўлган болаларнинг пневмонияга шубҳа бўлган эллик олти фоизи тадқиқотдан олдинги икки ҳафта мобайнида антибиотиклар қабул қилганлар.
- Умуман олганда, фақатгина 15 фоизи пневмониянинг икки хавфли белгилари — тез ва қийин нафас олиш билан таниш бўлганлар.

Қаттиқ ёқилғи турларини қўллаш

- Ўзбекистонда уй хўжалиқларининг фақатгина 16 фоизи қаттиқ ёқилғи турларидан овқат пишириш учун фойдаланадилар.
- Қаттиқ ёқилғи турларини қўлловчи барча уй хўжалиқларидан учдан бир қисмидан кўпроғи (35 фоизи) очиқ печка ёки тутун қувурисиз ёки мўрисиз ўчоқ ишлатадилар, 54 фоизи эса очиқ печка ёки тутун қувури ёки мўрили ўчоқ ишлатадилар, фақатгина 10 фоизи эса тутун қувури ёпиқ печка ишлатадилар.

Сув ва санитария

- Умуман аҳолининг 90 фоизи такомиллашган ичимлик суви манбаларидан фойдаланиш имконига эга (турар жой, ҳовли ёки майдонга олиб келинган водопровод суви, жамоат водопровод кранлари ёки босимли қувурлар, қувури қудуқ, атрофи ўралган қудуқ ёки атрофи ўралган булоқ).

-
- Ўзбекистонда деярли барча уй хўжаликлари (99 фоиз) уй хўжалиги такомиллаштирилган ёки такомиллаштирилмаган сув манбаидан фойдаланишидан қатъий назар, мос сув тозалаш усулини қўллайдилар (аксарият қайнатиш усулини қўллайди).
 - Ўзбекистоннинг деярли барча аҳолиси такомиллаштирилган санитария воситаларига эга уй хўжаликларида яшайди.
 - Умуман, 0–2 ёшдаги 59 фоиз болаларнинг нажаси бехатар тарзда кетказилади.

Контрацепция

- Хабар қилинишича, эрга теккан ва эркак билан бирга яшовчи аёлларнинг 65 фоизи контрацепция воситаларидан фойдаланадилар.
- Энг оммабоп усул БИВ (бачадон ички воситаси) бўлиб, Ўзбекистондаги турмушга чиққан аёлларнинг ярми томонидан қўлланилади. Бошқа контрацепция воситаларининг тарқалганлик фоизи уч фоиздан ошмайди.
- Ҳозирда никоҳда бўлган аёлларнинг фақатгина олти фоизи анъанавий усулларни қўллашларини айтдилар.

Контрацепциядан фойдаланиш зарурати

- Ҳозирда турмушда бўлган аёллардан фақатгина 8 фоизи контрацепция бўйича эҳтиёж эга (4 фоизи туғишлар орасидаги ораликни узайтириш кераклиги сабабли, 4 фоизи чекловлар туфайли).
- Умуман олганда, туғишни тартибга солишда 89 фоиз эҳтиёжлар қониқтирилади.

Туғишдан олдинги назорат

- Ўзбекистонда туғишдан олдинги кузатиш (доктор, ҳамшира ёки акушер томонидан) стандартга яқинлашмоқда ва хомиладорлик даврида камида бир марта туғишгача кузатув хизматларини олувчи аёллар нисбати 99 фоизни ташкил этади.

Туғишга тиббий ёрдам кўрсатиш

- Тадқиқотдан аввалги бир йил давомида бўлган деярли барча туғишлар малакали ходимлар томонидан қабул қилинган.
- Тадқиқотдан аввалги бир йил давомидаги ҳолатларнинг 95 фоизида туғишга тиббий ёрдам врачлар томонидан кўрсатилган.

Боланинг ривожланиши

- Тадқиқотдан аввалги 3 кун давомида 5 ёшгача бўлган болаларнинг 71 фоизи ота-оналари билан турли таълим ва мактабга тайёрлов машғулотларида қатнашдилар. Ота-оналарнинг болалар учун ташкил этган машғулотларнинг ўртача сони 4,4 ни ташкил этди.
- Оталарнинг бир ёки ундан ортиқ машғулотларда қатнашиши 47 фоизни ташкил этди, бироқ оталар иштирок этган машғулотлар ўртача сони 0,8 фоизни ташкил этди.
- Ўзбекистонда 78 фоиз болалар камида 3 та болаларга мўлжалланмаган китоблар мавжуд бўлган уй хўжалигида яшайди. Бироқ 0–59 ойлик болаларнинг фақатгина 43 фоизи болалар китобига эга. Болаларга мўлжалланмаган китоблар ўртача сони юқори (10 та китоб), болалар китоби сони эса паст (2 та китоб).
- 0–59 ойлик болаларнинг учдан бир қисми уйда ўйнаш учун уч ёки ундан ортиқ ўйинчоқларга эга бўлиб, 4 фоиз болаларнинг эса ҳеч қандай ўйинчоқлари йўқ.

Мактабгача муассасаларга қатнаш ва мактабга тайёрлик

- 36–59 ойлик болаларнинг 20 фоизга яқини мактабгача муассасаларга қатнайдилар.

-
- Умуман олганда, бошланғич мактабнинг биринчи синфига қатнайдиغان 6 ёшли болаларнинг 34 фоизи ва 7 ёшли болаларнинг 26 фоизи бир йил аввал мактабгача муассасага қатнаганлар.

Бошланғич ва ўрта мактабга қатнаш

- Ўзбекистонда бошланғич мактабга қабул қилиниш ёшидаги болалар орасида 7 ёшли болаларнинг 79 фоизи бошланғич мактабнинг биринчи ёки иккинчи синфига қатнайди ва 8 ёшли болаларнинг 99 фоизи бошланғич мактабнинг биринчи, иккинчи ва учинчи синфларига қатнайди.
- Умуман, Ўзбекистонда бошланғич мактаб ёшидаги болаларнинг 96 фоизи бошланғич ёки ўрта мактабга қатнайди.
- Ўрта мактаб ёшидаги болаларнинг фақатгина 7 фоизи ўрта мактабга қатнамайди.
- Биринчи синфга борган болаларнинг деярли барчаси бешинчи синфгача етиб боради.
- Бошланғич мактабни яқунлаш ёшидаги (11 ёш) болаларнинг 97 фоизи бошланғич мактабнинг охириги синфига қатнаганлар.
- Бошланғич мактабда жинслар вакиллиги коэффиценти айнан 1,00 ни ташкил этиб, ўғил ва қиз болаларнинг бошланғич мактабга қатнашида ҳеч қандай фарқ йўқлигини кўрсатади. Ўрта таълим учун бу коэффицент бир оз пасайиб 0,98 фоизни ташкил этади.

Катталар саводхонлиги

- Ўзбекистонда катталар саводхонлиги оммавийдир.

Туғилишни рўйхатга олиш

- Ўзбекистонда 5 ёшгача бўлган деярли барча болалар туғилиши рўйхатга олинган.

Болалар меҳнати

- 5–14 ёшдаги болаларнинг фақатгина 2 фоизи болалар меҳнат амалиётида банд бўлиб, бу болаларнинг аксарияти учун бундай ишга пул тўланмайди.
- Ишловчи деб белгиланган 2 фоиз болаларнинг аксарияти мактабга ҳам қатнайдилар (93 фоизи).

Эрта турмуш қуришлар

- Ўзбекистонда 15–19 ёшдаги аёлларнинг фақатгина беш фоизи ҳозирда турмушга чиққан.
- 15–49 ёшдаги аёлларнинг бир фоиздан ками 15 ёшга етгунга қадар турмушга чиққанлар, 20–49 ёшдаги аёлларнинг 13 фоизи эса 18 ёшгача турмушга чиққанлар.

Болалар ногиронлиги

- 2–9 ёшли болалардан фақатгина 2 фоизи уларнинг оналари ёки васийларининг хабарларига кўра камида бир ногиронликка эга. Саволномада кўрсатилган ҳеч қайси бир ногиронлик тури учун айнан ушбу ногиронлик турига эга болалар фоизи 1 фоиздан ошмади.

Етим ва ҳимояланмаган болалар

- Умуман, 0–17 ёшдаги болаларнинг 91 фоизи ота ва онаси билан яшайди, 6 фоизи фақатгина онаси билан, 1 фоизи фақат отаси билан яшайди ва 2 фоизи ҳеч қандай биологик ота-онасиз яшайди.

ОИВ юқиши ҳақида билимлар мавжудлиги ва презервативлардан фойдаланиш

- Барча сўралган аёллардан 48 фоизи иккита кўп тарқалган хато фикрни рад этдилар ва кўринишидан соғлом бўлган одам инфекция юқтирган бўлиши мумкинлигини биладилар.

-
- Умуман, 60 фоиз аёллар касаллик юқишини олдини олишнинг икки усули ҳақида билишларини хабар бердилар.
 - Фақатгина 31 фоиз ёш аёллар (15–24 ёш) ОИВ ҳақида ҳар томонлама ва аниқ билимларга эга.
 - Умуман, 92 фоиз аёллар ОИВ онадан болага юқиши мумкин эканлигини биладилар. ОИВнинг онадан болага юқишининг учала турини биладиган аёллар 73 фоизни ташкил этди, 5 фоиз аёллар эса ҳеч бир йўлини билмайди.
 - Яримдан кўп аёллар (55 фоиз) ОИВга тестни қаерда ўтиш мумкин эканлигини биладилар, 33 фоизи эса тестдан ўтганлар.

1. КИРИШ

Дастлабки шартлар

Ушбу дастлабки ҳисобот Ўзбекистон Республикасида 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг саъй-ҳаракатлари билан унинг минтақавий бўлинмаларининг кўмагида ўтказилган Мульти индикаторли кластерли тадқиқот (МИКТ) ишларига асосланади. Текшириш ишлари Ўзбекистонда болалар ва оналар шароити ҳақида муҳим маълумот тақдим этиб, кўп жиҳатдан яқинда қабул қилинган халқаро ҳужжатлардан (2000 йилнинг сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган 191та давлат томонидан қабул қилинган Минг йиллик декларацияси, 2002 йилнинг май ойида бўлиб ўтган болалар аҳволи бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус сессиясида 189 та аъзо давлатлар томонидан қабул қилинган “Болалар яшаши учун яроқли дунё” ҳаракат режаси) келиб чиқадиган мақсад ва вазифаларга эришиш йўлида тараққиётни мониторинг қилиш зарур бўлганлиги учун амалга оширилди. Юқорида қайд этилган иккала ҳужжат ҳам халқаро ҳамжамият томонидан 1990 йилда болалар манфаатларини кўзлаб юқори даражада ўтказилган Бутун жаҳон учрашувида қабул қилинган мажбуриятларга асосланади.

Мазкур халқаро ҳужжатларга имзо қўяр эканлар, ҳукуматлар ўз мамлакатларида болаларнинг яшаш шароитларини яхшилаш ва бу мақсадга эришишдаги тараққиёт устидан кузатув олиб бориш мажбуриятларини ўз зиммаларига олдилар. Ушбу вазифани бажаришда ЮНИСЕФга таъминловчи вазифаси ажратилган (қуйидаги жадвалга қаранг).

Ҳаракат қилиш мажбурияти: миллий ва халқаро даражаларда ҳисоботларни тақдим этиш вазифаси

Минг йиллик декларациясини ва “Болалар яшаши учун яроқли дунё” Декларацияси ва Ҳаракат режасини имзолаган ҳукуматлар, шунингдек, уларда баён этилган мақсад ва вазифаларга эришиш йўлидаги тараққиёт устидан кузатишда қуйидагиларни ўз зиммаларига олдилар:

“Миллий ва, тегишли вазиятларда, минтақавий даражаларда мазкур Ҳаракат режасида миллий, минтақавий ва глобал даражаларда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишнинг бориши устидан мунтазам кузатиб борамиз ва бу жараённинг тараққиётига баҳо берамиз. Бунинг учун биз маълумотлар йиғиш, уларни таҳлил қилиш ва ажратиш, шу жумладан жинси, ёши ва тафовутларга олиб қилиши мумкин бўлган бошқа тегишли омиллар бўйича ўзимизнинг миллий статистик салоҳиятимизни кучайтирамиз, ва болаларга бағишланган кенг доирадаги тадқиқотларни ўтказишни қўллаб-қувватлаймиз. Биз статистик салоҳиятни ошириш борасидаги ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро ҳамкорликни фаоллаштирамиз ҳамда назорат қилиш, баҳолаш ва режалаштириш учун ижтимоий салоҳият яратамиз” (“Болалар яшаши учун яроқли дунё”, 60-банд).

“... Биз тўсиқларни янада самарали бартараф этиш ва фаолиятни жадаллаштириш учун миллий ва субмиллий даражаларда тараққиётни мунтазам равишда ўрганиб борамиз...” (“Болалар яшаши учун яроқли дунё”, 61-банд).

Ҳаракат режасида (61-банд) ишлар аҳволи бўйича даврий маърузаларни тайёрлаш жараёнига ЮНИСЕФни жалб этиш аниқ кўзда тутилган:

“... Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармасига, болалар манфаатларини ҳимоя қиладиган дунёда етакчи муассаса сифатида, ҳукуматлар, тегишли жамғармалар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимининг дастурлари ва ихтисослашган муассасалари ҳамда мақсадга мувофиқ бўлганда, барча бошқа тегишли шахслар билан яқин ҳамкорликда мазкур Декларацияни ва Ҳаракат режасини амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги ахборотни тайёрлаш ва тарқатишни давом эттириш бўйича мурожаат қилинмоқда”.

Минг йиллик декларациясида (31-банд) эришилган тараққиёт тўғрисида даврий маърузаларни тақдим этиш кўзда тутилган:

“... Биз Бош Ассамблеядан мазкур Декларация бандларини амалга оширишнинг боришини мунтазам кўриб чиқишни илтимос қиламиз ва Бош котибдан Бош Ассамблеяда кўриб чиқиш ҳамда келгуси чораларни кўриш учун асос сифатида даврий маърузаларни чоп этишни сўраймиз”.

Кейинги бир неча йил ичида Ўзбекистон ҳукумати Минг йиллик ривожланиш мақсадларини (МРМ) ҳамда аёллар ва болалар ҳуқуқларини амалга оширишга мувофиқ ижтимоий ислохотларни амалга оширишга нисбатан ўзининг сиёсий масъулияти ва салоҳиятини анчагина кенгайтирди. Ўзбекистон, Минг йиллик декларациясини имзолаган тараф сифатида, МРМда баён этилган муаммоларни ҳал қилиш борасида ўз мажбуриятларини бажариб келмоқда. Ҳукумат ушбу муаммоларнинг миллий ривожланиш контекстидаги долзарблиги ва муҳимлигини эътироф этади. Ҳукумат, донорлар ҳамжамияти ва фуқаролик жамияти билан ҳамкорликда, ўз миллий мақсадлари ва МРМ индикаторларини ишлаб чиқишга киришди. Миллий экспертлар гуруҳи, тегишли дастлабки даражалар ва индикаторларни ўрнатиш орқали, ҳар бир мақсад учун ривожланиш контекстини таҳлил қилишда анчагина олға силжиди. Ҳукумат, хусусан, МРМнинг фаровонликни яхшилаш стратегиясининг (ФЯС) ораликдаги ҳужжатида муваффақиятли мослашганлиги ва қўшилганлигини тан олади. Мониторинг ва ҳисоботни институционаллаштириш бўйича қўшимча ишларни бажариш лозим. Модомики, миллий МРМларнинг, ҳам мамлакатларнинг фаровонликни яхшилаш оралик стратегиясининг мақсади турмуш даражасини оширишга қаратилган экан, МРМ ва ФЯСни ишлаб чиқиш жараёнлари, айниқса уларни муҳокама қилиш вақтида, бир-бирини тўлдиради. МРМ ораликдаги ФЯСни ишлаб чиқиш учун муайян асосларни белгилайди ҳамда янада кенг миллий миқёсда дахлдорликни кучайтиришга ёрдам беради. МИКТ 2006 нинг яқунланиши ана шундай стратегик ишга қўшимча сифатида хизмат қилиб, келгусида барча манфаатдор тарафлар ва масъулиятли шахслар томонидан режалаштириш ва амалга ошириш учун дастлабки маълумотларни тақдим этади. МИКТ 2006 ни бажариш натижасида олинган маълумотлар ҳукуматнинг илмий жиҳатдан асосланган сиёсатини ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш жараёнини янада кучайтиришга хизмат қилади ва шу билан МРМ ва “Болалар яшаши учун яроқли дунё” дастурининг мақсадларига эришиш йўлида янада мувофиқлашган сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ёрдам беради.

Мазкур якуний ҳисобот тадқиқот доираси қамраб олган индикаторлар ва мавзулар мажмуини тақдим этади.

Текшириш мақсадлари

Ўзбекистонда 2006 йилда ўтказилган Мульти индикаторли кластерли тадқиқотнинг бош мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистонда болалар ва аёллар аҳволини баҳолаш учун янгиланган маълумотларни тақдим этиш;
- Келгуси ҳаракатларни амалга ошириш базаси сифатида Минг йиллик декларациясини ривожлантириш соҳасида ҳамда Декларацияда, “Болалар яшаши учун яроқли дунё” Ҳаракат режаси ва бошқа халқаро келишувларда ифодаланган мақсадларга эришишдаги тараққиётни мониторинг қилиш учун зарурий маълумотларни қўлга киритиш;
- Ўзбекистонда маълумотлар йиғиш ва мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришга ёрдам бериш ҳамда бундай тизимларни лойиҳалаштириш, амалга ошириш ва таҳлил қилиш соҳасида мутахассисларнинг техник малакаларини ошириш.




**10 198 уй хўжаликлари муваффақиятли сўровдан ўтказилди;
5 ёшгача бўлган болалар учун 4986 саволномалар ҳамда
15–49 ёшдаги аёллар учун 13 919 саволномалар тўлдирилди.**

2. ТЕРМА ТУЗИШ ВА ТАДҚИҚОТЛАР ЎТКАЗИШ УСЛУБИЯТИ

Терма схемаси

Ўзбекистонда ўтказилаётган Мульти индикаторли кластерли тадқиқот (МИКТ) учун терма шундай аснода режалаштирилган эдики, шаҳар ва қишлоқ ҳудудлари ҳамда қуйида кўрсатилган мамлакатнинг аниқланган 6 та асосий гео-иқтисодий минтақалари учун миллий даражада болалар ва аёллар аҳволига тегишли кўп миқдордаги кўрсаткичлар бўйича баҳоларга эга бўлиш лозим эди



Терманинг асосий ҳудудлари сифатида шаҳар ва қишлоқ жойлари белгиланди ва терма уч босқичда олиб ўтказилди. Биринчи босқичда терманинг 375 та дастлабки элементлари танлаб олинди. Унда 2002 йилда Давлат статистика Қўмитаси томонидан ўтказилган мамлакат аҳолисини текшириш вақтида қўлга киритилган ва “маҳалла” деб номланадиган 14799 та қайд қилиш тизимининг таъсир зонасидан иборат бош тузилма сонига мутаносиб, деган эҳтимол мавжуд эди. Рўйхатга олиш тизимининг танлаб олинган таъсир этиш зоналарининг рўйхати терманинг иккинчи босқичи учун асос бўлиб хизмат қилди. Рўйхатга олиш тизимининг таъсир зонаси учун унинг таркибида мавжуд бўлган “стандарт сегментлар”нинг талаб этиладиган сонига тенг бўлган сон кўрсаткичи тайинланган эди. Ушбу сегментлар сони рўйхатга олиш тизимининг таъсир зонасидаги аҳоли сонини 500 га бўлиш ва бунинг натижасини энг яқин бутун сонгача яхлитлаш йўли билан аниқланган. Битта сегмент тасодифий йўл билан, рўйхатга олиш тизимининг ҳар бир таъсир зонаси учун тайёрланган схематик харита асосида танлаб олинган. Танлаб олинган сегментлар доирасида уй хўжаликларининг рўйхати тузилганидан сўнг 10505 уй хўжалиқларидан

иборат тизимли терма тузилган эди. Рўйхатга олиш тизимининг барча таъсир зоналарида муваффақиятли қатнов кузатилди.

Кластерларнинг терма минтақалари ўртасида тақсимланиши аҳоли тақсимланишига мутаносиб эмас ва, демакки, уй хўжаликларининг батамом тарқалганлигидан далолат бермайди. Шундай қилиб, мазкур термани уй хўжаликларининг ўзини баҳолаган термаси, деб эътироф этиб бўлмайди. Ҳисобот учун миллий микёсда терманинг вазни қўлланилади. Терма схемасининг батафсил таърифи А иловада келтирилган.

Саволномалар

Ушбу тадқиқотда учта саволномадан фойдаланилди: 1) уй хўжаликларининг барча де-юре (юридик/расмий) аъзолари, уй хўжаликларининг ўзлари ва уй-жой тўғрисида маълумот йиғиш учун ишлатилган уй хўжаликлари бўйича саволнома; 2) ҳар бир уй хўжалигида 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган барча аёлларга нисбатан ишлатилган аёллар учун саволнома; ва 3) уй хўжалигида яшовчи 5 ёшгача бўлган барча болаларнинг оналари ва васийларига нисбатан ишлатилган, 5 ёшгача бўлган болалар учун саволнома.

Бошқарув кўмитаси тадқиқот билан қамраб олинган энг муҳим масалаларни танлаш ишларини ҳамда аҳоли, аёллар ва болалар саломатлиги, оилани режалаштириш ҳамда саломатликка боғлиқ бўлган бошқа саволларга нисбатан Ўзбекистон учун долзарб бўлган муаммоларни акс эттирувчи саволномалар бўйича қатъий келишувга эришишни мувофиқлаштирган.

Уй хўжаликлари бўйича саволномалар қуйидаги модуллардан иборат эди:

- Уй хўжалигининг рўйхати
- Маълумот
- Сув таъминоти ва санитария
- Уй хўжалигининг хусусиятлари
- Болалар меҳнати
- Чекланган имкониятлар
- Оналар ўлими
- Йодланган тузни истеъмол қилиш

Аёллар учун индивидуал саволнома уй хўжаликларида яшовчи 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган барча аёллар учун қўлланилиб, қуйидаги модулларни ўз ичига олган:

- Болалар ўлими
- Оналар ва янги туғилган чақалоқлар саломатлиги
- Оилавий аҳволи/Иттифоқ
- Контрацепция (сақланиш)
- Жинсий ахлоқ
- ОИВ ҳақида билимлар мавжудлиги

5 ёшгача бўлган болалар тўғрисидаги саволнома уй хўжалигида яшовчи 5 ёшгача бўлган барча болалар оналари ва васийларига нисбатан қўлланилди. Одатда саволлар 5 ёшгача бўлган болалар оналарига берилди; она уй хўжалиги рўйхатида бўлмаган тақдирда боланинг бош васийси аниқланиб ундан сўралди. Саволнома қуйидаги модулларни ўз ичига олган:

- Туғилишни рўйхатга олиш ва эрта таълим бериш
- Болалар ривожланиши

- А витаминини истеъмол қилиш
- Эмизиш
- Касалликларни даволаш ва беморларни парваришlash
- Иммунизация
- Антропометрия

Саволномалар МИКТ3 саволномалари намуналарига асосланган (МИКТ 3-босқичи)¹. Саволномалар МИКТ3 саволномаси инглиз тили нусхасидан ўзбек ва рус тилларига таржима қилинган ва 2006 йил январь ойи мобайнида олдиндан Тошкент шаҳрининг бир туманида ва Тошкент вилояти Зангиота туманининг бир қишлоқ жойида тестдан ўтказилди. Асосий тадқиқотни ўтказиш вақтида жойларда раҳбар ходимлар ва муҳаррирлар сифатида ишлашлари лозим бўлган йигирма саккиз киши саккиз кун давомида сабоқ олдилар, шунингдек жойларда ўзбек ва рус тилларида интервью ўтказиш учун икки кунлик тренингни ҳам ҳисобга олиш керак. Шу билан бирга, айна вақтнинг ўзида оғирлик ўлчови ишлари бажарилди. Тренинг қатнашчилари икки кишидан иборат командаларда иш олиб бориб, интервью ўтказдилар ва бу уларга бир-бирининг кетидан кузатиш ҳамда бир-бирини қўллаб-қувватлашга имкон яратди. Жами бўлиб 117 та уй хўжаликларининг интервьюлари ўтказилди, шу жумладан аёллар учун 146 та индивидуал саволномалар ва 5 ёшгача бўлган болалар учун 55 та саволномалар тўлдирилди. Ҳар бир команда уй хўжаликларининг бештадан ўнtagача уй хўжалиги интервьюсини ўтказди. Жойларда машғулот якунланганидан сўнг бир кун саволномаларни ўрганиш ҳамда иштирокчилар интервью ўтказиш вақтида учраган саволлар ва муаммоларни муҳокама қилишга бағишланди. Дастлабки тест-синовларининг натижалари асосида матнга ўзгартиришлар киритилди ва саволномаларнинг таржимаси тайёрлаб кўйилди. Ўзбекистон учун МИКТ саволномаси нусхаси Е иловада келтирилган.

Ўзбекистон учун МИКТ саволномасига МИКТ саволномалари намуналарига нисбатан бир қатор қўшимчалар киритилди. Бу қўшимчалар асосан аҳоли таълими даражаси ва ҳомила чораларига алоқадор эди. Саволномалар билан интервьюлар ўтказиш билан бир қаторда, интервью ўтказувчилар уй хўжаликлари томонидан овқат пишириш учун ишлатилувчи тузнининг йодга эгалигини текширдилар, ҳамда 5 ёшгача бўлган болалар вазни ва бўйини ўлчадилар. Ушбу ўлчашларнинг тафсилотлари ва натижалари ҳисоботнинг тегишли бўлимларида келтирилган.

Тренинг ва жойлардаги ишлар

Жойларда текшириш ўтказишда қатнашадиган ходимлар 2006 йилнинг март ойи бошида 10 кун давомида таълим олдилар. Жами бўлиб раҳбарлар, муҳаррирлар ва интервью олувчилар сифатида 92 нафар иштирокчига сабоқ берилди. Интервью олувчилар ва муҳаррирлар сифатида ишлаш учун фақат аёллар танлаб олинди. Эркаклар эса асосан раҳбар ходим сифатида ишлаш учун танлаб олинди. Ўқув жараёни тақдимотлар, намоёишлар ва мулоқотлардан иборат бўлди. Кичик гуруҳларда роль ижро этиш, интервью олиб кўриш, муҳокама қилиш, йод мавжудлиги бўйича антропометрик ўлчовларни олиш ва тест-синовлар ўтказиш каби ишлар олиб борилди. Тошкент шаҳридаги учта болалар боғчаларида эса антропометрик ўлчовларни стандартлаштириш бўйича алоҳида машғулот ўтказилди.

ЮНФПА, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЮНИСЕФ вакиллари оилани режалаштириш, она ва бола саломатлиги, ОИВ/ОИТС ва тузни йодлаш мавзулари бўйича мамлакатлар дастурлари бўйича тақдимотлар ўтказдилар. Назарий билим олишга қўшимча равишда иштирокчилар жойлардаги тренинглар давомида икки кун ичида интервью олиш борасидаги ўз кўникмаларини амалда ишлатиб кўриш имконига эга бўлдилар. Ушбу дастур якун-

¹ МИКТ3 саволномалари намуналарини www.childinfo.org интернет саҳифасида ёки ЮНИСЕФ, 2006 да топиш мумкин.

ланганидан сўнг жойларда юзага келиши мумкин бўлган барча қолган муаммолар ёки саволларни кўриб чиқиш учун якуний сессия ўтказилди. Раҳбар ва муҳаррирлар сифатида ишлаш учун танлаб олинган қатнашчиларга жойлардаги ишларни назорат қилиш ва саволномаларни таҳрир этиш мавзуси бўйича икки кунлик қўшимча тренинг ўтказилди.

Маълумотлар ҳар бирининг таркиби 3–4 нафар интервью олувчилар (аёллар), бир нафар муҳаррир/ўлчаш ишларини бажарувчи шахс (аёл), бир нафар раҳбар ва бир нафар ҳайдовчидан иборат бўлган 15 та команда томонидан йиғилди. Давлат статистика қўмитасидан катта ходим ва икки нафар дала мувофиқлаштирувчилари жойлардаги ишларни келиштириб, уларга раҳбарлик қилдилар. Жойларда фаолиятни назорат қилиш ва зарурий кўмак бериш учун ташқи назорат дастури яратилди.

Дала ишлари 2006 йилнинг март оyi бошларида бошлаб юборилиб, шу йил май ойининг ўрталарида якунланди.

Маълумотларга ишлов бериш

Маълумотлар CSPro дастурий таъминотидан фойдаланган ҳолда олти микрокомпьютерда 9 нафар маълумот киритиш оператори ва 2 нафар маълумот киритиш раҳбари томонидан киритилди. Сифат назоратини кафолатлаш учун саволномаларнинг икки ёқлама киритилиши амалга оширилди, ҳамда саволноманинг ички мантиқи текширилди. Бутун текширув давомида Ўзбекистон учун бўлган саволномаларга татбиқан МИКТ3 глобал лойиҳасининг доирасида ишлаб чиқилган тартиб-таомиллар ва стандарт дастурлар ишлатилди. Маълумотлар тўплаш командаси томонидан кирувчи маълумотлар сифатини назорат қилиш ва маълумотлар тўплаш командалари билан тескари алоқани таъминлаш учун, маълумотлар сифатини назорат қилиш бўйича қўшимча жадваллар тўплами яратилди. Маълумотларга ишлов бериш ишлари маълумотларни тўплаш билан бир вақтнинг ўзида 2006 йилнинг апрель ойида бошланди ва 2006 йилнинг июнь ойида тугатилди. Маълумотлар SPSS (Ижтимоий фанлар учун статистик пакет) 14-версияси дастурий таъминотидан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинди, шу мақсадда намунали синтаксис ва табуллаштириш режалари ишлаб чиқилди.



53 190 уй хўжаликлари аъзолари рўйхатга олинди. Улардан 26 578 нафари эркак жинсига, 26 611 эса аёл жинсига мансуб кишилар эди. Уй хўжалиги ўрта ҳисобда 5,2 кишидан иборат бўлди.

3. ТЕРМА ҲАЖМИ ВА УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА РЕСПОНДЕНТЛАР ТАЪРИФИ


Терманинг қамрови

Терма учун танлаб олинган 10505 та уй хўжаликларидан 10349 тасида аҳоли яшар экан. Улардан 10198 таси муваффақиятли сўровдан ўтказилди ва бу уларнинг умумий сонидан 98,5 фоизни ташкил этди. Сўровдан ўтказилган уй хўжаликларида 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган 14205 нафар аёллар борлиги аниқланди. Улардан 13919 таси муваффақиятли сўровдан ўтказилди ва бу 98 фоизга тенг жавоб бериш коэффициентига эришилганидан далолат беради. Бундан ташқари, уй хўжалигининг саволномасида 5 ёшгача бўлган 5039 нафар болалар тўғрисида қайд этилган. Ана шу болалар бўйича 4986 та саволномалар тўлдирилди ва бу 98,9 фоизга тенг бўлган жавоблар коэффициентига мос келди. 96,6 ва 97,5 фоизни ташкил қиладиган умумий жавоб берганлар коэффициенти мувофиқ равишда аёллар ва 5 ёшгача бўлган болаларни сўровдан ўтказишга мўлжалланган (1-жадвал).

Шаҳар ва қишлоқ уй хўжаликлари ва турли минтақаларда жавоб берганлар ўртасида катта фарқ йўқ. Барча турли минтақа, шаҳар ва қишлоқ туманларида жавоб берганлар улуши 95 ва ундан ортиқ фоизни ташкил этди.

Уй хўжаликлари хусусиятлари

Тадқиқ қилинган аҳолининг ёши ва жинси бўйича тақсимланиши 2-жадвалда келтирилган. Бу тақсимлов 1-схемадаги аҳолининг ёши ва жинси бўйича пирамидасини тузишда ҳам қўлланган. Тадқиқот пайтида самарали сўралган 10198 та уй хўжалигида 53190 нафар уй хўжалиги аъзолари яшаган. Улардан 26578 нафари эркак ва 26611 нафари аёл бўлган. Тадқиқот баҳолов кўрсаткичлари шуни кўрсатадики, ўртача уй хўжалиги ўлчами 5,2 кишини ташкил этади.



3-жадвалда уй хўжаликлари ҳақидаги асосий маълумот кўрсатилган. Уй хўжалиги миқёсида жадвалда уй хўжалиги бошлиғининг жинси, минтақа, шаҳар/қишлоқ макоми, уй хўжалиги аъзоларининг сони ва уй хўжалиги бошлиғининг она тилиси кўрсатилган². Бу дастлабки хусусиятлар мазкур ҳисоботдаги келгуси жадвалларда ҳам қўлланилган; жадвалдаги рақамлар ҳисоботдаги таҳлилнинг асосий тоифалари бўйича кузатувлар сонини кўргазма қилиш учун мўлжалланган.

Таққосланган ва таққосланмаган уй хўжаликлари сони бир хил, чунки термалар вазни унификация қилинган (А Иловасига қаранг). Жадвалда ҳеч бўлмаса бир нафар 18 ёшгача бўлган болага эга (81 фоиз), ҳеч бўлмаса бир нафар 5 ёшгача бўлган болага эга (37 фоиз) ва ҳеч бўлмаса бир нафар 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган аёлга эга бўлган (89 фоиз) уй хўжаликлари улуши ҳам кўрсатилган. Аксарият уй хўжаликларининг бошлиқлари эркалардир (82 фоиз). Аҳолини минтақа ва шаҳар ва қишлоқ туманларига тақсимлаш натижасида термадаги энг катта уй хўжаликлари улуши шарқий минтақа (28 фоиз) ва қишлоқ минтақалари (62 фоиз) ташкил этади. Бешдан бир уй хўжаликларида уй хўжалиги бошлиғининг она тили ўзбек тили эди.

Респондентлар хусусиятлари

4- ва 5-жадвалларда 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган аёллар ва 5 ёшгача бўлган болалар орасидан респондентлар дастлабки хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар тақдим этилган. Иккала жадвалда таққосланган ва таққосланмаган кузатувлар натижалари умумий сони тенгдир, чунки термалар вазни унификация этилган (стандартлаштирилган). Аёллар ва болалар дастлабки хусусиятлари ҳақидаги фойдали маълумотларни тақдим этишдан ташқари, жадваллар ҳар бир дастлабки тоифа бўйича кузатувлар сонини кўрсатади. Бу тоифалар ҳисоботнинг кейинги жадвалларида қўлланилади.

4-жадвалда 15–49 ёшдаги аёллар орасидан респондентларнинг дастлабки хусусиятлари келтирилган. Жадвалда аёлларнинг минтақа, шаҳар ва қишлоқ тумани, ёши, оилавий аҳволи, оналик ҳолати, маълумоти³, фаровонлик⁴ кўрсаткичи квинтили ва уй хўжалиги бошлиғи она тилиси бўйича тақсимлаш маълумоти ҳам кўрсатилган.

Ўтмишдаги туғилишнинг юқори коэффициентлари натижасида ёшроқ аёллар улуши ҳозирда ёши каттароқ аёллар улушидан пропорционал равишда юқорироқ ва ҳар бир ёш гуруҳида одатда ёш ошиши билан респондентлар мутаносиблиги пасаяди. Тадқиқот ўтказиш даврида барча аёлларнинг олтимиш тўрт фоизи турмушда бўлган, беш фоизи эса олдин турмуш қурган бўлган. Қутилганидек, аксарият аёллар қишлоқ ҳудудларида

2 Бу уй хўжалиги бўйича саволномада уй хўжалиги раҳбарининг она тилиси ҳақидаги саволни кўйиш орқали аниқланган.

3 Бошқа ҳолда ифодаланмаганда, «маълумот» асосий ўзгарувчи сифатида қўлланилганда, мазкур ҳисобот мобайнида респондентнинг таълим даражасини англатади.

4 Таҳлилнинг асосий компонентлари термада ҳар бир уй хўжалиги мулкни баҳолаш ва ҳар бир уй хўжалигининг фаровонлиги бўйича балл бериш учун уй-рўзгор жиҳозлари ва хўжалик мосламаларига эгаллик ҳақидаги маълумотни қўллаш усули орқали бажарилди (Бундай ҳисобларда қўлланилган мулк ўз ичига қуйидагиларни олди: яшаш жойи эшигининг асосий материали, томнинг асосий материали, деворлар асосий метериали, овқат пишириш учун ишлатиладиган ёқилги тури, электр токи, радиоприёмник, телевизор, уяли алоқа телефони, стационар телефон, музлатгич, электр чойнаги, стол, стул, ойна, кир ювиш машинаси, чанг ютгич, видеоплейер/ДВД плейер, гердероб, мебель гарнитурини, соат, велосипед, мотоцикл ёки мотороллер, от-эшак араваси, автомобиль ёки юк машинаси, компьютер, трактор/комбайн, қишлоқ хўжалиги учун ярқоқли ер майдони, қора мол, соғин сигир, бука, от/эшак/хачир, туя, эчки, қўй, товук, қуён, ичимлик суви манбаи ва санитария мосламасининг мавжудлиги). Сўнгра ҳар бир уй хўжалиги уй хўжалиги аъзолари сонига қараб ўлчанди, ўзи яшайдиган уй хўжалиги фаровонлиги баллари асосида уй хўжалиги аҳолиси энг кичик квинтилидан энг катта квинтилигача бир хил ўлчамдаги беш гуруҳга бўлинди. Тахмин қилинишича, уй хўжаликлари мулки ҳақидаги маълумот асосий узок муддатли моддий бойликларни ўз ичига олади, бу эса уй хўжаликларини фаровонлик даражаси бўйича таснифлашга имконият беради: энг кам таъминланганлардан энг бойларигача. Фаровонлик индекси ўта кам таъминланганлик, фойда ва харажатлар ҳозирги даражаси ҳақида маълумот бера олмайди ва фаровонлик бўйича олинган баллар факатгина ўзлари асосланган маълумотлар мужассамлигига нисбатан қўлланиши мумкин. Фаровонлик индекси қурилишининг кейинги маълумоти Рутштейн ва Жонсон китобида 2004 ва Фильмер ва Притчет китобида, 2001 берилган.

яшайдилар (69 фоиз), энг катта мутаносиб улуши шарқий минтақада яшайди (29 фоиз), ундан кейин марказий минтақа келади (21 фоиз). 4-жадвал кўрсатадики, бошланғич таълим Ўзбекистонда деярли умумийдир, аксарият аёллар ўрта мактабни ҳам тугатадилар; 46 фоиз аёллар тўлиқ ўрта маълумотга эга, 25 фоизи тўлиқ ўрта махсус маълумотга эга, 8 фоизи эса олий маълумот олганлар. Аёлларни фаровонлик квинтили бўйича тақсимлаш ҳар бир тоифа учун тахминан тенг мутаносибликларни кўзда тутаяди. Уй хўжалиги бошлиғининг она тилисига келсак, 85 фоиз аёллар учун ўзбек тили она тили ҳисобланади, рус, қорақалпоқ ва тожик тиллари каби бошқа тиллар ҳам уй хўжаликлари бошлиғининг она тилиси сифатида кўрсатилган.

Минтақа ва яшаш жойи бўйича таққосланган ва таққосланмаган кузатувлар сони тахмин қилинган чегараларда бўлиб, терма стратегияси сифатида уй хўжаликлари ошиқча ва кам термаси бўйича кўзда тутилган сайи-ҳаракатларни кўрсатади. Дастлабки хусусиятларга келсак, таққосланган ва таққосланмаган кузатувлар сони кам фарқ қилади, фаровонлик ва маълумот бундан мустасно.

5-жадвалда 5 ёшгача бўлган болалар баъзи дастлабки хусусиятлари келтирилган. Улар ўз ичига болаларни бир нечта белгилар бўйича тақсимлашни олади: жинси, минтақа ва турар жойи, ой бўйича ёши, онаси ва васийсининг маълумот даражаси, фаровонлик даражаси ва уй хўжалиги бошлиғининг она тилиси.

Аксарият болалар қишлоқ минтақаларида яшайди (71 фоиз), энг катта мутаносиб улуши шарқий минтақада яшайди (27 фоиз), ундан кейин марказий (22 фоиз) ва жанубий (21 фоиз) минтақа келади. Оналар маълумоти эса, 49 фоиз болалар оналари тўлиқ ўрта маълумотли, 28 фоизи тўлиқ ўрта махсус маълумотга эга. Болаларни фаровонлик квинтили бўйича тақсимлаш бошқаларга нисбатан кам таъминланган тоифа учун юқорироқ мутаносибликлар ва кўпроқ таъминланган тоифа учун пастроқ мутаносибликларни кўрсатади.



Минг йилик Декларацияси ва “Болалар яшаши учун яроқли дунё” ҳаракатлар Режасини ривожлантириш соҳасининг энг муҳим ва кенг қамровли мақсадларидан бири чақалоқлар ва 5 ёшгача бўлган болалар ўлимини камайтиришдан иборат. Гўдаклар ўлими даражаси 1000 бошга 48 нисбатда, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими даражаси эса 1000 бошга 57 нисбатда баҳоланади.


4. БОЛАЛАР ЎЛИМИ

Минг йиллик декларциясини ва “Болалар яшаши учун яроқли дунё” Ҳаракат режасини ривожлантириш соҳасидаги кенг қамровли мақсадлардан бири гўдаклар ўлими ва беш ёшгача бўлган болалар ўлимини камайтиришдан иборатдир. Аниқроғи, МРМ 1990 йилдан 2015 йилгача беш ёшгача бўлган болалар ўлимини учдан икки қисимга камайтиришни кўзда тутди. Ушбу мақсадга эришиш йўлидаги тараққиёт мониторинги муҳим, лекин мураккаб вазифа ҳисобланади. Бир қарашда болалар ўлимини ўлчаш осондек туюлиши мумкин, лекин, масалан, “Шу уй хўжалигида ўтган йили бирон киши ўлдими?” — деб тўғридан-тўғри савол беришдан фойдаланишга уринишлар ноаниқ натижалар беради. Айни пайтда, туғилиш тўғрисидаги гувоҳномаларга киритилган маълумотлар асосида болалар ўлимини аниқлашнинг бевосита усуллари кўп вақт олади, қиммат ва ўргатиш ва назорат қилиш масалаларига кўпроқ эътибор талаб қилади. Муқобил усул сифатида болалар ўлимини ўлчаш учун ишлаб чиқилган билвосита усуллар бошқа манбалардан олинган маълумотларга нисбатан барқарор баҳолар беради. Билвосита усуллар хотиранинг заифлиги, ноаниқ ва нотўғри тушунилган ифодалар ҳамда сўров ўтказишнинг махсус услубларини яхши билмасликка боғлиқ бўлган хатоларни иложи борица камайтиришга имкон беради.

Гўдаклар ўлими коэффиценти — бу гўдакларга нисбатан бола бир ёшга тўлгунича ўлиб қолиш эҳтимоли кўрсаткичи деганидир. 5 ёшгача бўлган болалар ўлими коэффиценти — бу боланинг 5 ёшга тўлгунича ўлиб қолиш эҳтимоли кўрсаткичи. МИКТни ўтказиш вақтида гўдаклар ўлими ва беш ёшгача бўлган болалар ўлимининг коэффиценти билвосита баҳолаш усули, яъни Брасс усули ёрдамида ҳисоблаб чиқилади (БМТ, 1983; 1990а; 1990б). Бундай баҳолаш учун куйидаги маълумотлар ишлатилади: 15–49 ёшдаги аёллар (аёллар беш ёшлик ёш гуруҳларига бўлинади) қачонлардир туққан болаларнинг ўртача сони ва ўлган болалар улуши (бунда ҳам аёллар беш ёшлик ёш гуруҳларига бўлинади). Бундай услуб ёрдамида юқорида қайд этилган маълумотлар ўлим эҳтимоли коэффицентига айланади ҳамда шунда болалар дучор бўладиган ўлим хатари ҳам, улар бундай хатарга йўлиқадиган вақт давомийлиги ҳам ҳисобга олинади. Ўзбекистондаги ўлим ҳолатлари бўйича аввалги ахборотни инобатга олиб, болалар ўлимини ҳисоблаш учун Шарқ моделидаги жадваллардан фойдаланилди, чунки айнан уларда 25–29 ёшдаги ва 30–34 ёшдаги ёш гуруҳларида ўлим борасидаги вазият энг тўғри акс эттирилган⁵.

2-схема.


Гўдаклар ўлими кўрсаткичлари, Ўзбекистон, 1996–2006 йиллар.



5 МИКТ 2000 да ўлим ҳолатларини ҳисоблаш учун 20–24 ёшдаги ва 25–29 ёшдаги ёш гуруҳларидан фойдаланилган. Ўзбекистонда ва барча бошқа мамлакатларда бола туғиш ёшда бўлган аёллар ёши ўсиб бораётганлигини ҳисобга олиб, МИКТ 2006 да ҳисоблаш учун 25–29 ёшдаги ва 30–34 ёшдаги ёш гуруҳларидан фойдаланиш бўйича қарор қабул қилинди.

Ўзбекистондаги гўдаклар ўлими даражасининг охири баҳоланишлари миллий даражада бажарилган учта бошқа тадқиқотларда акс эттирилган: «Ўзбекистонда тиббий демографик тадқиқот 2002 й.» (ЎзГДТ), Мульти индикаторли кластерли тадқиқот 2000 й. (МИКТ) ва «Ўзбекистонда тиббий демографик тадқиқот 1996 й.» (ЎзГДТ). Ушбу тадқиқотларнинг барчасида Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қабул қилинган болани тирик туғиш ва болалар ўлимининг ифодалари ишлатилган. 1996 йил ва 2000 йилда ўтказилган ЎзГДТда ўлим даражалари аёллар ҳомиладорлиги тарихидан фойдаланган ҳолда бевосита ҳисоблаш усули билан ҳисоблаб чиқилган, 2000 ва 2006 йилларда ўтказилган МИКТ давомида эса билвосита ҳисоблаш услубларидан фойдаланилган. Бу манбаларнинг барчасида келтирилган ўлим даражасининг баҳоланишлари 2-схемада акс эттирилган.

Одатда ўлимни баҳолаш вақтида кенг ишонч оралиқлари мавжуд бўлишини ҳисобга олиб, ўтказилган тадқиқотлар маълумотларига асосланган гўдаклар ўлимининг кўрсаткичлари кейинги ўн йил ичида гўдаклар ўлимининг даражаси паст суръатларда ўзгарганлигини назарда тутати. Гўдаклар ўлимининг рўйхатга олинган коэффицентлари ва тадқиқот маълумотлари ўртасидаги мавжуд тафовутни гўдаклар ўлимининг расмий баҳолашларда совет даврида ишлаб чиқилган протоколлар ишлатилиши билан қисман изоҳлаш мумкин. Уларга мувофиқ 999 граммдан енгил туғилган, ҳомиладорликнинг 28 ҳафтасидан аввалроқ туғилган ҳамда нафас олишдан бошқа ҳеч қандай тириклик жиҳатларини намоён этмайдиган чақалоқлар ҳам яшаб кетишга қодир, деб ҳисобланган. Айни вақтда чақалоқнинг, айниқса, дастлабки 6 ойлик ҳаёти учун тугилганликни рўйхатдан ўтказишда давомли оралиқ мавжуд (Алешина ва Редмонд: 2003).



Яшовчанликни ифодалашдаги фарқланишлардан ташқари, амалдаги рўйхатга олиш тизимида ҳам, тадқиқотлар ўтказиш давомида маълумотларни тўплаш услубиятида ҳам тафовутлар бор. Юқорида айтиб ўтилган барча тадқиқотларда болалар туғилиши ва ўли-

ши тўғрисидаги маълумотлар оналардан олинган. Бундан фарқли холда рўйхатга олиш тизими эса соғлиқни сақлаш органлари ҳам, оила аъзолари ҳам бола туғилиши ёки ўлиши ҳолатини рўйхатдан ўтказишларини тақозо этади.



ЎзТДТ 2002 й. ва МИКТ 2000 й.да (3-схемада) Ўзбекистонда 5 ёшгача бўлган болалар ўлими даражаси бўйича охириги маълумотлар берилган. 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 1000 бош болаларга 70га тенг сақланиб қолган бўлсада, ўтказилган тадқиқот жорий ўн йилликнинг дастлабки йилларида 5 ёшгача бўлган болалар ўлими даражаси аввалги МИКТ ларга қараганда жиддий пасайганлигидан далолат бермоқда. Мана шу яққол пасайишлар ва фарқлар, ҳамда аниқловчи омилларнинг келгуси туркуми алоҳида батафсил таҳлилда ўрганилиши лозим. 6 Жадвалида болалар ўлимини баҳолаш турли дастлабки хусусиятлар бўйича келтирилган. Чақалоклар ўлими нисбати 1000 бошга 48 деб ҳисобланади, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими эса 1000 бошга 57 нисбатдадир. Бу кўрсаткичлар 25–29 ва 30–34 ёшдаги аёллардан олинган ўлимларни баҳолаш маълумотларини ўртача сонини олиш орқали ҳисоблаб чиқилган бўлиб, улар 2002 йилга нисбатан келтирилган.


Ўғил болалар ва қиз болалар ўлими эҳтимоли орасида маълум фарқлар мавжуд. Ўзбекистонда эркак жинсига мансуб болалар орасидаги ўлим даражаси аёл жинсига мансуб болалар орасидаги ўлим даражасидан юқорилиги кузатилади. Миллий миқёсда гўдаклар ўлимининг даражаси ҳар 1000 нафар эркак жинсига мансуб болалар учун 56 ва ҳар 1000 нафар аёл жинсига мансуб болалар учун 40 тани ташкил қилади. Шу аснода, эркак жинсига мансуб гўдаклар орасидаги ўлим эҳтимоли аёл жинсига мансуб гўдаклар орасидаги ўлим эҳтимолидан 42 фоизга юқоридир. Дастлабки йил яшаш давомида эркак жинсига мансуб гўдаклар орасидаги ўлим даражасининг бундай ортиб кетиши Европа мамлакатларида кенг тарқалган, ҳамда Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларида ҳам жуда сезиларли тафовут мавжуд бўлиб, расмий статистика маълумотларига кўра эркак ва аёл жинсига мансуб гўдаклар ўртасидаги ўлим даражасининг нисбати 1,34 га тенг (ЖССТ, 2006а). Ушбу маълумотлар мавжуд тафовутни ҳисобга олган ҳолда қўшимча таҳлил этилиши керак, чунки фарқланиш кутилганидан ҳам юқори бўлиши мумкин. Эҳтимол, аёл жинсига мансуб гўдаклар орасидаги ўлим даражаси ҳақидаги рақамларнинг камайтириб кўрсатилиши ана шундай гендер тафовутларнинг сабабларидан бири бўлиши мумкин (Алешина ва Редмонд, 2003).

Гўдаклар ўлими ва 5 ёшгача бўлган болалар ўлимининг энг паст даражалари марказий-шарқий минтақада (1000 бошга 28 ва 31) ва Тошкент шаҳрида (1000 бошга 34 ва 39) кузатилаётган бўлса, бу борадаги энг юқори кўрсаткичлар жанубий минтақада (1000 бошга 63 ва 76) қайд этилган. Онанинг билим даражасига қараб гўдаклар ўлими даражасида сезиларли тафовут бор бир пайтда, Ўзбекистонда яшаш жойига қараб гўдаклар ўлими да-

ражасидаги тафовутлар катта эмас; шаҳарда туғилган гўдакларга нисбатан, қишлоқ жойларида туғилган болаларнинг бир ёшга ҳам тўлмай ўлиш эҳтимоли 14 фоизга юқорироқ. Моддий фаровонлик даражасига қараб ҳам ўлим даражасида сезиларли фарқланишлар мавжуд — бадавлат оилаларда яшайдиган гўдаклар ва 5 ёшгача бўлган болалар орасидаги ўлим эҳтимоли кам таъминланган оилаларда яшовчи болалар орасидагига нисбатан деярли тўртдан бир даражага пастроқдир. Дастлабки хусусиятларга кўра 5 ёшгача бўлган болалар ўлими даражасидаги тафовутлар ҳам 4-схемада кўрсатилган.

4-схема.

Асосий хусусиятларга кўра 5 ёшгача бўлган болалар ўлими, Ўзбекистон, 2006 йил





Тадқиқот ўтказиш вақтида болаларнинг овқатланиш борасидаги мавқеини аниқлаш мақсадида 4986 нафар 5 ёшгача бўлган болаларнинг бўйи ва оғирлиги ўлчанади.

5. ОВҚАТЛАНИШ

Овқатланиш аҳволи

Болаларнинг овқатланиш аҳволи умуман олганда уларнинг саломатлик аҳволини акс эттиради. Болаларга мувофиқ даражада озиқ-овқатлар берилганида, болалар турли касалликларга тез-тез дучор бўлмаганларида ва яхши парваришга эга бўлганларида, улар яхши ўсадилар ва тўлақонли озуқага эга бўладилар, деб ҳисобланади.

Етарсиз овқатланиш дунёдаги болалар ўлимнинг ярмидан кўпининг сабабчиси-дир. Етарлича овқатланмайдиган болаларнинг умумий болалар касалликларидан ўлиши эҳтимоли кўпроқ, яшаб кетганлари эса касаллик рецидивидлари ва суст ривожланишга молик бўладилар. Етарсиз овқатланиш сабабларидан ўлган болаларнинг тўртдан уч қисми уларнинг ташқи ҳимоясизлигини кўрсатмаган ҳолда, енгил ва атайин кам овқатлантирилган бўлганлар. Минг йиллик ривожланиш Мақсадларидан бири 1990–2015 йиллар мобайнида очликдан азоб чекувчи инсонлар сонини икки мартага камайтиришдан иборат. «Болалар ҳаёти учун яроқли дунё» ҳаракат режаси мақсади 5 ёшгача бўлган болалар орасида етарсиз овқатланишни камида учдан бир қисмга камайтиришдан иборат бўлиб (2000–2010 йиллар мобайнида), 2 ёшгача бўлган болаларга эса алоҳида эътибор қаратилади. Етарсиз овқатланиш тарқалишини камайтириш болалар ўлими даражасини камайтириш мақсадларига эришишга ёрдам беради.

Тўлақонли озуқага эга бўлган аҳоли учун беш ёшгача бўлган болаларга нисбатан бўй ва оғирлик учун стандарт нисбати белгиланган. Аҳолининг етарлича овқат емаслигини назоратли нисбатга эга бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни таққослаш йўли билан аниқлаш мумкин. Бу ерда фойдаланилаётган аҳоли гуруҳи ЖССТ/CDC/ТСММ томонидан белгилан ҳамда ЮНИСЕФ ва тадқиқотни амалга ошириш даврида ЖССТда ишлатиш учун тавсия этилган. Овқатланиш аҳволининг учта кўрсаткичидан ҳар бири иштирокчи гуруҳ учун медиана миқдоридан стандарт четлашиш (z-баллар) бирликларида ифодаланиши мумкин.

Оғирликнинг ёшга бўлган нисбати ҳам ўткир, ҳам сурункали равишда етарлича овқат емаслик кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Оғирликнинг ёшга бўлган нисбати таққосланувчи гуруҳ учун ушбу кўрсаткич медиана кўрсаткичидан икки стандарт четлашувдан камроқни ташкил этадиган болаларнинг оғирлиги ўртача ёки жиддий равишда етарсиз оғирлик деб ҳисобланади, мазкур кўрсаткич медиана кўрсаткичидан уч стандарт четлашувдан камроқни ташкил этадиган болалар эса оғирлиги жиддий даражадаги етарсиз оғирлик туркумига киради.

Бўйнинг ёшга бўлган нисбати мунтазам ўсиш кўрсаткичи ҳисобланади. Бўйнинг ёшга бўлган нисбати таққосланувчи гуруҳ учун ушбу кўрсаткич медиана кўрсаткичидан икки стандарт четлашувдан камроқни ташкил этадиган болаларнинг бўйи ёшига нисбатан паст ва ўртача ёки жиддий равишда паст, деб ҳисобланади, мазкур кўрсаткич медиана кўрсаткичидан уч стандарт четлашувдан камроқни ташкил этадиган болалар эса бўйи жуда етарсиз даражада паст бўйга эга туркумига мансуб бўлади. Узоқ вақт давомида етарлича озуқага эга бўлмаслик ҳамда тез-тез ёки сурункали касалланишлар оқибатида боланинг ўсишда орқада қолиши сурункали даражада етарлича овқат емасликнинг белгиларидан бири ҳисобланади.

Ва ниҳоят, оғирлиги бўйига нисбатан таққосланувчи гуруҳ учун ушбу кўрсаткич медиана кўрсаткичидан икки стандарт четлашувдан ортиқ камроқни ташкил этса, бундай болалар ўртача ёки оғир даражада ориқлаб кетганлар туркумига киради, бундай нис-

бат ушбу кўрсаткичнинг медиана кўрсаткичидан учта стандарт четлашувдан кам бўлса, бундай болалар ўта оғир даражада ориқлаб кетган, деб ҳисобланади. Одатда ориқлаб кетиш яқин вақтда етарлича овқатланмасликни бошидан кечириш оқибатида юзага келади. Ушбу кўрсаткич овқатга эга бўлишдаги ўзгаришлар ёхуд у ёки бу касалликларнинг тарқалганлигига боғлиқ сезиларли даврий ўзгаришларга учраши мумкин.



МИКТда 5 ёшгача бўлган барча болаларнинг вазни ва бўйи ЮНИСЕФ (ЮНИСЕФ, 2006) томонидан таклиф этилган антропометрик ускуна ёрдамида ўлчанган. Мазкур бўлимда кўрсатилган маълумотлар ушбу ўлчовлар натижаларига асосланган.


Ушбу учта индикаторларнинг барчаси бўйича кейинги ўн йил ичида жиддий пасайиш кузатилмоқда (5-схема). Тана оғирлиги камайган болалар улуши 19 фоиздан 5 фоизга, бўйи ўсиши орқада қолиши — 31 фоиздан 15 фоизга, ориқлаган болалар улуши — 12 фоиздан 3 фоизга пасайди.

7-жадвалда жойларда ўтказилган тадқиқотлар давомида ўлчаб олинган антропометрик кўрсаткичлар асосида ушбу тоифаларнинг ҳар бирига ажратилган ва фоизларда ифодаланган болалар нисбати кўрсатилган. Бундан ташқари, унда ортиқча вазнга эга бўлган болалар фоизи ҳам акс эттирилган ва унда оғирлигининг бўйига бўлган нисбати такқосланувчи гуруҳнинг ўртача кўрсаткичидан стандарт четлашуви икки баравардан ортиқ бўлган болалар ҳисобга олинган.

Оғирлиги тортилмаган ва ўлчовдан ўтмаган (тахминан болаларнинг 2 фоизи) ҳамда оғирлиги одатда учрайдиган доирадан чиқиб кетадиган болалар 7-жадвалга киритилмаган.

Ўзбекистонда яшайдиган, 5 ёшгача бўлган деярли ҳар йигирманчи бола оғирлиги ўртача етишмасликка чалинган (5 фоиз), ҳамда 1 фоиз болалар оғирлиги ўта етишмайдиганлар туркумига ажратилган (7-жадвал). Болаларнинг 15 фоизи ўзининг ёшига нисбатан паст ёки жуда паст бўйга эга, уларнинг 4 фоизи эса ўта паст бўйли ва бу узок вақт давомида мувофиқ озуқа олмаганликнинг натижасида юзага келган. Беш ёшгача бўлган болаларнинг уч фоизи ўзининг ёшига нисбатан озгин ёки жуда ориқлаб кетган. Айни пайтда, мавжуд баҳоларга кўра 5 ёшгача бўлган болаларнинг 7 фоизи ортиқча вазнга эга.

Жанубий ва Шарқий минтақаларда яшайдиган болалар оғирликда орқада қолишга бошқалардан кўпроқ чалинган (7 ва 6 фоиз, мувофиқ равишда), айти вақтда ўсишда орқада қолиш кўпроқ Ғарбий (18 фоиз), Шарқий (17 фоиз), Жанубий (16 фоиз) ва Марказий-Шарқий (15 фоиз) минтақаларда тарқалган. Бундан фарқли тарзда, энг юқори ориқлаб кетганлик кўрсаткичи Марказий минтақада (6 фоиз) кузатилган. Оналари тугалл анмаган ўрта ва ўрта маълумотга эга бўлган болаларга нисбатан оналари ўрта-махсус ёки олиий маълумотга эга бўлган болалар оғирлик ёки ўсишдаги орқада қолишга энг кам чалинганлар. Қиз болалар ўғил болаларга нисбатан етарли оғирлик ва бўйга эга бўлмасликка кўпроқ чалинадилар, лекин болалар ориқлаб кетишга улардан озгина кўпроқ дучор бўладилар. Ёш жиҳатдан кўриладиган модел 12 ойликдан 23 ойликкача бўлган болалар гуруҳида учта кўрсаткичларнинг барчаси бўйича ёшроқ ёки каттароқ болалар гуруҳлардагига нисбатан етарлича овқатга эга бўлмайдиганлар фоизи энг юқори эканлигини кўрсатмоқда (6-расм).



Бундай ҳолат юзага келишини олдиндан башорат қилиш мумкин, чунки бу ёшга келиб кўпгина болалар эмизишдан ажратилади, шу боис улар сувда, овқатда ва атроф-муҳитда мавжуд бўлган микроблар олдида заифлашиб қоладилар. Уй хўжалигининг фаровонлиги ва уй хўжалиги бошлиғининг она тилиси ҳам болалар овқатланиши аҳволининг муҳим белгиловчи омилларидан ҳисобланади. Бадавлатроқ уй хўжаликларида яшайдиган болалар етарлича овқат емаслик ҳолатига камроқ учрайдилар. Уй хўжалиги бошлиғининг она тилиси қорақалпоқ тили бўлган уй хўжаликларининг болалари бошқаларга нисбатан кўпроқ ўртача етишмайдиган (27 фоиз) ва жиддий етишмайдиган бўйга (8 фоиз) эга бўладилар.

Эмизиш

Эмизиш болалар ҳаётининг дастлабки йилларида уларни инфекциялардан ҳимоя қилади, озуқа моддаларининг энг яхши манбаи ҳисобланади, бундан ташқари, бу жуда тежамли ва саломатлик учун хавфсиздир. Бироқ, кўпгина оналар болаларни жуда эрта кўкрак-



Чақалоқ ҳаётининг дастлабки 6 ойи давомида уни фақат кўкрак сути билан боқиш ва кейинги 2 йил давомида эмизишни давом эттириш болаларни турли инфекциялардан ҳимоя қилади, озуқа моддаларининг энг яхши манбаи ҳисобланади, бундан ташқари, бу жуда тежамли ва саломатлик учун хавфсиздир.

дан ажратадилар ва шу сабабли болалар учун мўлжалланган озука аралашмаларга ўтиш зарурати пайдо бўлади, бу эса боланинг ўсиши ва ривожланишининг секинлашуви-га олиб келиши ва микроэлементлар танқислигини юзага келтириши мумкин, ҳамда тоза сув мавжуд бўлмаганда саломатлик учун хавф туғдиради. “Болалар яшаши учун яроқли дунё» Декларациясида ифодаланган мақсадларнинг бирига мувофиқ, болаларни туғилишдан 6 ой давомида фақат кўкрак сути билан боқиш ҳамда болалар икки ва ундан катта ёшга тўлгунларича эмизишни хавфсиз, тегишли ва мувофиқ боқиш билан уйғун ҳолда давом эттириш лозим.

ЖССТ/ЮНИСЕФ нинг овқатланиш борасидаги маслаҳатлари қуйидагича:

- Биринчи олти ой мобайнида фақатгина кўкрак сути эмизиш
 - Икки йил ва ундан ортиқ давр мобайнида давомий эмизиш
 - Бехатар ва муносиб овқат ва 6 ойдан бошлаб мувофиқ тарзда овқатлантириш
 - Овқатлантириш такрорланиши: 6–8 ойлик болалар учун кунига 2 маҳал; 9–11 ойлик болалар учун кунига 3 маҳал
- Туғилишдан кейинги биринчи соат мобайнида эмизишни бошлаш ҳам маслаҳат берилади.

Маслаҳат этиладиган болаларни овқатлантириш тажрибаси кўрсаткичлари қуйидагича:


- Фақатгина кўкрак сути эмизиш (< 6 ой ва < 4 ой)
- Ўз вақтида овқатлантириш (6–9 ой)
- Давомий эмизиш (12–15 ва 20–23 ой)
- Эмизишни ўз вақтида бошлаш (туғилишдан кейин биринчи соат мобайнида)
- Овқатлантириш такрорланиши (6–11 ой)
- Етарлича овқатланувчи чақалоқлар (0–11 ой)

8-жадвалда ўз чақалоқларини тукқанларидан сўнг биринчи соат мобайнида эмизишни бошлаган ва чақалоқларини тукқанларидан сўнг биринчи кунда эмизишни бошлаган аёллар фоизи кўрсатилган (биринчи соат мобайнида бошлаганлар билан бирга). Тадқиқотдан аввалги икки йил мобайнида тирик бола тукқан аёлларнинг учдан икки қисмидан ошиғи (67 фоизи) туғилган кейинги биринчи соат мобайнида эмизишни бошладилар, фақатгина 15 фоизи тукқандан сўнг биринчи кун давомида эмизишни бошладилар. Туғилгандан кейинги биринчи соат мобайнида эмизишни бошлашда минтақа ва уй хўжалиги бошлиғининг она тилисидан ташқари аҳоли гуруҳлари орасида тафовутлар деярли кузатилмади. Энг паст фоиз Марказий минтақада (50 фоиз), ҳамда энг юқори фоиз Шарқий минтақада (77 фоиз) кузатилди. Уй хўжалиги бошлиғининг она тилисига кўра бўлган фарқлар айрим тоифаларни кузатишнинг камлиги сабабли рўй берган бўлиши мумкин, бироқ уй хўжалиги бошлиғининг она тилиси қорақалпоқ тили бўлганида бундай аёллар фоизи етарлича юқори (87 фоиз аёллар биринчи соат ичида эмизишни бошлаганлар, 98 фоиз аёллар — биринчи кун давомида), она тилиси рус тили бўлган ҳолатларда аёллар фоизи мос равишда 51 фоиз ва 75 фоизларни ташкил этди (7-расм). Умуман олганда, туғилгандан сўнг биринчи кун давомида эмизишни бошлаш ҳолатида дастлабки хусусиятлар орасидаги тафовутлар кичикдир.

9-жадвалда келтирилган эмизишнинг мавқеи тўғрисидаги маълумотлар оналарнинг/васийларнинг сўров ўтказишдан аввал 24 соат ичида болалар истеъмол қилган озиқ-овқатлар ва суюқликлар ҳақидаги хабарларига асосланган. Фақат кўкрак сути билан боқилган болалар сонига фақат эмизилган (витаминов, минерал қўшимчалар ва дори-дармонларни олган) болаларгина киритилган. Ушбу жадвалда ҳаётининг дастлабки 6 ойи давомида фақат эмизилиши (алоҳида ёш гуруҳлари бўйича 0–3 ойлик ва 0–5 ойлик) ҳамда 6–9 ойлик гўдаклар боқилиши ва 12–15 ва 20–23 ойлик гўдаклар гуруҳларига мансуб болалар эмизилишининг давом эттирилишига тааллуқли маълумотлар келтирилган.

7-схема.

Гўдакни тугилгандан сўнг бир соат ичида ва бир кун ичида эмизишни бошлаган оналар фоизи, Ўзбекистон, 2006 йил



Чақалоқларни эмизиш кенг тарқалганлиги даражасига қарамасдан, аксарият чақалоқлар ЖССТ/ЮНИСЕФ маслаҳатларига мос равишда эмизилмайди. Олти ой давом этиши лозим бўлган фақатгина кўкрак сути эмизилиши Ўзбекистонда унчалик кенг тарқалмаган. 6 ойли бўлган болаларнинг тахминан 26 фоизи фақат кўкрак сути билан боқилади, бу эса маслаҳат этилган даражадан анча паст. 6–9 ойлик болаларнинг 45 фоизи кўкрак сути ва қаттиқ ёки ярим қаттиқ овқат билан боқиладилар. 12–15 ойлик болаларнинг 78 фоизи, ҳамда 20–23 ойлик болаларнинг 38 фоизи ҳали ҳам эмизилади. Ўғил болалар ва қиз болалар ўртасида фақатгина кўкрак сути билан эмизишдаги фоиз нисбатида тафовутлар мавжуд эмас. Бошқа томондан эса, яшаш жойлари бўйича фарқланишлар бирмунча яхшироқ кўринади. Чақалоқларнинг бир ёшга тўлишидан кейинги давомий эмизиш қишлоқ ҳудудида яшовчи аёллар, ҳамда фаровонлик индекси квинтилига асосан кам таъминланган туркумига киририлган аёллар орасида кенг тарқалган. Бундан ташқари уй хўжалиги бошлиғининг она тилиси ўзбек тили бўлган уй хўжаликларида яшовчи аёллар орасида давомий эмизиш бошқа тилли гуруҳларга нисбатан кенг тарқалган.


Болаларни 12 ойгача эмизишнинг мослиги 10-жадвалда келтирилган. Боланинг ёшига қараб мос тарзда эмизишнинг турли мезонлари қўлланилган. 0–5 ойлик чақалоқлар учун фақатгина кўкрак сутини эмизиш мос овқатлантириш ҳисобланади. 6–8 ойлик чақалоқлар кунига икки маҳал кўкрак сути ва ва қўшимча овқатлар қабул қилган ҳолатда мос тарзда овқатлантирилувчи, 9–11 ойлик болалар кунига уч маҳал кўкрак сути ва қўшимча овқатлар қабул қилган ҳолатда мос тарзда овқатлантирилувчи деб ҳисобланадилар. 10-жадвалда мос равишда эмизилувчи 6–8 ойлик чақалоқлар улуши 30 фоизни ташкил этиши, 9–11 ойлик чақалоқлар улуши фақатгина 28 фоизни ташкил этиши кўрсатилган. Бу рақамлар шуни назарда тутадик, қўшимча овқат киритиш йўли билан овқатлантириш усули боланинг олти ойлик ёшга етиши билан яхшиланмайди. Боланинг ёши ўсиши билан аёл жинсига мансуб болалар ва шаҳар туманларида, Тошкент шаҳрида, Марказий-Шарқий ва Шарқий минтақаларда, ҳамда фаровонлик даражаси юқори уй хўжаликларида яшовчи болаларнинг мос овқатлантирилиши юқори улуши кузатилади. Бундай моделларни тадқиқ этиш натижасида

6–11 ойлик болаларнинг фақатгина 29 фоизи етарлича овқат қабул қилишлари аниқланди. 0–11 ойлик болаларнинг етарлича овқат қабул қилиш улуши 28 фоизгача пасаяди. Ҳамма 6–11 ойлик болалар ва бир ёшгача бўлган барча болаларни олиб қаралса, аёл жинсига мансуб болалар ва шаҳар туманларида ва Марказий-Шарқий ва Шарқий минтақаларда яшовчи болаларнинг мос равишда овқатлантирилиш улуши юқорирок.

Тузни йодлаш

Йод танқислиги оқибатида юзага келган бузилишлар кичик ёшдаги болаларнинг олдини олиб бўладиган ақлий заифлик ва психомотор ривожланиши тўхтаб қолишининг асосий сабаби ҳисобланади. Ўзининг энг экстремал шаклида йод танқислиги кретинизм, яъни телбаликка йўлиқишнинг сабаби бўлади. Шунингдек, бу ҳолат ҳомиладор аёлларнинг болани ўлик ҳолда туғиши ва бола тушириши хавфини оширади. Кўп ҳолларда қалқонсимон безнинг (буқоқнинг) катталашиб кетиши ҳам айнан йод танқислиги билан боғлиқ бўлади. Йод етишмаслиги сабабли юзага келадиган бузилишлар, шунингдек, ақлий ўсиш ва ривожланишнинг тўхтаб қолишига олиб келади, бу эса, ўз навбатида, мактабда фанларни паст даражада ўзлаштириш, ақлий қобилиятнинг заифлиги ва меҳнат унумдорлиги пастлигининг сабаби бўлади. Халқаро ҳамжамиятнинг мақсади 2005 йилга келиб йод танқислигини бутунлай бартараф этишдан иборат. Мос равишда йодланган тузни истеъмол қилувчи уй хўжаликлари фоизи кўрсаткич вазифасини бажаради (миллионга >15 қисм).

Ўзбекистонда йод танқислигини бартараф этиш чораси сифатида йодланган туз 1998 йилдан бошлаб ишлаб чиқарилмоқда. ЮНИСЕФ ташкилоти ва Осиё Тараққиёт Банкининг кўмагида йод унни бойитиш учун калий йодати шаклида етказиб берилиб, сўнг



Эндокринология Институтини ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақсимлаб берилди. Шунингдек, Осиё Тараққиёт Банки мамлакатни йодлаш жиҳозлари билан таъминлаб, калий йодати билан узлуксиз таъминлаш миллий механизмини яратишда ҳам иштирок этди. Ўзбекистонда тузни Умумий йодлаш адвокатив кампанияси доирасида бир неча туз ишлаб чиқарувчилари тегишли лабораториялар билан жиҳозланиб, йодланган тузни ишлаб чиқариш жараёнининг сифатини мониторинг қилишга ўргатилдилар. Мазкур тадбирни ўтказиш даврида ЮНИСЕФ ташкилоти ҳамда Соғлиқни сақлаш ва Таълим вазирликлари 2 миллион нафардан ортиқ болалар иштирокида мамлакатнинг қарийб 10 мингта мактабларида бир туркум саломатлик дарсларини ўтказдилар.

2005 йилнинг ўрталарига келиб Ўзбекистонда 62та туз ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд бўлиб, уларнинг 26тасида йодланган туз ишлаб чиқарилган. Мисол учун, 2004 йилда мамлакатда шундай йодланган тузнинг 91,486 тоннаси ишлаб чиқарилган.

Ўзбекистон Республикаси Эндокринология Институтини томонидан 2005 йилда ўтказилган текширувга кўра, йодланган туз таъминоти зарурий миқдордан 56 фоизни ташкил қилган ва аҳолининг 63 фоизи ана шундай туздан фойдаланиш имконига эга бўлган.


Ўзбекистон Республикаси Сенати 2007 йил 29 март куни «Йод танқислиги касалликларининг профилактикаси тўғрисида»ги Қонунни тасдиқлади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЮНИСЕФ ва Давлат стандартлаштириш Кўмитаси йодланмаган тузни сотиш, сифат назоратининг мониторинги ва калий йодатини импорт қилиш бўйича мавжуд меъёр ва қоидаларни қайта кўриб чиқиш устида иш олиб борадилар.

Уй хўжалиқларининг тахминан 99 фоизда калий йодати мавжудлигини текшириш усули билан тузни текшириш учун мўлжалланган махсус тўпладан фойдаланган ҳолда, овқат тайёрлаш учун ишлатиладиган туз таркибида йод мавжудлигига синаб кўрилди. 11-жадвалда уй хўжалиқларининг 53 фоизда туз таркибида 15 ва ундан ортиқ йод промили мавжудлиги аниқланганлигини кўриш мумкин. Бу эса кейинги беш йил ичида бу борада жиддий тараққиётга эришилганликдан далолат беради (МИКТ 2000 натижалари бўйича 19 фоиз) (8-схема ҳам қаранг). Йодланган тузни истеъмол қилиш даражаси Шарқий минтақада энг паст (43 фоиз), энг юқори даража эса — Тошкент шаҳрида бўлган

8-схема.

Йодланган тузни етарли миқторда истеъмол қилувчи уй хўжалиқлари фоизи, Ўзбекистон, 2000–2006 йиллар.



(71 фоиз). Шаҳар уй хўжаликларининг бешдан уч қисмидан ортиқроғи (62 фоиз) кишлоқ минтақасидаги 48 фоизга қараганда йодланган тузни етарли тарзда истеъмол қилади. Йодланган тузни истеъмол қилиш даражаси уй хўжалиги бошлиғининг маълумот даражаси ва уй хўжалиги фаровонлик даражаси ошиши билан ошади.

А витаминини кўшиш

А витамини кўз тизими соғлиғи ва иммунитет тизимининг нормал ишлаши учун зарурдир. А витамини сут, жигар, тухум, қизил ва тўқ сариқ рангли мевалар, қизил пальма мойи ва яшил баргли сабзавотлар каби маҳсулотларда мавжуд. Бироқ одам организми учун бу маҳсулотлардан олиниши осон бўлган А витамини таркиби кучли турланади. А витамини мева ва сабзавотлар шаклида истеъмол қилинувчи дунёнинг ривожланувчи мамлакатларида, аҳоли бошига истеъмол қилиниши озуқавий эҳтиёжларни қондириш учун кўпинча етарсиздир. Боланинг ўсиш даврида ва касаллик даврида витаминга юқори эҳтиёж билан, ҳамда кенг тарқалган болалар касалликлари пайтида витамин йўқотилиши натижасида витамин истеъмол қилиш танқислиги янада кучаяди. Натжада А витамини етишмаслиги ривожланувчи мамлакатларда ва айниқса 5 ёшгача болалар ўлимининг даражаси юқори мамлакатларда кўп тарқалган ҳолатдир.

1990 йилдаги болалар масалалари бўйича Бутун Жаҳон саммитида 2000 йилгача А витамини танқислиги ва унинг оқибатлари, шу жумладан кўрликни бутунлай бартараф этиш мақсади кўйилган эди. Ушбу мақсад 1991 йили Яширин очликни бартараф этиш сиёсати масалалари бўйича конференциясида, 1992 йили Овқатланиш масалалари бўйича халқаро конференцияда ва 2002 йили БМТ Бош ассамблеясининг Болалар масалалари бўйича махсус сессиясида ҳам тасдиқланган. Болалар соғлиғи ва иммунитет тизимининг ишлаши учун А витаминининг жиддий роли унинг танқислигини назорат қилишни боланинг яшаб кетишини таъминлаш бўйича ҳаракатлар асосий компоненти ва шу тариқа Минг йиллик ривожланиш тўртинчи мақсадига эришиш бўйича ҳаракатларнинг жиддий компонентига айлантиради: 2015 йилгача 5 ёшгача бўлган болалар ўлимини учдан икки қисмга қисқартириш.

А витамини танқислиги мавжуд мамлакатлар учун кундалик халқаро маслаҳатлар А витамини танқислиги мавжуд минтақаларда яшовчи 6 ойдан 59 ойгача бўлган барча болалар учун ҳар 4–6 ойда А витаминининг юқори даражадаги дозасини кўшишни кўзда тутди. Ёш болаларни йилига юқори дозадаги А витаминли иккита капсула билан таъминлаш А витамини танқислигини йўқотишнинг хавфсиз, тежамли ва самарали, ҳамда болалар яшаб кетиши соҳасида аҳволни яхшилаш стратегиясидир. Эмизувчи янги оналар томонидан А витаминини қабул қилиниши боланинг дастлабки ҳаёт ойларида ҳимоя қилишга ва ҳомиладорлик ва лактация даврида она организмида камайган А витамини захираларини тўлдиришга ёрдам беради. А витаминини кўшиш дастури амалга оширилган мамлакатларда охирги олти ой мобайнида камида битта А витамини юқори дозасини олган 6–59 ойлик болалар фоизи кўрсаткич вазифасини бажаради.

ЮНИСЕФ/ЖССТ бошқарув тамойилларига асосан, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги 6–11 ойлик болалар юқори дозали А витаминли капсулани бир марта, 12–59 ойлик болалар ҳар 6 ойда қабул қилишларини маслаҳат беради. Мамлакатнинг баъзи қисмларида А витаминли капсулани бериш иммунизация хизматларига топширилган бўлиб, капсулалар ушбу хизматлар томонидан болага 6 ойлик пайтида берилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЮНИСЕФ Ўзбекистонда “А витамини танқислигини бартараф этиш” лойиҳасини бажаришга ўз розилигини бердилар ва 2003 йили дастурни амалга оширишни бошладилар. Мазкур дастур 6–59 ойлик болаларга қаратилган бўлиб, республиканинг барча минтақаларида туғилгандан сўнгги кўрик хизмати иштирокида-

ги йилига икки марта амалга оширилувчи “Соғлом бола ҳафтаси” дастурининг ажралмас қисмидир. А витамини қўшимчасини қўллаб-қувватлашга қаратилган кампаниянинг охириги тадбири 2006 йил февраль ва август ойларида ўтказилди.

МИКТ дан аввалги олти ой мобайнида 6–59 ойлик болаларнинг 72 фоизи А витаминининг юқори дозасини қабул қилдилар (12-жадвал). Тахминан 6 фоиз болалар қўшимчани охириги ойда қабул қилмаганлар, аммо битта дозани ундан олдин қабул қилганлар. 12 фоиз болалар А витамини қўшимчасини аввал қабул қилганлар, лекин уларнинг онаси/васийси аниқ вақтни айта олмадилар. 3 фоиз болалар оналари ўз болалари витамин қўшимчасини олганликларини эслай олмадилар. А витамини қўшимчасини қабул қилишнинг энг катта қамрови Ғарбий минтақада (95 фоиз), энг кичиги — Тошкент шаҳрида (37 фоиз) кузатилади.

А витамини қўшимчасига нисбатан ёш таркиби шуни кўрсатади-ки, охириги олти ой мобайнида қўшимча қабул қилган 6–11 ва 12–23 ойлик болалар улуши 78 фоизга камаяди, 48–59 ойлик болалар учун 63 фоизга камаяди. Оналар маълумоти даражаси А витаминини қабул қилиш эҳтимолига таъсир кўрсатмайди. Сўнги олти ой мобайнида витамин қўшимчасини олган оналари олий маълумотга эга болалар улуши 65 фоизни ташкил этади, бошқа барча маълумот даражаси улуши эса 70 фоиздан ортиқни ташкил этди. Шу тариқа юқори фаровонлик даражасига эга уй хўжаликларида яшовчи болалар улуши бошқа барча гуруҳларга нисбатан паст (56 фоиз) бўлди, аммо аниқ тафовут кузатилгани йўқ.

Кам тана оғирлиги билан туғилган чақалоқлар

Вазни туғилишда нафақат она саломатлиги ва овқатланиш ҳолатининг кўрсаткичи бўлмай, яна чақалоқнинг яшаб кетиши имкони, ўсиши ва психологик ва ижтимоий ривожланиши имкониятлари кўрсаткичи ҳамдир. Туғилишдаги тана оғирлигининг камлиги (2500 граммдан кам) бола саломатлиги учун бир қатор жиддий хавфлар олиб келиш мумкин. Она қорнида етарлича тўйимли моддалар олмаган чақалоқлар дастлабки ойлар ва йиллар даврида ўлиши хавфи кўпроқ. Яшаб кетганлари эса бузилган иммунитет вазифалари ва касалланишга юқори хавфларига эга бўлади; улар эҳтимол етарлича овқатлантирилмай, бутун ҳаёти давомида нимжон мушак кучига эга ва келгусида ҳаётда юқори даражада диабет касаллиги ва юрак хасталиклари билан оғрийдилар. Кам тана массаси билан туғилган болалар кўпроқ ақли ривожланишида ва англаш қобилиятида паст кўрсаткичларга эга бўладилар, бу эса уларнинг мактабда фанларни ўзлаштириши ва катта ёшда ишга жойлашишида ўз таъсирини кўрсатади.


Ривожланаётган мамлакатларда туғилгандаги кам тана оғирлиги асосан она саломатлигининг суэтлиги ва қониқарсиз овқатланиш билан боғлиқ. Қуйидаги учта омил энг катта таъсир кўрсатади: ҳомилага қадар онанинг қониқарсиз тарзда овқатланиш ҳолати, паст бўй (асосан етарсиз овқатланиш ва ёшлигидаги юқумли касалликлар оқибатида) ва ҳомиладорлик вақтида қониқарсиз овқатланиш ҳолати. Бола танаси оғирлиги учун ҳомиладорлик даври айниқса муҳим, чунки бу она қорнида ривожланиш кечикишининг сабаби бўлади. Бундан ташқари, кўпгина ривожланаётган мамлакатларда кенг тарқалган диарея ва безгак каби касалликлар агар она ҳомиладорлик пайтида шу касалликка чалинса боланинг қориндаги ривожланишини жиддий бузиши мумкин.

Саноат ривожланган мамлакатларда янги туғилган чақалоқлар тана оғирлиги камлигининг асосий сабаби ҳомила вақтида сигарета чекишдир. Ривожланган ҳамда ривожланмаган мамлакатларда ўзининг организми ҳали ўсишни тугатмаган қорнида бола олиб юрган ўсмирларда тана оғирлиги кам бўлган бола туғиш хавфи мавжуд.

Туғилганда тана оғирлиги 2500 граммдан кам чақалоқлар фоизи саволноманинг икки пункти бўйича баҳоланади: бола туғилганда унинг катталигининг она томонидан баҳо-

ланиши (яъни, жуда кичкина, ўртачадан кичик, ўртачадан катта, жуда катта) ва бола-нинг вазни ҳақидаги онанинг хотиралари ёик бола туғилганида ўлчанган ва тиббиёт картасида рўйхатга олинган вазни ⁶.

Умуман барча чақалоқлар туғилганида вазни ўлчанган ва тахминан 5 фоизи 2500 граммдан кам вазнга эга бўлганлар (13 Жадвали). Минтақага нисбатан озгина тафовут кузатилди (9-расм). Кам тана массасига эга чақалоқлар фоизи кам таъминланган уй хўжаликларида яшовчи болалар орасида озгина кўпроқ бўлди.



6 Ушбу методологиянинг тасвирлиниши билан батафсил танишиш учун қуйидагиларни қаранг: Боерма, Вайнштейн, Рутштейн ва Зоммервельт, 1996.



«...Болалар ҳаёти учун яроқли дунё» дастурининг мақсади миллий миқёсда бир ёшгача бўлган болаларнинг 90 фоизи тўлиқ иммунизация қилишдан иборат...».
Ўзбекистондаги болаларнинг 81 фоизи тавсия этилган 8 турдаги эмлашларнинг барчасини олдилар.

6. БОЛА САЛОМАТЛИГИ

Иммунизация

4-сонли Минг йиллик ривожланиш мақсади 1990 ва 2015 йиллар орасида болалар ўлимини учдан икки қисмга камайтиришдан иборат. Бу мақсадга эришишда иммунизация асосий рол ўйнайди. Иммунизация 1974 йилда Кенгайтирилган иммунизация дастурини амалга оширишни бошлашдан сўнги уч ўн йилликда миллионлаб болалар ҳаётини сақлаб қолди. Бутун дунёда 27 миллион болалар ҳанузгача мунтазам иммунизация билан қамраб олинмаган ва бунинг натижасида вакцинация ёрдамида олдини олиш мумкин бўлган касалликлар ҳар йили 2 миллиондан ортиқ ўлимлар сабабчиси бўлади.

“Болалар ҳаёти учун яроқли дунё” дастури мақсади миллий миқёсда бир ёшгача бўлган болаларнинг 90 фоизини ва ҳар бир туман ёки шунга тенг маъмурий бирликдаги камида 80 фоиз болаларни тўла иммунизация этишдан иборат.

ЮНИСЕФ ва ЖССТнинг асосий тамойилларига кўра болани сил касаллигидан ҳимоя қилиш учун уни БЦЖ билан эмлаш керак, болани дифтерия, кўкйўтал ва қоқшалдан сақлаш мақсадида у уч доза КДҚ вакцинаси ҳамда полиомиелитга қарши яна уч доза вакцинадан олиши ва қизамиққа қарши эмланишдан ўтиши лозим. Ўзбекистон Миллий иммунизация дастури амал қилувчи эмлаш Жадвали юқорида қайд этилган барча турдаги эмлашларларни ҳамда В гепатитига қарши эмлашни (учта доза) таъминлайди. Ўзбекистонда полиомиелит касаллигига қарши эмлаш бола туғилган заҳотиёқ қилинади (Полио 0 сифатида туркумланади), сўнг полиомиелитга қарши уч дозали эмлашлар ҳамда КДҚ кўпгина бошқа мамлакатларда бўлгани каби амалга оширилади. Барча эмлашлар, 12 ойлик бўлганидан сўнг қизамиққа қарши қилинадиган эмлашдан ташқари, бола яшашининг биринчи йилида амалга оширилиши даркор. Эмлашнинг бундай жадвалини ҳисобга олиб, иммунизация билан 15–26 ойлик болалар гуруҳларини қамраб олиш белгиланган ҳамда қизамиққа қарши эмланиш учун уч ойлик оқилона оралиқ вақти олинган.


Оналардан беш ёшгача бўлган болаларнинг эмлаш карталарини кўрсатиш илтимос қилинган. Бундай карта мавжуд бўлган ҳолда интервью олувчилар қилинган эмлашлар тўғрисидаги маълумотларни картадан МИКТЗ саволномасига кўчирганлар. Умуман олганда 96 фоиз болалар тиббиёт карталарига эга (14 Жадвал), бироқ бундай карта бўлмаганда интервью олувчилар оналарга ҳар бир эмлаш ҳақида алоҳида савол берганлар. Ўзбекистонда болалар касаллини тарихи ёзилган тиббий карталар ҳамда эмлаш карталари одатда маҳаллий тиббий муассасаларда тўлдирилади ва сақланади. Шунинг учун интервью олувчиларга сўров ўтказилган жойлардан яқинда жойлашган тиббий клиникаларга бориш лозим эди, улар ўша ерда, боланинг уйида эмлаш картаси ёки она томонидан берилган маълумотлар мавжудлигидан қатъий назар, алоҳида модулни тўлдириш йўли билан ҳар бир гўдак бўйича эмлашдаги вазиятни ойдинлаштирдилар. Ушбу учта ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда болаларни эмлашдаги ишлар аҳволи тикланди, бунда тиббий муассасаларда сақланаётган карточкалар афзал кўрилди.

Керакли эмлашнинг ҳар бирини олган 15 ойликдан 26 ойликкача бўлган болаларнинг фоиз нисбати 10-схемада кўрсатилган.

15–26 ойлик бўлган болаларнинг деярли барчаси (99,2 %) 12 ойлик бўлгунича БЦЖ билан эмланганлар, ҳамда КДҚ эмлашнинг биринчи дозасини болаларнинг 98 фоизига қилинган. КДҚнинг кейинги дозалари учун фоиз нисбати иккинчи доза учун 95 фоизгача ва учинчи доза учун — 90 фоизгача пасаяди (10-схема). Худди шу аснода 96 фоиз болалар по-

10-схема.

12 ойга тўлгач таклиф этилган эмлашларни олган, 15–26 ойлик бўлган болалар фоизи, Ўзбекистон, 2006 йил



* 15 ойга келиб қизамиққа қарши эмлаш

лиомиелитга қарши эмлашнинг биринчи дозасини 12 ойлик бўлгунича олган ва бу кўрсаткич охириги дозага келиб 87 фоизгача пасаяди. 15 ойлик бўлгунига қадар қизамиққа қарши эмлаш қамрови ҳам жуда юқори бўлиб, 96 фоизни ташкил қилади. Бунинг натижасида тавсия этилган саккизта эмлашларнинг барчасини олган болалар фоизи ҳам баланд бўлиб, 81 фоизга тенг келади. 2000 й. МИКТга мувофиқ ушбу кўрсаткич 60 фоизга тенг бўлган.

В гепатитига қарши эмлаш қамрови, бундай эмлаш Ўзбекистонда яқинда жорий этилганлигини ҳисобга олиб, алоҳида таҳлил этилди. 15–26 ойлик болаларнинг деярли барчаси (99%) 12 ойлик бўлгунига қадар В гепатитига қарши эмлашнинг биринчи дозасини олганлар (Жадвалда кўрсатилмаган). Полиомиелит ва КДҚга қарши эмлаш билан қамраб олиш вазиятида бўлгани каби, В гепатитига қарши эмлашнинг кейинги дозаларини олган болалар фоизи иккинчи доза учун 94 фоизгача, учинчи доза учун — 86 фоизгача пасаяди.

14- ва 15-жадвалларда асосий хусусиятларга кўра 15–26 ойлик болалар орасида вакцинация билан қамраб олинганлик даражаси кўрсатилган. Рақамлар ҳар қандай пайтда, ҳаттоки тадқиқот бошланишига қадар эмланган болалар сонини кўрсатиб, вакцинация картаси, ҳамда оналар/васийлар хабарларидан олинган маълумотларга асосланади. Вакцинация қамровида жинсига қараб катта тафовутлар йўқ. Бироқ, тафовутлар унчалик катта бўлмасда, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, вакцинация қамрови шаҳар туманларидаги олий маълумотли аёллар болалари орасида ва фаровонлик даражаси юқорироқ уй хўжаликларида яшовчи болалар орасида пастроқ. Иммунизация қамрови умумий юқори даражалари кичик тафовутларни қисман тушунтиради, аммо вакцинация дастурлари қишлоқ ва кам ривожланган туманларда муваффақиятлироқ ўтаётганлиги аниқ.

Оғиз регидратацияси

Диарея бутун бунёдаги 5 ёшгача бўлган болалар ўлимининг асосий сабабидир. Диарея билан боғлиқ болалар ўлимининг аксарияти организмдан суюқ нажас орқали чиқариб ташланган катта қисмдаги сув ва электролитларни йўқотиш орқали сувсизлантиришдан келиб чиқади. Оғиз регидратацияси тузлари ёки маслаҳат этилган уйда тайёрланадиган суюқлик ёрдами-

да диареяни даводаш — бундай ўлимлар олдини олиши мумкин. Кўп миқдорда суюқлик ичиш ва болани овқатлантиришни давом эттириш орқали сувсизлантириш ва овқат етиш-масилигини тўхтатиш ҳам диарея билан курашишнинг муҳим усулларида биридир.

Қуйидаги мақсадлар кўзда тутилади: 1) 2010 йилга келиб 2000 йилга нисбатан болалар орасида диареядан келиб чиққан болалар ўлимини ярмигача қисқартириш (“Болалар ҳаёти учун яроқли дунё”); ва 2) 2015 га келиб 1990 йилга нисбатан 5 ёшгача бўлган болалар ўлимини учдан икки қисмга қисқартириш (Минг йиллик ривожланиш мақсадлари). Бундан ташқари, “Болалар ҳаёти учун яроқли дунё” дастури диарея билан касалланиш ҳолатларини 25 фоизга камайтиришни кўзда тутди.

Қуйидаги индикаторлар мавжуд:

- Диареянинг тарқалганлиги
- Оғиз регидратацияси (ОРТ)
- Диареяни уйда даволаш
- (ОРТ ва кўп миқдорда сув ичиш) ВА давом эттирилган эмизиш/овқатлантириш

Оналар (ёки васийлар) МИКТ саволномасида тадқиқотдан аввалги икки ҳафта мобайнида ўзларининг болалари диарея билан оғриганми ёки йўқми деган савол берилди. Агар оғриган бўлса, онага касаллик зўрайган вақтида бола нима ичганлиги ва нима еганлиги ҳақида ва булар бола одатда қабул қилган суюқлик ва овқат бўлганлиги ҳақида бир қатор саволлар берилди.

Умуман олганда, 5 ёшгача бўлган болаларнинг фақатгина 3 фоизи тадқиқотдан аввалги икки ҳафта мобайнида диарея билан оғриганлар (16-жадвал). Кам кузатишлар ўтказилганлиги сабабли 16- ва 17-жадвалларда жинс ва турар жой дастлабки хусусиятлари бўйича маълумотлар келтирилган. Диарея тарқалганлиги шаҳар ва қишлоқ туманларида, ҳамда эркак ва аёл жинсидаги болалар орасида ўхшаш бўлди. 16-жадвалда диарея ҳуружи даврида маслаҳат этилган турли хил суюқликлар қабул қилган болалар фоизи ҳам кўрсатилган. Оналар бирдан ортиқ суюқлик турини айтганликлари сабабли, фоизлар йиғиндиси 100 фоизни кўрсатгани йўқ. Тахминан 28 фоизи суюқликни ORS пакетидан олганлар; 36 фоизи маслаҳат этилган уй шароитида тайёрланган суюқлик қабул қилганлар ва 60 фоизи олдиндан қадоқланган ORS суюқлигини қабул қилганлар. Тахминан 79 фоиз болалар бир ёки ундан ортиқ маслаҳат этилган уй даволанишини олганлар (яъни, ORS ёки RHF усуллари билан даволанганлар), 21 фоизи эса умуман ҳеч қандай шифоланиш олмаганлар. Тадқиқотдан аввалги икки ҳафта мобайнида кузатилган кам сондаги диарея ҳолатлари ҳам манба ва оғиз регидратацияси тузларини етказиб бериш нарҳини таҳлил қилишга имкон бермайди. Оғиз регидратацияси тузи қўлланилган тахминан 39 фоиз диарея ҳолатларида етказиб бериш манбаси давлат томонидан ва бепул бўлган, 41 фоиз ҳолатларда манба хусусий бўлган ва ўртача нарҳи 200 ўзбек сўмини ташкил этган (Жадвал кўрсатилмаган).

5 ёшгача бўлган диарея билан оғриган болаларнинг тахминан учдан бир фоизи (34 фоиз) одатдагидан кўра кўпроқ суюқлик қабул қилганлар, 62 фоизи эса ҳар доимдагидек ёки ундан кам миқдорда суюқлик қабул қилганлар (17-жадвал). 48 фоиз болалар камроқ, бир хил ёки кўп миқдорда овқат қабул қилганлар, бироқ 49 фоизи кам овқат қабул қилганлар ёки умуман ҳеч қандай овқат қабул қилмаганлар. Мазкур рақамларни ҳисобга олган ҳолда фақатгина 17 фоиз болалар кўп миқдорда суюқлик қабул қилганлар ва шу пайтнинг ўзида овқат қабул қилишни давом эттирганлар деб хулоса қилиш мумкин. 17-жадвалдаги маълумотларни оғиз регидратацияси бўйича 16-жадвал маълумотлар билан бирлаштириб, 28 фоиз болалар ОРТ усули билан даволанганлар, ёки маслаҳат этилганидек кўп миқдорда суюқлик истеъмол қилганлар ва бир вақтнинг ўзида овқатланишни давом эттирганликларини кўриш мумкин.

Жинси ва яшаш жойига нисбатан уй ҳолатида диареяни даволашнинг турли фарқлари мавжуд. Шаҳар туманларида фақатгина 20 фоиз болалар ОРТ ёки кўп миқдорда суюқлик қабул қилганлар ва овқат қабул қилишни давом эттирганлар, қишлоқ туманларида эса, бу кўрсаткич 31 фоизни ташкил этади. Аёл жинсига мансуб болаларнинг катта фоизи ОРТ ёки кўп миқдорда суюқлик қабул қилганлар ВА овқат қабул қилишни давом эттирганлар (24 фоизга қарши 34 фоиз) (11-схема).



Тиббий ёрдамга мурожаат қилиш ва пневмонияни антибиотиклар ёрдамида даволаш

Пневмония — болалар орасидаги ўлимнинг асосий сабабидир ва бу касалликка учраганликда шубҳа қилинаётган беш ёшгача бўлган болаларни антибиотиклар ёрдамида даволаш пневмонияга қарши курашишнинг асосий усулларида бири ҳисобланади. «Болалар ҳаёти учун ярқли дунё» дастури ўткир респиратор вирусли инфекциялар келтириб чиқарган ўлимлар сонини учдан бир қисмга қисқартиришни ўз мақсади қилиб қўяди. Пневмонияга учраганликда гумон этилаётган болалар қаторига йўталишдан ташқари нафас олиш тезлашиши ёки қийинлашиши кузатилаётган бемор болалар киритилади ва ушбу хасталикнинг аломатлари кўкрак қафасидаги муаммолар ёки бурун битиб қолишига боғлиқ бўлади.

Кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

- Пневмонияга шубҳали касаллар сони
- Пневмонияга шубҳали касалларнинг тиббий ёрдам учун мурожаат қилиши
- Пневмонияга шубҳали касалларни антибиотиклар билан даволаш
- Пневмониянинг хавфли белгиларини билиш

Ушбу масала текшириш ўтказишдан олдин икки ҳафта мобайнида пневмонияга дучор бўлганликда гумон қилинаётган болалар билан ҳамда уларга ўтган икки ҳафта давомида антибиотиклар берилган ёки берилмаганлиги билан чекланган эди.

18-жадвалда пневмонияга шубҳали касаллар тарқалганлиги кўрсатилган, тиббий ёрдам уйдан ташқарида кўрсатилган ҳолда ушбу тиббиёт хизмати манзили кўрсатилган. 0–59 ойлик болаларнинг фақатгина 2 фоизи тадқиқотдан олдинги икки ҳафта мобайнида пневмония белгиларига эга бўлганлар. Улардан 68 фоизи тегишли тиббиёт ташкилотла-

рига келтирилган. Ўткир респиратор касалликларининг кам сони туфайли 18-жадвалда фақатгина икки асосий ўзгарувчилар бўйича маълумотлар келтирилган: жинси ва яшаш жойи. Болаларнинг катта улуши тегишли тиббиёт ташкилотларига келтирилиши шаҳар минтақаларига тўғри келади.

19-жадвалда пневмонияга чалинганликда шубҳа этилаётган беш ёшгача бўлган болаларни даволаш учун антибиотиклар ишлатилиши кўрсатилган, маълумотлар фақат жинси ва яшаш жойи жиҳатдан ажратилган. Фақатгина жинси ва яшаш жойи бўйича ажратиш ушбу касалликка чалинганликда гумон қилинаётган болалар сони кичик бўлиши билан боғлиқ. Ўзбекистонда пневмонияга дучор бўлган деб шубҳа этилаётган беш ёшгача бўлган болаларнинг 56 фоизи текширувдан аввал икки ҳафта давомида антибиотикларни қабул қилганлар. Бундай болаларнинг фоизлик улуши қиз болалар ва шаҳар туманларида яшовчи болалар орасида анчагина юқоридир. Аксарият ҳолларда (86 фоиз) антибиотиклар манбаи хусусий сектордир. Давлат манбаларидан антибиотик олганлар уларни бепул олганлар, хусусий секторда антибиотикларнинг ўртача нархи 1000 ўзбек сўмини ташкил этади (Жадвал кўрсатилмаган).

Пневмониянинг хавfli белгиларини билиш маълумотлари 20-жадвалда кўрсатилган. Оналарнинг хавfli белгиларни билишлари тиббий ёрдамга мурожаат қилишда муҳим аниқловчи омил эканлигига шубҳа йўқ. Умуман олганда, фақатгина 15 фоиз аёллар пневмониянинг икки хавfli белгилари — нафас олишнинг тезлашиши ва қийинлашиши эканлигини биладилар. Боланинг тиббиёт муассасига олиб келишнинг энг кенг тарқалган сабаби юқори ҳароратдир (94 фоиз). 35 фоиз оналар болани тезкор ҳолда касалхонага ётқизиш сабабини тезлашган нафас олиш, 24 фоизи эса — нафас олишнинг қийинлашиши деб аниқладилар. Яшаш жойига қараб пневмониянинг икки хавfli белгиларини билишда аҳамиятли тафовутлар мавжуд. Ғарбий минтақада оналар/васийларнинг ярми пневмониянинг иккита хавfli белгиларини аниқлай олдилар, бу кўрсаткич Шарқий минтақада 3 фоизни ва Жанубий минтақада 6 фоизни ташкил этди. Яшаш жойига нисбатан ҳеч қандай тафовутлар кузатилмади. Бу фоиз малумот даражаси ва ижтимоий-иқтисодий шароит даражаси кўтарилиши билан ошди.

Қаттиқ ёқилғи турларидан фойдаланиш

Бутун дунёда 3 миллиарддан ортиқ одамлар қаттиқ ёқилғи турларидан (биомасса ва кўмир) асосий энергия эҳтиёжларини қондириш, шу жумладан овқат пишириш ва уйни иситиш учун фойдаланадилар. Қаттиқ ёқилғини ишлатиш орқали овқат пишириш ва уйни иситиш хонада тутуннинг юқори даражада тўпланиб қолиши ва саломатлик учун хавfli ифлослантирувчилар мураккаб бирикмаларининг вужудга келишига олиб келади. Қаттиқ ёқилғи турларини ишлатишдаги асосий муаммо тўлиқ ёнмаслик маҳсулотлари, шу жумладан CO, полиароматик углеводородлар, SO₂ ва бошқа токсик элементлар. Қаттиқ ёқилғи турларидан фойдаланиш ўткир респиратор касалликлар, пневмония, сурункали обструктив ўпка касалликлари, саратон касаллиги, эҳтимол сил касаллиги, туғилганда кам тана оғирлиги, катаракта ва астма хавфини оширади. Қаттиқ ёқилғи турларини овқат тайёрлаш учун асосий уй энергияси манбаси сифатида ишлатувчи аҳоли улуши асосий кўрсаткичдир.

Умуман олганда Ўзбекистондаги уй хўжаликларининг фақат 16 фоизда овқат тайёрлаш учун қаттиқ ёқилғи турлари ишлатилади (21-жадвал). Шаҳар ҳудудларида, қишлоқ жойларига нисбатан (25%) қаттиқ ёқилғи жуда кам ишлатилади (уй хўжаликларининг 1 фоизи). Ушбу кўрсаткичда минтақага ва уй хўжалигининг фаровонлигига қараб жиддий тафовут бор бўлсада, айти пайтда маълумот даражасига қараб тафовут унчалик катта эмас. Ушбу жадвалдан шу нарса равшан бўладики, қаттиқ ёқилғи турларидан фойдала-

ниш фоизи табиий газдан катта миқдорда фойдаланиш туфайли пасаяди ва унинг фоизи юқори бўлишига овқат тайёрлаш учун ўтиндан кенг фойдаланиш сабаб бўлади.

Фақат қаттиқ ёқилғи турларидан фойдаланиш хонадаги ҳаво ифлосланишининг кичик кўрсаткичидир, чунки ёқилғининг бу тури қандай печка ва ўчоқда ёқилишига қараб ифлослантурувчилар тўпланиш миқдори турлидир. Тутун мўрисига эга ёпиқ турдаги печкаларнинг ишлатилиши хонада ҳаво ифлосланишини минималлаштиради, очик печка ва тутун мўрисиёқилғи ёқилғи тутун тортувчи қурувсиз ўчоқ эса қаттиқ ёқилғи турларининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилмайди. Қаттиқ ёқилғи турлари билан фойдаланиладиган печкалар тури 22-жадвалда кўрсатилган. Ўзбекистонда қаттиқ ёқилғи турларидан фойдаланувчи барча уй хўжаликлари орасида учдан бир қисмидан ортиғи (35 фоизи) тутун мўриси ёқилғи тутун тортувчи қурувсиз очик печка ёқилғи ўчоқлардан фойдаланишади, 54 фоизи — қурув ёқилғи тутун тортувчи қурувли очик печкадан ва фақатгина 10 фоизиз тутун қурувли ёпиқ печкадан фойдаланадилар. Қутилганидек, овқат тайёрлаш учун қаттиқ ёқилғи турларидан фойдаланишда минтақа ва яшаш жойига нисбатан тафовутлар мавжуд. Ғарбий минтақада кўпчилик уй хўжаликлари қаттиқ ёқилғи турларидан тутун қурувли ёпиқ печкаларида фойдаланишади (81 фоиз), жанубий минтақада тутун трубабили ёқилғи тутун тортувчи қурувли очик печкалар кенг тарқалган (77 фоиз), марказий минтақада эса — тутун қурувсиз ёқилғи тутун тортувчи қурувсиз очик печкалар ёқилғи ўчоқлар кенг тарқалган (61 фоиз). Яшаш жойи, маълумоти даражаси ёқилғи ижтимоий-иқтисодий аҳволи бўйича деярли тафовутлар мавжуд эмас.





©UNICEF/Uzbekistan/2007/Brigitte Brefort

Юқори сифатли ичимлик суви—мустаҳкам соғлиқ гаровидир.

7. АТРОФ-МУҲИТ

Сув таъминоти ва санитария

Юқори сифатли ичимлик суви — мустаҳкам соғлиқ гаровидир. Ичиш учун хавфли бўлган сув трахома, вабо, ич терлама ва шистосоматоз каби касалликларнинг асосий тарқатувчиларидан бири бўлиши мумкин. Ичимлик сувида инсон саломатлиги учун хавфли бўлган кимёвий, физик ва радиологик ифлослантирувчилар мавжуд бўлиши мумкин. Ичимлик суви касалликлар тарқатувчиси бўлиши мумкинлигидан ташқари, айниқса, қишлоқ жойларида яшайдиган ва кўпинча узоқда жойлашган манбалардан сув ташиш каби жиддий вазифа зиммасига юклатилган аёллар ва болалар учун сувга эга бўлиш муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

МРМ мақсади 1990 ва 2015 йиллар мобайнида хавфсиз ичимлик суви ва асосий санитария воситаларидан барқарор фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган одамлар фоизини икки мартага қисқартиришга қаратилган. “Болалар ҳаёти учун яроқли дунё” дастури санитария-гигиена воситалари ва хавфсиз ичимлик сувидан фойдаланиш имконига эга эмас уй хўжаликлари фоизини камида учдан бир қисмга камайтиришни назарда тутди.

МИКТда қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилди:

Сув таъминоти

- Такмиллашган ичимлик суви манбаларини қўллаш
- Сувни тозалашнинг мос усулларини қўллаш
- Ичимлик суви манбасигача йўлга кетадиган вақт
- Ичимлик сувини тўпловчи шахс

Санитария

- Такмиллашган санитария воситаларидан фойдаланиш
- Болалар нажасини санитария ишлови билан кетказиш

23-жадвалда ва 12-схемада аҳолининг ичимлик суви манбалари бўйича тақсимланиши кўрсатилган. Такмиллаштирилган ичимлик суви манбаларидан фойдаланувчи аҳоли



қаторига водопровод суви (уйга, ҳовли ва майдонга келтириш), жамоат колонкаси, қувурли қудуқ, тўсилган қудуқ ёки тўсилган булоқ каби такомиллаштирилган ичимлик суви манбаларининг биридан фойдаланувчилар киритилади.

Такомиллаштирилган ичимлик суви манбаларидан фойдаланиш имконига ҳаммаси бўлиб аҳолининг 90 фоизи эга: шаҳарларда аҳолининг 100 фоизи ва қишлоқ жойларда 85 фоизи. Жанубий ҳудудларда, мамлакатнинг бошқа минтақаларига нисбатан бу борадаги аҳвол анчагина жиддийроқ; жанубда аҳолининг фақат 67 фоизигина такомиллаштирилган ичимлик суви манбаларидан ичимлик сувини олиш имконига эга.

Аҳоли учун мўлжалланган ичимлик суви манбалари минтақага қараб жиддий фарқланади (23-жадвал). Масалан, водопровод орқали хонадонларга етказиладиган сувдан фойдаланиш Тошкент шаҳрида кенг тарқалган (80%) ва пойтахт аҳолисининг яна 19 фоизи ичимлик суви сифатида водопровод орқали ҳовли ёки участкага етказиладиган сувдан фойдаланадилар. Марказий-Шарқий минтақа водопровод сувидан, шу жумладан ҳовли ёки участкага етказиладиган сувдан фойдаланиш бўйича иккинчи ўринда туради, ушбу минтақада мазкур кўрсаткич 55,7 фоизни ташкил этади. Жанубий минтақада яшовчиларнинг 29 фоизигина водопровод сувидан фойдаланади (тураржой, ҳовли ёки майдонда), айти вақтда Жанубий минтақа аҳолисининг 19 фоизи ичимлик суви сифатида автоцистерналардан олинadиган сувдан фойдаланадилар (хавфли сув манбаи). Ичимлик суви манбалари оиланинг моддий фаровонлигига қараб ҳам жиддий фарқланади. Оиланинг моддий фаровонлиги ва хонадонга водопровод орқали етказиб бериладиган сувдан фойдаланишда мустаҳкам боғлиқлик мавжуд.

Сувни хонаки/уйда тозалаш усуллари 24-жадвалда кўрсатилган. Уй хўжаликлари аъзоларига улар қўллайдиган ичиш учун хавфиз сувни тозалаш усуллари ҳақида савол берилди — қайнатиш, рангсизлантириш ёки хлорлаш, сув фильтридан фойдаланиш ва қуёш дезинфекцияси муносиб тозалаш усуллари деб ҳисобланди. Жадвалда уй хўжали-



кларидида ушбу усуллардан ҳар бирини қўлловчи, такомиллашган ва такомиллашмаган ичимлик суви манбаидан фойдаланувчи уй хўжаликлари аъзолари фоизи кўрсатилган. Умумий ҳисобда деярли ҳамма уй хўжаликлари (99%) уй хўжалиги такомиллашган ёки такомиллашмаган сув манбаидан фойдаланишидан қатъий назар муносиб сув тозалаш усулидан фойдаланишади (аксарият қайнатишдан фойдаланишади). Ҳамда дастлабки ху-сусиятлар бўйича тафовутлар мавжуд эмас, чунки деярли барча туркумлар муносиб сув тозалаш усулларида фойдаланишнинг жуда юқори даражаларини намоён қилдилар.

Сув келтириш учун керакли вақт 25-жадвалда кўрсатилган, одатда сувни келтирувчи шахс 26 Жадвалида кўрсатилган. Шуни ҳисобга олинганки, бу натижалар уйдан сув манбаигача бир маротаба бориш ва қайтишга тааллуқлидир. Бир кун ичидаги бориш сони ҳақидаги маълумот тўплаш амалга оширилгани йўқ.

25-жадвалда 60% уй хўжаликлари учун ичимлик суви манбаи бевосита уйда ёки майдонда жойлашганлиги кўрсатилган. Барча уй хўжаликларининг учдан бир қисми сув манбаигача бориб сув олиб келиш учун 30 минут сарфлайдилар, 7% уй хўжаликлари эса бунга 30 минутдан 1 соатгача вақт сарфлайдилар. Сув манбаи уйда ва майдонида жойлашган уй хўжаликларида ташқари, ичимлик сувигача бўлган ўртача йўл вақти 15 минутни ташкил этади. Сувни келтириш учун сарф қилинадиган вақт шаҳар ва қишлоқ туманларида кам фарқланади. Ичимлик сувигача бўлган ўртача йўл вақтида минтақага нисбатан озгина фарқ мавжуд, уй хўжалигининг маълумоти ва фаровонлиги даражасига нисбатан фарқлар жуда кам.

26-жадвалда ичимлик суви манбаи уйдан ташқарида ёки майдонда жойлашган бўлса, аксарият уй хўжаликларида сувни ёши катта аёл олиб келади (58 фоиз). Ёши катта эркак 36% ҳолларда сув келтиради, нисбатан сув олиб келувчи шасхларга камроқ 15 ёшгача бўлган қиз болалар ва ўғил болалар киради (6%). Фарбий минтақадаги уй хўжаликларида ичимлик сувини кўпроқ аёллар келтиради (69%), Шарқий минтақада эса бу фоиз 54% гача пасаяди.

Бир қатор касалликлар, шу жумладан, диарея ва полиомиелитнинг авж олишини одам экскрементларини, яъни нажасни талаб даражасида кетказмаслик ва шахсий гигиенага амал қилмаслик билан боғлашади. Бу борада, экскрементларни кетказиш учун такомиллаштирилган санитария-гигиеник қурилмалар қаторига канализация тизими ёки тиндиргичларга уланган ва нажасларни сув ювиб кетадиган ҳожатхоналар, шу каби сув ювиб кетадиган бошқа турдаги ҳожатхоналар, оддий қазилма ўралар, вентиляция қилинадиган нажаслари чиқариб ташланадиган ободонлаштирилган қазилма ўрали ҳожатхоналар, ҳамда бетон қопламали қазилма ўралар киритилади.

Ўзбекистон аҳолисининг деярли барчаси такомиллаштирилган санитария-гигиеник қурилмалар ишлатиладиган уй хўжаликларида яшайди ва уларнинг асосий жиҳатлари бўйича тафовутлар кузатилмади (27-жадвал). Бироқ, улардаги санитария қурилмаларининг тури бўйича муҳим фарқланишлар бор. Тошкент шаҳрида асосан канализация тизимига уланган сув ювгичли ҳожатхоналардан айниқса кенг фойдаланилади (91%). Бошқа барча минтақаларда ободонлаштирилган қазилма ўрали ҳожатхоналар, ҳамда бетон қопламали қазилма ўралар кенг тарқалган. Шарқий минтақада ҳар тўрт уй хўжаликларидадан учтасида ҳожатхона сифатида бетон қопламали қазилма ўралар ишлатилади, Жанубий Минтақада эса уй хўжаликларининг ярмидан ортиғи вентиляция қилинадиган, нажаслар чиқариб ташланадиган, ободонлаштирилган қазилма ўралардан фойдаланадилар. Шаҳар туманларида канализация тизими ёки тиндирмага уланган сув ювгичли ҳожатхоналар кенг тарқалган (39%), улардан кейин бетон қопламали қазилма ўралар (30%) туради, қишлоқ туманларида эса, бетон қопламали қазилма ўралар (54%) кенг тарқалган, ҳамда вентиляция қилинадиган ободонлаштирилган қазилма ўралари қўлланилади (40%).

Бола нажасини кетказишнинг хавфсиз усули нажасни ҳожатхонадан фойдаланувчи боланинг ўзи кетказиши, ёки нажасни ҳожатхона ёки қазилма ўрасига сув билан кетказиш

хисобланади. 0–2 ёшдаги болалар нажасини кетказиш усули 28-жадвалда кўрсатилган. Умуман олганда, 0–2 ёшдаги болаларнинг 59% да нажас хавфсиз тарзда кетказилади. Яримдан кўп (56%) болалар учун охирги нажас хожатхонага ёки қазилма ўрага сув билан кетказилган/ташланган. 20% ҳолларда охирги бола нажаси дренаж канали ёки оқава сувларга кетказилган/сув билан кетказилган, бошқа 15% ҳолларда эса нажас кўмилган. Минтақага нисбатан тафовутлар етарлича. Бола нажасини кўмиш Ғарбий минтақада кенг тарқалган (49%), Марказий минтақада эса, тахминан ярим ҳолларда охирги нажас дренаж канали ёки оқава сувларга ташланган/сув билан кетказилган (47%). Нажасни хожатхона ёки қазилма ўрага кетказилиши/сув билан кетказилиши бошқа минтақаларда кенг тарқалган, Шарқий минтақада эса бу фоиз энг юқоридир (77%).

Умуман олганда, 90% уй хўжаликлари такомиллашган ичимлик суви манбаларидан фойдаланишади, деярли барча уй хўжаликлари экскрементларни кетказиш учун санитария воситаларини қўллайдилар (99%) (жадвалда кўрсатилмаган). Такомиллашган ичимлик суви манбалари ва экскрементларни кетказиш учун санитария воситаларидан фойдаланиш 89% уй хўжаликларида кузатилади. Энг паст фоиз Жанубий минтақада кузатилади, ҳамда қишлоқ туманларидаги уй хўжаликлари такомиллашган ичимлик суви манбалари ва экскрементларни кетказиш учун санитария воситаларидан фойдаланишнинг энг паст фоизларига эга. Бу кўрсаткичлар ижтимоий-иқтисодий ҳолат ўсиши билан ошади.



Мамлакатдаги деярли барча бола туғишлар малакали тиббиёт ходимлари томонидан қабул қилинади.

8. РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК

Контрацепция

Аёл ва бола саломатлиги учун муҳим булган оилани керакли тарзда режалаштириш қуйидагиларни назарда тутати: 1) ҳомиладорликнинг олдини олиш — жуда эрта ёки жуда кечки; 2) туғишлар орасидаги вақт оралиғини кўпайтириш; 3) болалар сонини чегаралаш. «Болалар ҳаёти учун яроқли дунё» дастури барча оилалар учун — жуда эрта, жуда кичик вақт оралиғидаги, жуда кечки, ёки оилада болалар кўплигида ҳомиладорликнинг олдини олиш мақсадида маълумот ва хизматлар манбаидан фойдаланиш имконини яратишга қаратилган.

Маълумотларга кўра, турмуш қурган ёки эркак киши билан бирга яшайдиган аёлларнинг 65 фоизи контрацепция, яъни сақланиш воситаларидан фойдаланадилар (29-жадвал). Олдин ўтказилган МИКТ 2000 тадқиқоти натижаларига нисбатан замонавий контрацепция услубларидан умумий фойдаланиш ва фойдаланиш даражасида бирмунча пасайиши кузатилмоқда (13-схема). Бу борада, бачадон ички воситасидан (БИВ) фойдаланиш услуби энг оммавийлашган бўлиб, Ўзбекистонда бундай сақланиш воситасидан эрга теккан аёлларнинг ярми фойдаланади. Барча бошқа контрацепция усулларининг тарқалганлиги уч фойздан ошмайди, бу эса Ўзбекистонда БИВ энг афзал кўриладиган сақланиш услуби эканлигидан далолат беради. Аёлларнинг 2–3 фоизи лактацион аменорея услуби (ЛАУ), таблеткалар, презервативлар ва аёллар стерилизацияси усулидан фойдаланишлари тўғрисида хабар бердилар. Ва ҳозирги вақтда турмушга чиқиб яшаётган аёлларнинг олти фойзигина анъанавий усулларни қўллашлари ҳақида маълум қилдилар.

Контрацепциянинг энг юқори тарқалиш даражаси Шарқий минтақада кузатилиб, бу ерда ушбу кўрсаткич 71 фоизга тенг, унинг энг паст даражаси эса Жанубий минтақада бўлиб, 56 фоизни ташкил қилади. Бошқа минтақалардаги эрга теккан аёлларнинг учдан икки қисми сақланиш воситаларидан фойдаланадилар. Ўсмирлар контрацептивлардан катта аёлларга нисбатан анча камроқ ва онда-сонда фойдаланадилар. 15–19 ёшдаги эрга теккан ёки эркак киши билан яшайдиган аёлларнинг қарийб 22 фойзигина ҳозирги вақтда контрацепция воситаларини қўллайди, 25–29 ёшдаги аёллар орасида эса ушбу кўрсаткич 68 фоизга тенг.



Ўзбекистонда аёллар маълумоти юқори даражада бўлиши туфайли турли тоифадаги таълим даражалари ўртасидаги контрацепция тарқалганлиги даражасида катта тафовут кузатилмайди. Бирор сақланиш воситаларидан фойдаланидаган аёллар фоизи таъмомланмаган ўрта маълумотга эга бўлган аёллар орасида энг паст кўрсаткичга эга (60%). Оила фаровонлигининг даражаси ёки оила бошлиғининг она тилиси бўйича бу борада жиддий тафовут камроқ кузатилади. Шунингдек, яшаш минтақасидан ташқари, турли тоифалар ўртасида ҳам контрацепция услублари жиддий фарқ қилмайди.

Контрацепциядан фойдаланиш зарурати

Контрацепциядан фойдаланиш зарурати⁷ ҳеч қандай контрацепция воситаларидан фойдаланмайдиган, аммо келгуси туғишни кечиктириш ёки туғишни бутунлай таъмомлашни истаган туғиш ёшидаги аёлларга тегишлидир. Контрацепциядан фойдаланиш зарурати МИКТда контрацептивларни қўллаш, серпуштлик ва фертилликка нисбатан кундалик ўзини тутишни аниқлаш учун бир қатор саволларни қўллаш орқали аниқланади. Контрацепцияга умумий эҳтиёж ҳозирда қониқтирилмаган эҳтиёжларга эга аёллар, ҳамда ҳозирда контрацепция воситаларидан фойдаланувчи аёлларни ўз ичига олади.

30-жадвалда контрацепциядан фойдаланиш, қониқтирилмаган эҳтиёжлар ва контрацепцияда қониқтирилган эҳтиёжларни тадқиқ этиш натижалари кўрсатилган. Ҳозирда никоҳда бўлган барча аёллар орасида фақатгина 8 фоизи контрацепцияда қониқтирилмаган эҳтиёжларга эга (4% туғилишлар орасидаги интервални, яъни вақтни чўзишда ва 4% бола туғилишини чегаралашда). Умуман олганда, туғилишни бошқаришда 89 фоиз эҳтиёжлар қониқтирилади. Дастлабки хусусиятларга нисбатан контрацепцияда қониқтирилмаган эҳтиёжлар ва контрацепцияда қониқтирилган эҳтиёжлар фоизида жуда кам тафовутлар кузатилади. Контрацепцияда қониқтирилмаган эҳтиёжлар Жанубий минтақада юқорироқ (10%), энг паст фоиз Шарқий минтақада (6%) кузатилади. Бу фоиз 15–29 ёшдаги аёллар ва шаҳар туманларида яшовчи аёллар орасида юқорироқ.

Туғишгача бўлган назорат

Антенатал даври ҳомиладор аёлларни тадбирлар билан қамраб олишга яхши имкониятлар яратади, бу уларнинг саломатлиги ва ўзини ҳис этиши, ҳамда уларнинг болаларининг саломатлиги ва ўзини ҳис этиши учун муҳим бўлиши мумкин. Ҳомила ўсиши ва ривожланиши масалалари ва она саломатлигининг бола саломатлиги билан ўзаро алоқасини яхши тушуниш она ҳамда янги туғилган чақалоқ саломатлигини яхшилаш мақсадидаги тадбирлар сифатидаги туғишдан олдинги кузатувларни амалга оширишга бўлган юқори қизиқишларга олиб келди. Масалан, агар аёл ва унинг оиласи туғиш жараёнидаги хавфли белги ва аломатлар, ҳамда хавфлар ҳақида антенатал даврда хабардор қилинсалар, ҳомиладор аёллар малакали тиббиёт ходимлари иштирокида туғишларини таъминлаш мумкин. Антенатал даври туғишлар орасидаги интерваллар

7 МИКТда контрацепцияга булган эҳтиёжни ўлчаш усули Тиббий-демографик тадқиқотлар (ТДТ) каби бошқа уй хўжаликлари ўрганишда қўлланилган усуллардан фарқланади. ТДТда туғишдан кейинги аменорея ва жинсий ахлоқ каби қўшимча ўзгарувчилар ҳақида батафсил маълумот тўпланади. Икки хил ўрганишлар натижаларини том маънода таққослаб бўлмайди.

ҳақида ҳам маълумот беришга ҳам имкон яратади, бу эса янги туғилган чақалоқларнинг яшаб кетиши учун муҳим омилдир.

Ҳомиладорлик вақтида қоқшалга қарши эмлаш она ҳамда бола ҳаётини сақлаб қолиши мумкин. Ҳомиладор аёлларда безгакнинг олдини олиш ва даволаш, ҳомиладорлик даврида камқонлик билан курашиш ва жинсий йўл орқали юқувчи инфекцияларни (ЖЙЮК) даволаш туғиш кечилиши ва она саломатлигини яхшилаши мумкин. Янги туғилган чақалоқларнинг тана оғирлигининг камлиги каби туғишдаги номаъқул натижаларни ҳомила даврида аёллар овқатланиши ҳолатини яхшилаш ва юқумли касалликларни (безгак, ЖЙЮК кабилар) олдини олиш бўйича тадбирларни мужассам этиш орқали қисқартириш мумкин. Яқинда антенатал давр ОИВ ни олдини олиш ва даволаш тадбирларини бошлаш, айинқса ОИВ инфекцияси онадан болага юқишининг олдини олиш пайити бўлиши мумкин, деган хабар туғишгача бўлган тиббий кузатув хизматларидан фойдаланишга қизиқишнинг ошишига олиб келди.

Туғишгача бўлган турли тиббий кузатув моделларининг самарадорлигини ўрганишга асосан, ЖССТ ҳомиладорлик даврида аёллар маслаҳатига камида тўрт марта боришни маслаҳат беради. ЖССТ бошқарув тамойиллари бундай ташрифларнинг мақсадаларини қуйидагича аниқлайди:

- Қон босимини ўлчаш
- Сийдикни бактериурия ва протеинурияга таҳлил қилиш
- Қонни сифилис ва камқонликнинг оғир шакллари мавжудлиги таҳлил қилиш
- Вазн/бўйни ўлчаш (мажбурий эмас)

Туғишгача бўлган тиббий кузатув қамрови (врач, ҳамшира ёки акушер) Ўзбекистонда стандарт ҳолатга яқинлашмоқда, туғишгача бўлган тиббий кузатув хизматларини олувчи аёллар фоизи бутун ҳомиладорлик даврида 99% ни ташкил этади. Асосий хусусиятларга нисбатан тафовутлар жуда камдир.

Тадқиқотдан аввалги икки йил давомида туққан 15–49 ёшдаги аёлларга туғишгача бўлган тиббий кузатув хизматларини кўрсатувчи ходимлар тури 31-жадвалда кўрсатилган. Ўзбекистонда тадқиқотдан аввалги икки йил давомида туққан деярли барча аёллар туғишгача бўлган тиббий кузатувни малакали ходимлардан қабул қилганлар. 96% ҳолларда туғишгача бўлган тиббий кузатувни амалга оширган шахс врач бўлган. Минтақага нисбатан бир қанча тафовутлар бўлишига қарамадан, бу рақамлар турли асосий хусусиятларга нисбатан унчалик фарқланмайди. Марказий-шарқий минтақада туғишгача бўлган тиббий кузатувни амалга оширган врачлар фоизи 91% гача пасаяди, айти пайтда Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич 99% ни ташкил этади.

Ҳомиладор аёлларга кўрсатилган хизматлар тури 32-жадвалда келтирилган. Деярли барча ҳомиладор аёллар ҳомиладорлик даврида бир ёки ундан ортиқ марта туғишгача бўлган тиббий кузатувдан ўтганлар (99%), асосий хусусиятлар бўйича тафовутлар деярли мавжуд эмас. Бундай ташрифларнинг 98% да қон таҳлил қилинган, қон босими ўлчанган ва сийдик таҳлил қилинган. 90% аёлларда вазни ўлчанган. Умуман олганда, асосий хусусиятларга нисбатан тафовутлар катта эмас, маълумот даражаси бундан мустасно, унинг ўсиши билан туғишгача бўлган тиббий кузатувларга қатнашнинг ўсиши кузатилади. Жанубий минтақада бошқа минтақаларга нисбатан озгина камроқ фоизлар кузатилади, бу фарқ вазн ўлчашда учун янада яққолроқ намайён бўлади.

Туғишга тиббий ёрдам бериш

Оналар ўлимининг тўртдан уч қисми туғиш вақтида ва туққандан сўнг содир бўлади. Бехатар оналик мақсадларидаги ягона жиддий тадбир ҳар бир туғишда акушерлик малакасига эга тиббий-санитария ходимининг бўлишини таъминлаш ва ўта зарурият ҳолатларда

акушерлик ёрдамани кўрсатиш учун махсус клиникагача олиб бориш учун транспорт во-ситасининг мавжудлигидир. “Болалар ҳаёти учун яроқли дунё” дастури мақсади туғишда малакали ёрдам олиш имконини яратишдан иборат. Малакали ходимлар иштирокидаги туғишлар фоизи ва тиббиёт масканларидаги туғишлар фоизи кўрсаткич вазифасини ба-жаради. Туғишда малакали ёрдам кўрсатиш кўрсаткичи 1990 ва 2015 йиллар мобайнида оналар ўлими даражасини тўртдан уч қисмга қисқартириш бўйича Минг йиллик ривож-ланиш мақсадига эришиш йўлидаги ривожланишни кузатиш учун ҳам қўлланади.

МИКТ жараёнида малакали ходимлар иштирокидаги туғишлар фоизини баҳолаш учун бир қатор саволлар берилди. Туғиш вақтидаги малакали ёрдам шифокор, тиббий ҳамшира, акушерка (доя) ёки акушерканинг ёрдамчиси томонидан ёрдам бериш билан ифодаланади.

МИКТ тадқиқотини ўтказишдан олдин бир йил вақт давомида бўлиб ўтган туғиш ҳо-латларининг деярли барчаси (99,9%) малакали тиббий ходимлар томонидан қабул қилин-ди (33-жадвал). Бу борада асосий хусусиятларига қараб ҳеч қандай тафовутлар йўқ. МИКТ тадқиқотидан аввал бир йил давомида кузатилган туғиш ҳолатларининг 95 фоизида шифо-корлар томонидан тиббий ёрдам кўрсатилди. Умуман олганда, туғишларнинг қарийб беш фоизи санитария врачининг ёрдамчилари томонидан қабул қилинди. Марказий-Шарқий минтақада яшовчи аёлларга туғиш вақтида ёрдам берадиган тиббий ходимлар тури бошқа минтақалардагига нисбатан бирмунча фарқ қилади. Марказий-Шарқий минтақада туғиш-ларнинг тахминан 13 фоизи тиббий ҳамширалар ёки акушерлар томонидан қабул қилинади. Каттароқ ёшдаги аёллар ҳамда кам таъминланган оилаларда яшовчи аёлларнинг туғишлар-и тиббий муассасада қабул қилинганлигининг эҳтимоли бирмунча пастроқ.

Ҳозирда эрга теккан ва эркак билан бирга яшовчи 15–49 ёшдаги аёлларнинг барча ҳомиладорлик ҳолатларини олиб қарайдиган бўлсак, 82% ҳомиладорлик тирик бола туғиш билан, 13% — сунъий аборт ва 5% бола тушиб қолиши билан яқунланган (34-жадвал). Су-нъий аборт билан яқунланган ҳомидалар фоизи шаҳар туманларида (18%) қишлоқ туман-ларидагига қараганда (11%) юқорироқ, Тошкент шаҳрида эса жуда кенг тарқалган (27%). Бу фоиз маълумот даражаси ўсиши ва ижтимоий-иқтисодий даража ўсиши билан ошади. Сунъий абортлар уй хўжаликлари бошлиғи она тили рус тили бўлган уй хўжаликларида кўпроқ кузатилади (40%). Бола тушиши ва ўлик туғилишлар фоизи асосий хусусиятларга нисбатан катта тафовутларга эга эмас.

Оналар ўлими

Ҳомиладорлик даврида ва бола туғишдаги қийинчиликлар ривожланувчи мамлакатларда репродуктив ёшидаги аёллар орасида ўлим ва ногиронликнинг энг асосий сабабчиси бўла-ди. Тадқиқотларга кўра бутун дунёда ҳар йили 529000 аёл оналик билан боғлиқ сабабларга кўра ҳаётдан кўз юмади. Ҳар бир ўлган аёлга ҳомила даврида ва туғишда шикастланган, инфекция орттирган ёки меҳнатга лаёқатликни йўқотган 20 нафар аёл тўғри келади. Бу ҳар йили камида 10 миллион аёл ушбу типдаги шикастларга дуч келишини англатади.

Энг кенг тарқалган ўлимга олиб келувчи асорат туғишдан кейинги қон кетиши ҳисоб-ланади. Ўлимнинг бошқа сабаблари сепсис, ишончсиз абортлар асорати, чўзилган ёки қийинлашган туғиш жараёни ва ҳомиладорликдаги гипертензив бузилишлар, айниқса эк-ламписия ҳисобланади. Ҳомиладорлик даврида умуман кутилмаганда содир бўлиши мум-кин бўлган ушбу асоратлар ҳаётни таъминловчи препаратлар, антибиотикларни бериш ва қон қуйиш, ҳамда кесарев сечениеси, яъни она қорнини ёриб бола олиш операциясини ўт-казиш ва ўлимни олдини олиш учун бошқа жарроҳлик ёрдам кўрсатишлар учун мос тар-зда жиҳозланган сифатли акушерлик стационарга мурожаат этишни талаб қилади. МРМ мақсадларидан бири 1990–2015 йиллар мобайнида оналар ўлими даражасини тўртдан уч қисмга қисқартиришга қаратилган.

Она ўлими ҳомиладорлик билан боғлиқ, ҳомиладорлик даврида ёки ҳомиладорлик тўхтатилганидан кейинги 42 кун давомидаги сабаблар билан боғлиқ аёллар ўлими деб аниқланади. Оналар ўлими даражаси 100000 тирик туғилишларга оналар ўлими сонини тасвирлайди. МИКТда оналар ўлими даражаси опа-сингиллар орасида сўров ўтказиш билвосита усули ёрдамида аниқланади, бунинг ёрдамида тадқиқот ўтказишдан аввалги 10–12 йил давридаги маълумотлар олинади. Баҳолашнинг бундай усули учун маълумот тўплаш учун уй хўжаликларининг катта ёшдаги аъзоларига уларнинг опа-сингилларининг яшаб кетиши ва ҳомила даврига нисбатан ўлим вақти, опа-сингилларнинг туғиши ва туғишдан кейинги даврига оид бир нечта саволлар берилади. Тўпланган маълумотлар кейинчалик оналар ўлими хавфи ва оналар ўлими даражасига ўзгартирилади⁸.

Ўзбекистондаги оналар ўлимига оид МИКТ натижалари 35-жадвалда кўрсатилган. Натижалар бутун мамлакат учун келтирилган, чунки оналар ўлими даражаси одатда терманинг катта ноаниқликларига эга бўлади. Агар бу маълумотларни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг охириги икки ўн йиллик тадқиқотлари натижалари билан солиштирсак (14-схема) ва оналар ўлимига нисбатан МИКТ билвосита баҳолашни тадқиқот ўтказилишидан аввалги 10–12 йил даврига тегишли эканлигини аҳамиятга олсак, бу баҳо Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳисобланганидан паст бўлади.



8 Опа-сингилларни сўров қилиш билвосита ҳақида батафсил маълумот олиш учун ЖССТ ва ЮНИСЕФ, 1997 га қаранг.

9. БОЛА РИВОЖЛАНИШИ

Эътироф этилишича, миянинг тез ривожланиши даври ҳаётнинг дастлабки 3–4 йилларида содир бўлади ва уйда парваришlash сифати бу даврда бола ривожланишининг асосий аниқловчи омилдир. Шу борада катталарнинг бола билан машғул бўлиши, уйда бола учун китоблар мавжудлиги ва парвариш шароитлари уйдаги парваришнинг муҳим кўрсаткичлари бўлади. “Болалар ҳаёти учун яроқли дунё” дастури мақсади “болалар жисмонан соғлом, ақлан тетик, руҳий жиҳатдан чидамли, ўқишга ижтимоий жиҳатдан қодир ва тайёр” бўлишларидан иборат.

Тадқиқот пайтида эрта таълим беришга қаратилган бир қатор машғулотлар ва тадбирлар ҳақида маълумотлар тўпланган. Улар келгуси машғулот ва тадбирлар мобайнидаги катталарнинг болалар билан ишларини ўз ичига олади: китоб ўқиш ёки расмли китобларни томоша қилиш, эртак айтиш, ашула айтиш, болалар билан уй, ҳудуд ёки ҳовлидан ташқарида сайр қилиш, болалар билан ўйнаш, ҳамда болалар билан бирга-лиқда нарсалар номини айтиш, санаш ёки расм солишга оид машғулотлар ўтқизиш.

Тадқиқотдан аввалги 3 йил мобайнида 5 ёшгача бўлган болаларнинг 71% билан катталар таълимга кўмак берувчи ва мактабга тайёргарликка ёрдам берувчи тўртдан ортиқ машғулотларда қатнашдилар (36-жадвал). Ота-оналар томонидан болалар учун ташкил этилган машғулотларнинг ўртача сони 4,4 ни ташкил этди. Жадвалда бундай машғулотларда оталарнинг иштироки бир қанча чегараланганлиги кўрсатилган. Оталарнинг бир ёки ундан ортиқ турдаги машғулотларда қатнашиши 47% ташкил этди, бироқ оталар иштирок этган машғулотлар турининг ўртача сони 0,8 ни ташкил этди. Уй хўжалиқларидаги болаларнинг фақатгина 4 фоизи отасиз яшайди.

Катталарнинг болалар билан машғул бўлишларида ҳеч қандай гендер тафовутлар йўқ; эркак ёки аёл жинсига мансуб болалар билан машғул шуғулланувчи оталар фоида ҳам тафовут кузатилмайди. Болаларни мактабга тайёрлаш билан шуғулланувчи катталарнинг сони қишлоқ туманларига қараганда (70%) шаҳар туманларида кўпроқ (75%). Шу билан бир қаторда минтақа ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатга нисбатан кўзга кўринувчан тафовутлар кузатилади: катталарнинг болалар билан шуғулланишда қатнашиши Шарқий минтақада энг катта (85%), Ғарбий минтақада эса энг кам (65%), айти пайтда ушбу болалар фоизи кам таъминланган уй хўжалиқларига нисбатан (65%) энг юқори фаровонлик даражасидаги уй хўжалиқларида 78 фоизни ташкил этди. Маълумоти юқориқ кўпроқ бўлган ота-оналар маълумоти пастроқларига нисбатан болалар билан бир оз кўпроқ шуғулланишади. Оталарнинг болалар билан шуғулланиши улуши минтақага нисбатан сезиларли даражада тафовутларга эга.

Эрта ёшларда болаларнинг китоб билан танишиши китоб таърифини кўпроқ англашдан ташқари, болага қандай қилиб бошқалар китоб ўқиётганини кўришга имкон беради, масалан, ўзининг ака ёки опаларининг мактаб уй вазифларини бажараётганини кўриши мумкин. Китоблар мавжудлиги мактабда келгусида ўзлаштириш ва ақлий ривожланиш коэффициенти учун муҳимдир.

Ўзбекистонда 78 фоиз болалар камида 3 та болалар китоби мавжуд уй хўжалиқларида яшайди (37-жадвал). Бироқ, 0–59 ойлик болаларнинг 43 фоизигина болалар китобига эга. Айти пайтда болаларга мўлжалланмаган китоблар сони юқори (10 та китоб), болалар китоблари сони паст (2 та китоб). Бироқ ҳеч қандай гендерлик фарқлар кузатилмади, таълим маълумотига эга оналар болалари камроқ маълумотга эга оналар болаларига нисбатан иккала турдаги китоблардан фойдаланишда кўпроқ имконларга эга.

Болаларга мўлжалланган ва мўлжалланмаган китоблар борасида бошқа минтақаларга нисбатан энг паст фоизлар Ғарбий ва Жанубий мнтақаларда кузатилади. Болаларга мўлжалланган ва мўлжалланмаган китоблар мавжудлиги ижтимоий-иқтисодий шароит билан ижобий тарзда боғлиқ.

37-жадвалда оналар/васийлардан сўралганда 0–59 ойлик болаларнинг учдан бир қисми уйда ўйнаш учун уч ёки ундан ортиқ ўйинчоқларга эга, айти пайтда фақатгина 4 фоиз болалар ҳеч қандай ўйинчоқларга эга эмасликлари кўрсатилган. МИКТдаги ўйинчоқлар уй буюмлари, ясама ўйинчоқлар, магазиндан сотиб олинган ўйинчоқлар, ҳамда уйдан ташқарида топилган буюм ва материалларни ўз ичига олган. Қизиғи шундаки, 91% болалар магазиндан сотиб олинган ўйинчоқларни ўйнайдилар, айти пайтда 40% болалар ясама ўйинчоқларни ўйнайдилар. 3 ва ундан ортиқ ўйинчоққа эга болалар фоизи бола жинсига нисбатан фарқланмайди; яшаш жойи (шаҳарда ёки қишлоқда), онанинг маълумоти даражаси ва уй хўжалигининг фаровонлик даражасига кўра тафовутлар жуда паст ёки умуман йўқ. Болалар ўйинчоқлари сони билан кучли боғлиқ ягона белги бу боланинг ёши бўлиб, кутилмаган натижадир.



«Болалар жисмонан соғлом, ақлан тетик, руҳий жиҳатдан ўқишга қодир ва тайёр бўлишлари лозим...»

10. ТАЪЛИМ

Мактабгача бўлган муассасаларга қатнаш ва мактабга тайёргарлик

Ташкиллаштирилган таълим ёки болаларни мактабгача муассасаларда таълим олиши дастурларида қатнашиш болаларни мактабга тайёрлашда муҳимдир. “Болалар ҳаёти учун ярокли дунё” дастури мақсадларидан бири мактаб ёшигача бўлган болаларга таълим беришни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

36–59 ойлик болаларнинг 20 фоизга яқини болалар мактабгача муассасаларига қатнайди (38-жадвал). Олдинги МИКТ натижаларига нисбатан, мактабгача муассасаларга қатнаш даражасида ўзгаришлар кузатилмайди (15-расм). Шаҳар ва қишлоқ туманлари ўртасида ва минтақалар орасида сезиларли тафовутлар мавжуд: шаҳар туманлари учун бу кўрсаткич 35 фоизни ташкил этади, қишлоқ туманларида 14 фоиз. 36–59 ойлик болалар орасида мактабгача муассасаларга қатнаш даражаси Тошкент шаҳрида энг юқори (53%), энг паст даража Жанубий минтақада кузатилади (7%). Жинсига нисбатан ҳеч қандай тафовутлар кузатилмайди, бироқ ижтимоий-иқтисодий ҳолатга нисбатан қатнаш даражасида тафовут анча сезиларли. Агар бола онаси олий маълумотга эга бўлса, бу кўрсаткич 48 фоизгача ошади, айти пайтда оналари тўлиқ ўрта ва тугалланмаган ўрта маълумотга эга болалар учун кўрсаткич сезиларли даражада пасаяди (мос равишда 11% ва 13%). Юқори даражадаги фаровонликка эга уй хўжаликларида яшовчи болаларнинг 46 фоизи мактабгача муассасаларга қатнайди, кам таъминланган уй хўжаликларидаги болалар учун бу кўрсаткич 5 фоизгача пасаяди. Шуниси қизиқарлики, 36–47 ва 48–59 ойлик болаларнинг мактабгача муассасаларга қатнайдиган фоизи сезиларли даражада фарқланмайди (мос равишда 18% ва 21%).

Жадвалда олдинги йилда мактабгача муассасаларга қатнаган бошланғич мактабнинг биринчи синфида ўқийдиган болалар фоизи ҳам кўрсатилган (38 Жадвал), бу эса мактабга тайёргарликнинг муҳим кўрсаткичидир. Ўзбекистонда тадқиқот 2006 йил март-май ойларида ўтказилган, ўқув йили эса сентябрда бошланади. Шунга мувофиқ, тадқиқот ўтказиш даврида ҳам 6, ҳам 7 ёшдаги биринчи синфда ўқийдиган ва олдинги йилда мактабгача муассасаларга қатнаган болалар учраган. Бу муаммони ҳал этиш учун, 7 ёшдаги болаларга нисбатан ҳам мактабгача муассасаларга қатнаш даражаси баҳоланди.

Умуман олганда бошланғич мактаб биринчи синфларидаги 6 ёшли болаларнинг 34 фоизи ва 7 ёшли болаларнинг 26 фоизи олдинги йилда мактабгача ўқув муассасасига қатнаганлар. Эркак жинсига мансуб болалар фоизи (29%) аёл жинсига мансуб болалар фоизидан (24%) озгина юқорироқ бўлган, айти пайтда шаҳар туманларидаги болаларнинг тахминан учдан бир қисми (33%), қишлоқ туманларида эса 24 фоиз шундай болалар мактабгача ўқув муассасаларига қатнаганлар. Минтақавий тафовутлар ҳам сезиларли даражада; Тошкент шаҳридаги бошланғич мактаб биринчи синф ўқувчиларининг мактабгача ўқув муассасасига қатнаганлиги тахмини (66%) Марказий-Шарқий минтақадагига қараганда (15%) тўрт марта юқори. Оналар маълумоти даражаси боланинг мактабгача бўлган тайёргарлиги билан ижобий алоқага эга: тугалланмаган ўрта маълумотли оналарга нисбатан бу кўрсаткич 25 фоизни кўрсатади, олий маълумотли оналар учун бу кўрсаткич 40 фоизгача ошади. Мактабга тайёргарлик ижтимоий-иқтисодий аҳволга ҳам боғлиқ: кам таъминланган оилалар учун олдинги йилда мактабгача ўқув муассасасига қатнаган бошланғич мактаб биринчи синф ўқувчилари фоизи атиги 20 фоизни ташкил этади, айти пайтда кўпроқ таъминланган оилаларда яшовчи болалар учун бу кўрсаткич 41 фоизгача ошади.

Бошланғич ва ўрта мактабга қатнаш

Асосий таълим олишга оммавий равишда имконга эга бўлиш ҳамда дунёдаги барча болаларни бошланғич таълим билан қамраб олишни таъминлаш — бу Минг йиллик декларацияси ҳамда “Болалар ҳаёти учун яроқли дунё” Ҳаракат режаси ва Минг йиллик ривожланиш режаларида ифодаланган энг муҳим мақсадлардан бири ҳисобланади.

Таълим олиш — бу камбағаллик билан курашиш, аёллар ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш, болаларни уларнинг саломатлиги учун хавfli меҳнат турларидан, уларнинг меҳнатидан фойдаланиш ҳолатларидан ҳамда жинсий мақсадларда фойдаланишдан ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари ва демократияни ҳурмат қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли сонининг ўсишига таъсир этишнинг энг муҳим ҳаётий шарҳларидан биридир.

Бошланғич ва ўрта мактабга қатнаш кўрсаткичлари ўз ичига қуйидагиларни олади:

- Бошланғич мактабга кириш соф коэффициентлари
- Бошланғич мактабга қатнаш соф коэффициентлари
- Ўрта мактабга қатнаш соф коэффициентлари
- Ўрта мактаб ўқувчиси ёшидаги болаларнинг бошланғич мактабга қатнаш соф коэффициентлари
- Эркак ва аёл жинсига оид ўқувчилар орасидаги нисбатлар (ёки жинслар тенг вакилчилиги индекси — GPI)

Мактаб ривожланиши кўрсаткичлари ўз ичига қуйидагиларни олади:

- Бешинчи синфгача ўқиганлар фоизи
- Ўрта мактабга ўтганлар фоизи
- Бошланғич мактабни тугатганлар соф фоизи

Ўзбекистондаги мактаб таълими тизими иккита мажбурий босқичга эга. Биринчи, бошланғич босқич 7–10 ёшдаги ўқувчилар учун биринчи синфдан тўртинчи синфгача ташкил этади. Иккинчи босқич 11–15 ёшдаги ўқувчилар учун бешинчи синфдан тўққизинчи синфгачани ташкил этади. Камида тўққиз синфни тугатган ўқувчилар ўрта махсус мактабга қабул қилинишлари мумкин. Ўрта махсус таълим тизими уч йил давомидаги махсус тайёргарликни кўзда тутаяди. Ўрта махсус мактабни тугатган ўқувчилар олий ўқув юр்தларига киришлари мумкин.

МИКТ саволномалари болалар бошланғич ёки ўрта мактабга қабул қилинганликлари ёки қилинмаганликлари ҳақида саволларни эмас, балки ушбу ва олдинги ўқув йилида мактабга қатнаш даражаси ҳақидаги саволларни ўз ичига олган. Бундан ташқари, МИКТ саволномасидаги ёш ҳақидаги маълумот туғилган кун ва ойни ҳисобга олмаган ҳолда тўлиқ ёш шаклида тўпланганлиги туғайли, мактаб ёшига етган болалар мактабга қабул қилинганлигини аниқлаш жуда қийин бўлди. Шунга қарамасдан, иловадаги DQ.8-жадвалда тахмин қилинишича бошланғич мактабга қабул қилиниши керак бўлган болаларнинг мактаб мақомига оид муҳим маълумот келтирилган. 7 ёшдаги болалар орасида 67 фоизи биринчи синфга қатнайди (чунки ўқув йили бошида 2005 йил сентябрда уларнинг ёши тўлиқ 7 ёш бўлган) ва 12 фоизи иккинчи синфга қатнаганлар (улар 6 ёшлигида 2004 йил сентябрида биринчи синфга борганлар ше-

килли), айна пайтда 4 фоизи мактабгача ўқув муассасасига қатнаганлар, 17 фоизи эса мактабга қатнамаганлар (чунки ўқув йили бошида 2005 йил сентябрда уларнинг ёши тўлиқ 7 ёш бўлмаган). DQ.8-жадвал яна шуни кўрсатадики, тадқиқот ўтказиш даврида 6 ёшли болаларнинг 10 фоизи биринчи синфга қатнаганлар, ҳолбуки болалар тахминан 7 ёшда мактабга бориши керак.

Ўзбекистонда тадқиқот 2006 йил март-май ойларида ўтказилган, мактабларда ўқув жараёни эса сентябрда бошланади. Шунга биноан, 7 ёшдаги ҳамма болалар ҳам (сентябр ва март ойлари орасидаги даврда туғилганлар) 2005–2006 ўқув йили бошида бошланғич мактабга қабул қилмаганликлари мумкин. Мазкур ўқув йилида бошланғич мактабда ўқишни бошлаши керак бўлган болаларни аниқлаш учун 39-жадвалдаги мактабга қатнаш даражаси нафақат 7 ёшдаги болалар учун, балки 8 ёшдаги биринчи, иккинчи ва учинчи синфга қатновчи болалар учун ҳам аниқланди.

Ўзбекистонда мактаб ёшидаги болалар орасида 7 ёшдаги болаларнинг 79 фоизи бошланғич мактабнинг биринчи ёки иккинчи синфига қатнайди, 8 ёшдаги болаларнинг 99 фоизи бошланғич мактабнинг биринчи, иккинчи ёки учинчи синфига қатнайдилар. Жинсий алоқадорликка нисбатан тафовутлар кузатилмаган бир пайтда, минтақа, шаҳар ёки қишлоқдаги яшаш жойи, маълумот даражаси ва ижтимоий-иқтисодий аҳволига нисбатан тафовутлар мавжуд. Масалан, Тошкент шаҳрида кўрсаткич 94 фоизни ташкил этади, айна пайтда Марказий минтақада бу кўрсаткич 87 фоизни ташкил этади. Шаҳар туманларида болаларнинг ўз вақтида мактабга боришни бошлаши (92%) қишлоқ туманларидагига қараганда (88%) кўпроқ. Оналар маълумоти даражаси ва ижтимоий-иқтисодий аҳвол билан ижобий алоқа кузатилади; оналари олий маълумотга эга болалар орасида 94 фоизи бошланғич мактабга қатнайди. Юқори фаровонлик даражасига эга уй хўжаликларида бу улуш деярли 92 фоизни ташкил этади, айна пайтда кам таъминланган уй хўжаликларида яшовчи болалар орасида бу улуш 84 фоизни ташкил этади.

40-жадвалда бошланғич ёки ўрта мактабга қатновчи бошланғич мактаб ёшидаги болалар фоизи кўрсатилган. Ўзбекистонда умумий ҳисобда бошланғич мактаб ёшидаги болаларнинг 96 фоизи бошланғич ёки ўрта мактабга қатнайдилар. Олдинги МИКТ га нисбатан бошланғич мактабга қатнаш даражасида беш фоизли ўсиш кузатилади. Миллий миқёсда ва асосий хусусиятларга қараб ҳам бошланғич мактабда дарсларга



қатнаш, ҳам умумий ўқишга қатнаш даражасида ўғил болалар ва қиз болалар ўртасида тафовут катта эмас.

Ўрта мактабга қатнаш соф коэффициенти 41-жадвалда кўрсатилган. Тадқиқот 2006 йил март-май ойларида ўтказилгани, ўқув йили сентябрда бошланганлиги туфайли, ўрта мактабга қатнаш 12 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар учун аниқланди, шунга қарамасдан айрим болалар 11 ёшда ўрта мактабга қатнашиши айримлари эса 17 ёшда ўрта мактабни тугатган бўлишлари мумкин.

4 фоиз болалар умуман қатнамайдиган бошланғич мактаб ҳолатидагига ўхшаб, ўрта мактаб ёшидаги болалар орасида ҳам ўрта мактабга қатнамайдиган болаларнинг паст фоизи кузатилади (7%). Улардан фақатгина кўп бўлмаган улуши бошланғич мактабга қатнайди (қуйдаги келтирилган). Жинсий алоқадорлик бўйича тафовутлар йук: қатнашнинг соф коэффициенти ўғил болалар учун 94% ва қиз болалар учун 92%ни ташкил этади. Асосий хусусиятлар бўйича ҳам сезиларли тафовутлар йўқ, онанинг маълумоти даражаси бундан мустасно: соф коэффициент онанинг маълумоти даражаси ошиши билан ошади, бу эса кўпинча қиз болалар орасида кўпроқ кузатилади.

Ўрта мактаб ёшидаги болаларнинг бошланғич мактабга қатнаш соф коэффициенти 42 Жадвалда кўрсатилган. 1 фоиздан камроқ ўрта мактаб ёшидаги болалар бошланғич мактабга қатнайдилар, ҳолбуки улар ўрта мактабда ўқишлари керак. Қолган 6 фоизи мактабга умуман қатнамайди.

Биринчи синфга борадиган ва 5-синфгача ўқувчи болалар фоизи 43-жадвалда кўрсатилган. Биринчи синфга борган болаларнинг деярли ҳаммаси бешинчи синфгача етиб боради. Шунинг ҳисобга олинганки, бу сон иккинчи синфда қолувчи ва натижада бешинчи синфгача етиб боровчи болаларни ўз ичига олади. Жадвалга киритилган асосий хусусиятлар бўйича тафовутлар жуда кам ёки умуман йўқ, бу эса болаларнинг жинси, минтақаси, яшаш жойи, онасининг маълумоти даражаси ёки ижтимоий-иқтисодий аҳволдан қатъий назар болалар дастлабки беш синфга тўлиқ қатнашишини англатади.

Бошланғич мактабни тугатганлар ва ўрта мактабга ўтганлар фоизи 44-жадвалда кўрсатилган. Тадқиқот ўтказиш даврида бошланғич мактабни тугатиш ёшидаги болаларнинг (11 ёш) 97 фоизи бошланғич мактабнинг охириги синфига қатнаётган эдилар. Бу кўрсаткични бошланғич мактабнинг охириги синфига қатновчи ҳар қандай ёшдаги болаларни ўз ичига олувчи бошланғич мактабни тугатганлар фоизидан фарқлаш керак. Жинси, минтақаси, яшаш жойи, онасининг маълумоти даражаси ёки ижтимоий-иқтисодий аҳволига нисбатан ҳеч қандай сезиларли тафовутлар йўқ. Тадқиқот ўтказиш даврида шу нарса аниқландики, бошланғич мактабнинг охириги синфини муваффақиятли тугатган болаларнинг барчаси (100%) ўрта мактабнинг биринчи синфига қатнаганлар. Бу ерда ҳам асосий хусусиятлар бўйича тафовутлар мавжуд эмас.

Бошланғич ва ўрта таълим тизимларида таълим олаётган эркак ва аёл жинсига мансуб ўқувчиларнинг нисбати 45-жадвалда кўрсатилган. Бу нисбат жинслар тенглиги индекси сифатида кўпроқ маълум. Шунга аҳамият берилганки, бу нисбатлар қатнашнинг ялпи коэффициентидан эмас, балки соф коэффициентидан олинган. Ялпи коэффициентлар жинслар тенглиги индексини нотўғри ифодалашга олиб келади, чунки аксарият ҳолларда белгиланган ёшдан катта ёшда бошланғич мактабга қатновчи болалар ўғил болалар бўлади. Ушбу жадвалдан маълум бўлишича, бошланғич мактаб учун жинслар тенгҳуқуқлиги индекси 1га тенг бўлиб, ўғил болалар ва қиз болалар ўртасида бошланғич мактабда дарсларга қатнашиш даражасида тафовут йўқлигидан далолат беради. Ўрта мактаб учун мазкур индикатор 0,98гача, яъни бироз пасаяди. Шуниси ҳам маълум бўлдики, асосий хусусиятлар қандай бўлишидан қатъий назар, бошланғич ва ўрта мактабга ўқишга қатнашиш борасида жинсий мансублиги бўйича ҳеч қандай фарқланишлар мавжуд эмас экан.

Катталар саводхонлиги

«Болалар ҳаёти учун яроқли дунё» дастури мақсадларидан бири катталар саводхонлигини таъминлашга қаратилган. Ҳам эркак, ҳам аёлларга тегишли катталар саводхонлиги ҳам МРМ индикаторларидан биридир. МИКТда саволномалар фақат аёллар учун тўлғазилганлиги сабабли, натижалар 15–24 ёшдаги аёлларга асосланган. Саводхонлик аёлларнинг қисқа гапни ўқиш қобилияти ёки мактабга қатнашиши бўйича аниқланди. Ўзбекистонда катталар саводхонлиги оммавий бўлиб, асосий хусусиятларга нисбатан тафовутлар деярли йўқ.



«Бола ҳуқуқлари тўғрисида Халқаро конвенцияда таъқидланишича, ҳар бир бола исмга ва фуқароликка эга бўлиши ҳамда уни ўз идивидуаллигидан маҳрум қилиш ҳаракатларидан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир ...»

11. БОЛАНИ ҲИМОЯЛАШ

Туғилишни рўйхатга олиш

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияда таъкидланганидек, ҳар бир бола ўз исми ва фуқароликка эга бўлиши, ҳамда уни ўз индивидуаллигидан маҳрум қилиш ҳаракатларидан ҳимояга эга бўлиш ҳуқуқига эга. Туғилишни рўйхатга олиш ушбу ҳуқуқларни таъминлашнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. “Болалар ҳаёти учун яроқли дунё” дастури ҳар бир боланинг туғилишида ёки туғилишидан кейин рўйхатга олинишини таъминлашни ёки халқаро қонунлар ва тегишли халқаро актларга мувофиқ исм ва фуқаролик олиш учун унинг ҳуқуқини қониқтиришни ўзига мақсад қилиб қўяди. Туғилиши рўйхатга олинган 5 ёшгача бўлган болалар фоизи индикатор вазифасини бажаради.

5 ёшгача бўлган болаларнинг деярли барчасининг туғилиши рўйхатга олинган (46-жадвал). Туғилишларни рўйхатга олишда жинси, ёши, маълумоти даражасида сезиларли тафовутлар кузатилмайди.

Болалар меҳнати

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 32-моддасида шундай дейилади: “Иштирокчи давлатлар боланинг иқтисодий мақсадларда ишлатишдан ҳамда унинг соғлиғи учун хавф-хатар етказиши мумкин бўлган ёки таълим олишга тўсқинлик қиладиган ёхуд соғлиғи, жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий ривожланишига зарар келтирадиган ҳар қандай ишлардан ҳимоя қилиниш ҳуқуқини эътироф этадилар”. “Болалар ҳаёти учун яроқли дунё” дастури мақсадида болалар меҳнати билан курашиш бўйича тўққизта стратегия кўрсатилган, МРМ эса болаларни ишлатишдан ҳимоялашни назарда тутди. МИКТ саволномасида болалар меҳнатига доир, яъни 5–14 ёшдаги болаларнинг меҳнат фаолияти тўғрисида бир қатор саволлар мавжуд. Тадқиқотдан аввалги бир ҳафта мобайнида бола қуйидаги амалларга жалб қилинган бўлса, тадқиқот ўтказиш пайтида бола меҳнат фаолиятида иштирок этган деб ҳисобланади:

- ҳафтада камида 1 соат хўжалик ишлари ёки 28 соат уй ишларига жалб этилган (5–11 ёш учун)
- ҳафтада камида 14 соат хўжалик ишлари ёки 28 соат уй ишларига жалб этилган (12–14 ёш учун)

Бундай болалар меҳнати ва болалар иши ўртасида фарқни аниқлаш қандай ишни мустасно этиш кераклиги учун имкон яратади. Мазкур ҳисоботда келтирилган баҳолаш болалар меҳнатининг минимал тарқалганлиги кўрсатади, чунки баъзи болалар юқорида келтирилган ўлчовларга қараганда камроқ соатга хавфли меҳнат фаолиятига жалб қилинган бўлишлари мумкин. 47-жадвалда иш турига нисбатан болалар меҳнати тадқиқотининг натижалари келтирилган. Болалар бирдан ортиқ турдаги ишларга жалб этилиши мукинлиги туфайли фоизлар умумий йиғиндиси кўрсатилмаган. 5–14 ёшдаги болаларнинг фақатгина 2 фоизи болалар меҳнат фаолиятида банд, аксарият бундай болаларга меҳнат учун ҳақ тўланмайди. Жинсига нисбатан бола меҳнати даражасида ҳеч қандай тафовутлар мавжуд эмас, аммо бундай тафовутлар минтақага нисбатан сезиларли даражада. Тошкент шаҳрида 5–14 ёшдаги болаларнинг 11 фоизи болалар меҳнатига жалб қилинади. Бошқа ҳисобга олинган ўзгарувчиларга нисбатан сезиларли тафовутлар кузатилмади.

Боалар меҳнати бўйича ривожланиш суръатларининг кўрсаткичлари болалар меҳнатига болаларни жалб этишнинг 23 фоизидан (МИКТ 2000) 2 фоизга (МИКТ 2006) жиддий

пасайганлигини аниқлаб бермоқда, ва бу болалар меҳнатига бўлган талабнинг мавсумийлигидан далолат беради. МИКТ 2000 тадқиқоти ёз фаслида, мактаб ўқувчилари ёзги таътилга чиққан ва одатда қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилган вақтда олиб борилган. МИКТ 2006 тадқиқотлари эса март ойдан май ойгача бўлган даврда болалар мактабда сабоқ олаётган вақтда ўтказилган. Демак, ана шу икки тадқиқот маълумотларини таққослаш мумкин эмас.


48-жадвалда ўқувчи ишчилар ёки ишловчи ўқувчилар деб туркумланган болалар фоизи кўрсатилган. Ўқувчи ишчилар — тадқиқот ўтказилиши даврида мактабга қатновчи ва болалар меҳнати фаолиятига жалб қилинувчи болалар. Аниқроғи, мактабга қатновчи 5–14 ёшдаги болаларнинг 84 фоизининг 2 фоизи болалар меҳнат фаолиятига жалб қилинадилар. Бошқа тарафдан, ушбу 2 фоиз ишчи болалар деб туркумланган болалар мактабга ҳам қатнайдилар (93%). Болалар меҳнатига жалб қилинадиган ўқувчиларнинг фоизи Тошкент шаҳрида энг юқори (12%), Шарқий минтақада эса энг паст (1%). Ишчи ўқувчилар ва ўқувчи ишчилар фоизларида бошқа хусусиятларга нисбатан сезиларли тафовутлар мавжуд эмас.

Эрта турмуш қуриш

Кўпчилик ёш қизларнинг 18 ёшга тўлгунча турмуш қуриши ҳақиқатдир. ЮНИСЕФ баҳосига кўра, бутун дунёда 20–24 ёшидаги аёлларнинг 60 миллионидан ошиғи 18 ёшга етгунга қадар турмушга чиққанлар/эркак билан яшашни бошлаганлар. Эрта турмуш қуриш коэффициентига таъсир кўрсатувчи омиллар ўз ичига қуйидагиларни олади: болалар учун турмуш қуриш ёшини белгиловчи фуқаролик ҳолати актларини рўйхатга олиш давлат тизимидаги ҳолат; номақбул ҳуқуқий база мавжудлиги ва бундан келиб чиқувчи болалар турмуш қуриши муаммосини ҳал этишга мажбур қилиш механизмлари; бундай тажрибани оқловчи одат ва диний қонунлар мавжудлиги.

Дунёнинг кўпгина қисмларида ота-оналар бундай никоҳ ҳам молиявий, ҳам ижтимоий фойда олиб келади, ҳамда оиланинг молиявий шароитини энгиллаштиради деган умидда ҳали бола ёшидаги қизларининг турмушга чиқишларини қўллаб-қувватлайдилар. Ҳақиқатда эса, болалар турмуш қуриши инсон ҳуқуқларини бузиш ҳисобланади, чунки бу қизларнинг ривожланишига тўсқинлик қилиб, аксарият ҳолларда эрта ҳомиладорлик ва жамиятдан ажралишга олиб келади, бунинг натижасида қизлар паст маълумотлилигича қолиб кетиб, керакли касбий тайёргарлик кўра олмайдилар, бу эса улар камбағаллигининг гендерлик хусусиятини янада кучайтиради. Турмуш қуришга “эркин ва тўлиқ” розилик ҳуқуқи Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясида тан олинади, унда агар турмуш қураётган томонларнинг бири ўз турмуш ўртоғи ҳақида асосли қарор қабул қилиши учун етарлича вояга етмаган бўлса, розилик “эркин ва тўлиқ” бўлиши мумкин эмас. Аёлларга қарши барча турдаги таҳқирлашни бартараф этиш ҳақидаги Конвенциянинг 16-моддасида болаларнинг турмушга чиқишдан ҳимоялаш ҳуқуқи қайд этилган, унда: “Боланинг унаштириш ва турмушга берилиши юридик кучга эга бўлмаслиги ва барча зарурий ҳаракатлар, шу жумладан қонунчилик, турмуш қуриш учун минимал ёшни белгилаш учун қабул қилиниши лозим...”. Болаларнинг турмуш қуриши тўғрисида муаммо Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда бевосита айтиб ўтилмаганлигига қарамасдан, ўз фикрини эркин ифодалаш, ҳар қандай шаклдаги зўрликдан ҳимояланиш ҳуқуқи ва зарарли одатий амалиётдан ҳимояланиш ҳуқуқи каби ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлиб, у яқинда бола ҳуқуқлари бўйича кўмитада кўриб чиқилди.

18 ёшгача турмуш қурган 20–49 ёшдаги аёллар фоизи.



Ёш турмуш қурган қизлар ноёб, лекин кўпинча кўринмас гуруҳни ташкил қилади. Серпуштликни намоиш этиш тазйиқи остида, катта ҳажмдаги уй ишларини бажариб, болалар тарбияси учун жавобгар ҳолда ўзлари бола бўла туриб, эрга теккан қизлар ва бола-оналар эркин бўлмаган қарорлар ва чекланган танлов муаммоси қаршисида турадилар. Ўғил болалар ҳам эрта турмуш қуришлардан азобланадилар, бироқ бу муаммо қизларга кўпроқ ва аксар ҳолларда тегишли. Бирга яшаш, яъни жуфтликнинг худди турмуш қургандагидек бирга яшаши худди эрта турмуш қуриш каби инсон ҳуқуқлари борасида хавотирга солади. Қиз бола эркак билан бирга яшаганда ва у ҳақида ғамхўрлик қилганида, у ҳали 18 ёшга тўлмаган тақдирда ҳам катта аёл деб ҳисобланади. Бундай алоқаларнинг норасмийлиги туфайли келиб чиққан кўшимча муаммолар, масалан мерослик, фуқаролик ва оммавий тан олиниш муаммолари эркак билан норасмий иттифоқда яшовчи қизларни расмий танилган турмуш/никоҳларда яшовчи қизларга қараганда турли омилларга нисбатан заиф қилиб қўйиши мумкин.

Тадқиқотлар тахминича, бир-бири билан ўзаро боғлиқ омиллар болани турмуш қуриш хавфига олиб келади. Кам таъминланганлик, қизлар ҳимояси, оила шаъни ва ижтимоий барқарорсизлик даврларда барқарорликни таъминлаш ҳали бола бўлмиш қизнинг турмуш қуриш хавфини оширади. Эрта ёшда турмуш қурган аёллар баъзи ҳолларда эри хотинини уриши мумкинлигига ишонадилар ва уйдаги зўрликни ўз бошларида ҳис этсалар керак. Жуфтлар орасидаги тафовут зўравонлик динамикасига олиб келади ва эрта бевалик хавфини оширади.

Болалар турмуш қуриши масаласи билан қизлар жинсий жиҳатдан фаол бўлиш ёши узвий боғлиқ. 18 ёшгача турмуш қурган аёллар, одатда кечроқ турмуш қурганларга нисбатан кўпроқ фарзандларга эга бўладилар. Маълумки, ҳомиладорлик билан боғлиқ ўлимлар 15–19 ёшда эрга теккан ва эрга тегмаган қизлар ўлимининг асосий сабабидир, айниқса бу гуруҳдаги энг ёшлари орасида. Эрта ёшда турмуш қурган қизлар кўпин-

ча ўзидан катта эркакка эрга тегадилар дейишга асослар мавжуд, бу эса уларни ОИВ инфекциясини юқтириш юқори хавфига олиб келади. Ота-оналар ўз шаънини ҳимоя қилиш учун қизларини эрга беришга ҳаракат қилади, эркаклар эса касалликка чалинган хотин олиш хавфининг олдини олиш учун одатда ёшроқ хотин қидирадилар. Бундай ёш хотиндан бола туғишни талаб қилиш ва ёш орасидаги тафовут бундай жуфтлар орасида презервативлардан фойдаланишнинг жуда паст даражасига олиб келади.

15 ёшгача ва 18 ёшгача эрга теккан аёллар фоизи икки индикатор ҳисобланади. Турли ёшда эрга теккан аёллар фоизи 49-жадвалда келтирилган. Ўзбекистонда 15–19 ёшдаги аёлларнинг фақат беш фоизигина турмуш қурган. 15–49 ёшдаги аёллар орасида бир фоиздан камроқ аёллар 15 ёшгача эрга тегадилар, ва тоифалар ўртасида жиддий тафовут йўқ. Бошқа томондан эса, 20–49 ёшдаги аёлларнинг тахминан 13 фоизи 18 ёшга тўлгунча турмуш қурганлар. 18 ёшгача никоҳдан ўтиш ҳолатлари таълим даражалари паст бўлган, ҳамда кам таъминланган оилаларда яшайдиган аёллар орасида кўпроқ тарқалган. Эрта турмуш қуриш тарқалиши даражалари минтақага қараб катта фарқ қилмасда, 18 ёшгача эрга тегадиган аёллар фоизининг энг паст кўрсаткичи Тошкент шаҳрида кузатилади (10%), айти пайтда бу борадаги энг юқори кўрсаткич Шарқий минтақада қайд этилган (14%).

Болалар ногиронлиги

“Болалар ҳаёти учун яроқли дунё” дастури мақсадларидан бири болаларни ёмон муносабат, ишлатиш ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, шу жумладан имкониятлари чекланган болаларга нисбатан таҳқирлашни бартараф этишдан иборат. 2 ёшдан 9 ёшгача бўлган болаларга нисбатан кўриш қобилияти, карлик ва нутқ бузилишлари каби ногиронлик/бузилишлар сонини аниқлаш бўйича бир қатор саволлар берилди. ЖССТ томонидан ишлаб чиқилган бу усул функционал қобилиятсизлик концепциясига асосланган бўлиб, бола ривожланишидаги ҳар қандай бузилишлар ва ногиронликлар асоратларини аниқлаш учун мўлжалланган (масалан, саломатлик, овқатланиш, таълим ва бошқалар). 50-жадвалда ушбу саволлар натижалари кўрсатилган. 2–9 ёшдаги барча болаларнинг 2 фоизи уларнинг оналари ёки васийлари хабарларига кўра, камида битта ногиронликка эга. Саволномада кўрсатилган ногиронликлардан ҳеч бир тури учун айнан ушбу турдаги болалар фоизи 1 фоиздан ошмади. Жадвалга киритилган асосий ўзгарувчилар бўйича тафовутлар сезиларли эмас. 2 ёшдаги болалар орасида фақатгина 3 фоизи биронта буюм номини айта олмадилар, 3–9 ёшдаги болалар орасида эса фақатгина 1 фоиз ҳолларда оналар/васийлар бола нутқи нормал эмаслигини айтдилар.

Етим ва ҳимояланмаган болалар

Етим қолган ёки ҳимояланмаган уй хўжаликларида яшовчи болалар ота-оналари уларга ёрдам бера олган тақдирда парваришдан маҳрум бўлиш юқори хавфига дуч келиши ёки иш бажаришга жалб қилинишлари мумкин. Етим ва ҳимояланмаган болалар учун турли натижалар ўзгаришлар мониторинги ва уларнинг тенгдошлари натижалари билан солиштириш бизга жамоа ва ҳукумат уларнинг эҳтиёжларига қай тарзда эътибор қаратаётганлигини баҳолаш мумкин.

Ҳеч қайси бир ота-она, фақат она ва фақат ота билан яшовчи болалар улуши 60-жадвалда кўрсатилган. Умуман олганда, 0–17 ёшдаги болаларнинг 91 фоизи иккала ота-она билан яшайди, 6 фоизи фақат оналари билан яшайди, 1 фоизи фақат ота билан ва 2 фоизи ҳеч қайси бир биологик ота-оналарисиз яшайдилар. 0–17 ёшдаги болаларнинг 4 фоизида бир ёки иккала ота-онаси ўлган. Ҳар иккала ота-онаси билан яшовчи болаларнинг энг паст фоизи Тошкент шаҳрида (82%) ва қишлоқ туманларида деб топилди. Бу фоиз ёш ошиши билан бир ёки иккала ота-онанинг ўлими натижасида пасаяди (0–4 ёшдаги болалар орасидаги 95% билан 15–17 ёшдаги болалар учун 85%).



©UNICEF/Uzbekistan/2007/Brigitte Brefort

ОИВ/ОИТС масалалари бўйича БМТ Бош асамблеясининг махсус сессияси (UNGASS) ҳукуматларни ёшларнинг ОИВ дан сақланиш борасидаги билим ва кўникмалар даражасини оширишга чақирди.

12. ОИВ/ОИТС ВА ЖИНСИЙ АХЛОҚ

ОИВ юқиши ҳақида билимлар мавжудлиги ва презервативлардан фойдаланиш

ОИВ инфекцияси тарқалиш суръатларини пасайтиришнинг энг муҳим шартларидан бири — ОИВ қандай тарқалиши ва қандай бунинг олдини олиш тўғрисида аниқ билимлар мавжуд бўлишидан иборат. Ёшларга тўғри ахборот бериш — бу уларнинг хабардорлик даражасини ошириш ва ушбу инфекциядан ҳимояланиш услублари билан қуроллантиришнинг дастлабки қадамидир. ОИВ тўғрисидаги нотўғри тасаввурлар кенг тарқалган бўлиб, бу ёшларни адаштириши ва профилактик чоралар қўлланилишига тўсқинлик қилиши мумкин. Турли минтақаларда бундай нотўғри тасаввурлар фарқланади, лекин уларнинг айримлари умумий жиҳатга эга (масалан, ОИВ инфекцияси бирга овқатланиш вақтида ёки чивин чакқанда юқиши тўғрисида).

ОИВ/ОИТС масалалари бўйича БМТ Бош ассамблеясининг махсус сессияси (UNGASS) ҳукуматларни ёшларнинг ОИВдан сақланиш борасидаги билим даражалари ва кўникмаларини оширишга чақирди. Бу мақсадни ўлчаш индикаторлари, ҳамда ОИВ инфекцияси ҳолатларини икки мартага камайтириш бўйича МРМ ОИВ ҳақида билимлар даражаси ва унинг олдини олиш ва касалликнинг келгусида тарқалишининг олдини олиш учун амаллар моделларини ўзгартиришни ўз ичига олади. ОИВга оид саволлар модули 15–49 ёшдаги аёлларга нисбатан қўлланилди.

МРМ ва UNGASS индикаторлари бўлмиш индикаторлардан бири ОИВ олдини олиш ва унинг юқиши турлари ҳақида ҳар томонлама ва тўғри билимларга эга ёш аёллар фоизи ҳисобланади. Аёлларга фақатгина битта ишончли касалланмаган шерикка эга бўлиш, албатта презервативдан фойдаланиш ва жинсий турланишлардан ўзини сақлаш — ОИВ инфекцияси юқишини олдини олишнинг учта усулини билишлари ҳақида савол берилди. Натижалар 51 Жадвалда келтирилган. Ўзбекистонда 15–49 ёшдаги сўралган аёлларнинг аксарият қисми (96%) ОИТС ҳақида эшитганлар, бу эса МИКТ 2000 й. тадқиқоти нати-




жаларига қараганда сезиларли даражада юқори (16-схема). Бироқ, ОИВ юқишини олдини олишнинг учта асосий усулини билувчи аёллар фоизи атиги 49 фоизни ташкил этади. ОИВ юқишини олдини олишнинг асосий усуллари сифатида 76 фоиз аёллар битта ишончли касалланмаган шерикка эга бўлишни айтдилар, 65 фоизи албатта презервативдан фойдаланиш кераклигини айтдилар ва 66 фоизи жинсий турланишлардан ўзини сақлашни айтдилар. Айти пайтда, 86 фоиз аёллар камида битта усулни билганлар, 14 фоизи эса бу усуллардан ҳеч бирини билмаганлар. Кутилганидек, ҳар учала усул ва камида битта усулни билган аёллар фоизи аёлларнинг таълим даражаси ўсиши билан ошади. Икки индикатор учун аёлларнинг энг юқори фоизи Марказий-Шарқий минтақада қайд этилган, айти пайтда Ғарбий минтақада ОИВ юқишини олдини олишнинг ҳеч бир усулини билмайдиган аёлларнинг энг юқори фоизи кузатилди. Энг ёш ёш гуруҳи (15–19 ёш) иккала индикатор бўйича энг паст фоизни кўрсатади, 20 ва ундан ортиқ ёшдаги аёллар орасида эса озгина тафовутлар кузатилди. Шаҳар ёки қишлоқ жойларида яшаши ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатига кўра ОИВ юқиши ҳақидаги билимлар даражасида сезиларли тафовутлар кузатилмади.

52-жадвалда ОИВга нисбатан нотўғри фикрларни тўғри аниқлай олувчи аёллар фоизи кўрсатилган. Ўзбекистонда индикатор ОИВ инфекцияси ғайриоддий кучлар ёки чивин чақиши орқали юқиши мумкин деган иккита кенг тарқалган ва ўзига хос нотўғри фикрларга асосланган. Жадвалда аёлларнинг ОИВ инфекцияси биргаликда овқат ейишда юқмаслиги ва ОИВ биргаликда шприц ишлатилиши орқали юқиши мумкинлигини билишлари ҳақида ҳам малумот келтирилган. Барча сўралган аёллардан 48 фоизи иккита кенг тарқалган нотўғри фикрни инкор этдилар, ҳамда кўринишидан соғлом бўлган инсон касалланган бўлиши мумкинлигини биладилар. 83 фоиз аёллар ОИВ ғайриоддий кучлар орқали юқмаслигини биладилар, 68 фоизи ОИВ чивин чақиши орқали юқмаслигини биладилар, айти пайтда 71 фоизи кўринишидан соғлом бўлган инсон касалланган бўлиши мумкинлигини биладилар. 52-жадвалда ОИВ инфекцияси биргаликда овқат ейишда юқмаслигини биладиган аёллар фоизи ҳам кўрсатилган (67%), ҳамда ОИВ биргаликда шприц ишлатилиши орқали юқиши мумкинлигини биладиган аёллар фоизи (93%) ҳам кўрсатилган. Келти-

17-схема.

ОИВ/ОИТС ҳақида ҳар томонлама ва тўғри билимларга эга аёллар фоизи, Ўзбекистон, 2006 йил



рилган барча индикаторлар учун аёллар фоизи таълим ва ижтимоий-иқтисодий аҳволининг даражаси ўсиши билан ошади. Шаҳар ёки қишлоқда яшаши ва ёши бўйича ОИВ/ОИТС ҳақидаги нотўғри фикрларни тўғри аниқлаган аёллар фоизида сезиларли тафовутлар мавжуд эмас. Марказий-Шарқий минтақада яшовчи аёллар иккита энг кенг тарқалган нотўғри фикрларни рад этувчи ва кўринишидан соғлом бўлган инсон касалланган бўлиши мумкинлигини билишида энг юқори фоизларни кўрсатадилар (62%), айти пайтда бу фоиз Жанубий минтақадаги аёллар учун энг кичикдир (33%).

53-жадвалда 51- ва 52-жадваллардаги маълумотлар йиғиндиси келтирилган, ОИВ юқининг олдини олишнинг иккита усулини билувчи ва учта нотўғри тарқалган фикрларни рад этувчи аёллар фоизи кўрсатилган. ОИВнинг олдини олиш усуллари ҳақидаги билимлар даражаси унчалик юқори эмас, бироқ яшаш жойига нисбатан тафовутлар мавжуд. Умуман олганда 60 фоиз аёллар касаллик юқининг олдини олишнинг иккита усуллари биллишларини хабар берадилар. Марказий-Шарқий минтақада 77 фоиз аёллар иккала усулни аниқладилар. 15–49 ёшдаги аёлларнинг тахминан ярми (48%) ОИВ юқини ҳақидаги учта нотўғри фикрни тўғри аниқлай олдилар, минтақавий тафовутлар бунда сезиларли (Жанубий минтақада 33% дан Марказий-Шарқий минтақада 62%). Тахмин қилинганидек, ҳар томонлама билимларга эга аёллар фоизи таълим даражаси ўсиши билан ошади (17-расм).

Мамлакатда ОИВ эпидемиясига қарши кўриладиган жавоб чораларни баҳолаш учун қўлланиладиган асосий кўрсаткичлардан бири ОИВ профилактикасининг икки услуби маълум бўлган, ОИВга нисбатан икки янглиш фикрга қўшилмайдиган ҳамда ташқи кўринишдан соғлом бўлиб кўринган киши ОИВга чалинган бўлиши мумкин эканлигини билладиган 15–24 ёшли одамлар улуши ҳисобланади. Ёш аёлларнинг (15–24 ёшдаги) атиги 31 фоизи ОИВ ҳақида ҳар томонлама ва тўғри билимларга эга.

ОИВнинг онадан болага юқини тўғрисидаги билимлари мавжудлиги ҳам инфекциянинг болага юқининг олдини олиш учун ҳомиладорлик пайтида аёл тегишли тиббиёт мусасасасига мурожаат қилиши учун муҳим биринчи қадамдир. Аёллар ОИВ ҳомиладорлик, туғиш ва эмизиш пайтида болага юқини мумкинлигини билиши шарт. 15–49 ёшдаги аёллар орасида ОИВнинг онадан болага юқини ҳақидаги билимлар даражаси 54 Жадвалида кўрсатилган. Умуман олганда 92 фоиз аёллар ОИВ онадан болага юқини мумкинлигини билладилар. ОИВнинг онадан болага юқининг барча учта усули билувчи аёллар фоизи 73 фоизни ташкил қилади, айти пайтда 5 фоизи ҳеч қандай усулни билмайдилар. ОИВнинг онадан болага юқини биллиш даражаси аёлларнинг маълумоти даражаси ва уй хўжалиқларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ўсиши билан ошади. Марказий-Шарқий минтақада яшовчи аёллар энг юқори даражадаги билимларга эга, айти пайтда Тошкент шаҳридаги аёллар энг паст даражадаги билимларга эга.

ОИВ билан касалланган/яшовчи одамларга муносабат индикаторлари мамлакатда тамғалаш ва таҳқирлаш даражасини баҳолашга ёрдам беради. Респондентлар қуйидаги тўртта саволга хабар ва жавоб берсалар, тамғалаш ва таҳқирлаш даражаси паст ҳисобланади: 1) ОИТС билан касалланган оила вакилига ғамхўрлик қиласизми? 2) ОИВ билан касалланган сотувчидан янги сабзавотлар сотиб оласизми? 3) ОИВ билан касалланган ўқитувчи мактабда дарс ўтишга рухсат этилиши керакми? 4) ОИВ билан касалланган оила аъзоси ҳақидаги маълумотни сир сақлашни хоҳлайсизми? 55-жадвалда ОИВ/ОИТС билан касалланган одамларга аёлларнинг муносабати кўрсатилган. Аёлларнинг тахминан учдан бир қисми ОИТС билан касалланган оила аъзоси ҳақида ғамхўрлик қилмаслиқларини айтдилар (32%), улардан тахминан ярми агар оила аъзоси ОИВ билан касалланган бўлса, буни сир тутишни афзал кўришларини айтдилар. Аксарият аёллар, уларнинг ишонишлари бўйича, ОИВ билан касалланган ўқитувчи ишга рухсат этилиши керак эмаслигини таъкидладилар (80%), ҳамда улар ОИВ/ОИТС билан касалланган сотувчидан озик-овқат сотиб олмаслиқларини таъкидладилар (86%). Умуман олганда, 97 фоиздан кам бўлмаган аёллар ками-

да битта таҳқирловчи фикрлар билан рози бўлдилар. Минтақага нисбатан турли моделлар туфайли алоҳида фикрларда катта тафовутлар мавжудлигига қарамасдан, камида битта таҳқирловчи фикрлар билан розиликдаги тафовутлар минтақага нисбатан камроқ сезиларлидир. Қишлоқ туманларида таҳқирловчи фикрлар билан юқори фоиздаги аёллар рози.


Яна бир муҳим индикатор, ОИВга тест ўтиш учун мурожаат қилиш мумкин бўлган муассасани билишлик ва бундай муассаса хизматларидан фойдаланишдир. ОИВга тест ўтиш муассасани билишлик, улар қачондир тестдан ўтганликлари, ўтган бўлсалар, уларга тест натижалари хабар берилганлиги ҳақидаги саволларга жавоблар 56-жадвалда кўрсатилган. Аёлларнинг ярмидан кўпи ОИВга тестни қаерда ўтишни биладилар (55%), айти пайтда 33 фоизи тестдан ўтиб бўлишган. Уларнинг аксар қисмига (92%) тест натижалари эълон қилинган. Қаерда тест ўтиш мумкинлигини билувчи аёллар фоизи минтақаларга нисбатан сезиларли даражада фаркланади; ОИВга тестдан ўтиш жойини биладиган аёлларнинг энг юқори фоизи Марказий-Шарқий минтақада рўйхатга олинган (81%), энг паст фоизи — Жанубий минтақада (30%). Тестдан ўтган аёллар фоизларида минтақавий тафовутлар камроқ. Шаҳар туманларида кўпроқ аёллар (61%) қишлоқ туманларидагига қараганда (51%) тест ўтадиган жойни биладилар, ҳамда шаҳар туманларида кўпроқ аёллар (38%) қишлоқ туманларидагига қараганда (30%) тестдан ўтганлар. Маълумот даражаси ва уй хўжалиқларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ошиши билан, тест ўтиш жойни билувчи аёллар ва тестдан ўтган аёллар фоизида кўпайишга интилиш кузатилади. 15–19 ёшдаги аёлларнинг кам улуши (35%) бошқа ёш гуруҳларига нисбатан ОИВга тест ўтиш жойини биладилар.

Тадқиқотдан аввалги икки йил давомида туққан барча аёллардан туғишгача тиббий кузатув пайтида маслаҳат олган ва ОИВга тестдан ўтганлар фоизи 57-жадвалда кўрсатилган. 15–49 ёшдаги аёлларнинг деярли барчаси ўзларининг охириги ҳомиладорликлари даврида профессионал тиббиёт ходимларда туғишгача тиббий кузатув ўтганлар (99%). Бундай аёллар маслаҳатидаги ташрифларда 69 фоиз аёллар ОИВ профилактикаси ҳақида маълумот олдилар, 71 фоизи ОИВга тест ўтдилар ва 65 фоизи ОИВ тести натижаларини олдилар. Аёллар маслаҳатига келган аёлларнинг ОИВга тест ўтган фоизи Жанубий минтақада энг паст бўлган (56%), энг юқориси эса Тошкент шаҳрида бўлган (87%). Маълумот даражаси ва уй хўжалиқларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ошиши билан, тестдан ўтган аёллар фоизида кўпайишга интилиш кузатилади.

ОИВ юқиши борасидаги жинсий ахлоқ

ОИВ тарқалиши даражасини пасайтириш учун янада хавфсиз жинсий ахлоқни рағбатлантириш ғоятда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, доимий бўлмаган шерик билан жинсий алоқа қилиш вақтида презервативлардан фойдаланиш ОИВ тарқалиши даражасини камайтириш учун жуда муҳимдир. Дунёнинг кўп мамлакатларида ОИВга янгидан дучор бўлиш ҳолатларининг ярмидан кўпи 15–24 ёшдаги инсонларга тўғри келади, шу сабабли мазкур ёшдаги гуруҳ аъзоларининг ўзини тутишдаги ўзгариш касалликни юктиришнинг янги ҳолатларини қисқартириш учун алоҳида аҳамиятга эга. ОИВ инфекцияси билан касалланиш хавфини баҳолаш мақсадида саволлар модули 15–24 ёшдаги аёлларга нисбатан қўлланилди. ОИВ билан касалланиш хавфи омиллари ўз ичига эрта ёшдаги жинсий алоқа, ёши каттароқ эркаклар билан жинсий алоқа, бирга турмуш қурмаган шерик билан жинсий алоқа ва бирга яшамаслик ҳамда презервативлардан фойдаланмасликларни олади.

Аёллар орасида ОИВ инфекцияси билан касалланиш хавфини оширувчи жинсий ахлоқ содир этиш суръатлари 58-жадвалда ва 18-расмда келтирилган. 15–19 ёшдаги аёллар орасида 15 ёшга етгунга қадар жинсий алоқада бўлган аёллар аниқлангани йўқ, айти пайтда 20–24 ёшдаги аёлларнинг атиги 6 фоизи 18 ёшга етгунга қадар жинсий алоқада бўлганликларини таъкидладилар. 15–24 ёшдаги аёллар орасида фақатгина 3 фоизи тадқиқотдан

18-схема.**ОИВ инфекцияси юқиши хавфини оширувчи жинсий ахлоқ, Ўзбекистон, 2006 йил**

олдинги 12 ой мобайнида ўзларидан 10 ёшга ва ундан ортиқ катта эркак билан жинсий алоқада бўлганликларини таъкидладилар. 20–24 ёшдаги аёлларнинг 18 ёшга етгунга қадар жинсий алоқада бўлган фоизи таълим даражаси ошиши билан пасаяди. Асосий хусусиятларга нисбатан бошқа аниқ тафовутлар кузатилмади.

Ҳақиқий эрлари ёки доимо бирга яшайдиган эркаклари ҳисобланмайдиган эркаклар билан (никоҳдан ташқари, бирга яшашдан ташқари) жинсий алоқада бўлиш вақтида презервативлардан фойдаланиш коэффициенти тадқиқотдан олдинги бир йил давомида ана шундай шерик билан жинсий алоқада бўлган 15–24 ёшли аёллар орасида баҳоланди (59-жадвал). 15–24 ёшдаги аёллар орасида 29 фоизи ҳеч қачон жинсий алоқада бўлмаганликларини, 28 фоизи охириги 12 ой мобайнида жинсий алоқада бўлганликларини айтдилар, ўзининг эри ёки бирга яшайдиган эркак билан бўлмаган эркак киши билан жинсий алоқада бўлган 15–24 ёшдаги аёллар фоизи эса жуда паст бўлди (4%). Тадқиқот бошланишидан аввал 12 ой ичида доимий бўлмаган шерик билан жинсий алоқада бўлган 15–24 ёшли аёлларнинг 61 фоизи юқори хатар гуруҳига кирувчи шерик билан жинсий алоқа пайтида презервативдан фойдаланганликлари тўғрисида маълум қилди. 15–24 ёшдаги аёллар орасида охириги 12 ой мобайнида бирдан ортиқ шерик билан жинсий алоқада бўлган аёллар фоизи жуда паст бўлди. Кузатувлар сони паст бўлганлиги сабабли турли тоифаларга қараб хатарли ахлоқларда қандайдир фарқланишлар юзасидан бирон хулоса чиқаришга имкон бўлмади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Алешина Н. ва Редмонт Г. (2003). *Марказий ва Шарқий Европа ва МДХ мамлакатларида болалар ўлими коэффиценти қанчалик юқори?* Innocenti Марказининг ишчи ҳужжати №95. Флоренция: UNICEF Innocenti Тадқиқотчилик маркази.
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ахборот-таҳлил маркази [Ўзбекистон], Давлат статистика қўмитаси, Макроиктисодиёт ва статистика Вазирлиги [Ўзбекистон], и ORC Масго. (2004). *Тиббий Демографик Текшириш Ўзбекистонда 2002*. Калвертон, Мэриленд, США: Ахборот-таҳлил маркази, Давлат статистика бошқармаси ва ORC Масго.
- Боерма, Ж. Т., Вайнштейн, К.И., Рутштейн, С.О. ва Зоммерфельт, А.Е., 1996. Ривожланган мамлакатларда туғилганда тана оғирлиги ҳақидаги маълумотлар: *Can Surveys тадқиқотлари ёрдам бера оладими? Бутун жаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилоти*, 74(2), 209–16.
- Филмер, Д. ва Притчет, Л., 2001. Харажат — ёки кўз ёши ҳақида маълумотларсиз бойлик таъсирини баҳолаш: Ҳиндистон ўқув муассасаларига қабул қилишга татбиқан. *Демография* 38(1): 115–132.
- Акушерлик ва гинекология институти [Ўзбекистон] ва Macro International Inc. (1997). *Тиббий Демографик Текшириш Ўзбекистонда, 1996*. Калвертон, Мэриленд: Акушерлик ва гинекология институти ва Macro International Inc.
- Рутштейн, С.О. ва Жонсон, К., 2004. *Фаровонлик индекси DHS*. Солиштирма ҳисобот DHS No. 6. Калвертон, Мэриленд: ORC Масго.
- ЮНИСЕФ (2000). *Мульти индикаторли кластерли тадқиқот, Ўзбекистон Республикаси 2000 й*.
- ЮНИСЕФ (2006). *Болалар ва аёллар аҳоли мониторинги. Мульти индикаторли Кластерли тадқиқот ўтказиш бўйича қўлланма*. Нью-Йорк.
- БМТ, 1983. Қўлланма X: *Демографик баҳолаш билвосита усуллари* (БМТ нашри, сотув No. E.83.XIII.2).
- БМТ, 1990а. *QFIVE, Болалар ўлимини баҳолаш бўйича БМТ Дастури*. Нью-Йорк, БМТ Одамшунослик Бўлими.
- БМТ, 1990б. *Болалар ўлимини босқичма-босқич баҳолаш бўйича қўлланма*. Нью-Йорк, БМТ
- Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европадаги Минтақавий офиси (2006а). *Европа аҳолисининг саломатлик аҳоли барча маълумот базалари учун (HFA-DB)*, мукамаллаштирилган намунаси: июнь 2006 й., <http://data.euro.who.int/hfadb/>
- ЖССТ ва ЮНИСЕФ, 1997. *Оналар ўлимини баҳолашда она-сингиллар сўрови усули. Фойдаланишни истаганлар учун қўлланмалар*. Женева.

1 Жадвал. Уй хўжаликлари ва алоҳида фуқароларни сўрови натижалари

Уй хўжаликлари, аёллар ва 5 ёшгача бўлган болалар сони бўлиб ўтган уй хўжаликлари, аёллар ва 5 ёшгача бўлган болалар сўрови натижалари асосида ва саволларга жавоб берган уй хўжаликлари, аёллар ва 5 гача бўлган болалар қисми, Ўзбекистон, 2006

	Яшаш жойи		Минтақа					Тошкент ш.	Жами
	Шаҳар	Қишлоқ	Ғарбий	Марказий	Жанубий	Марк.-Шарқ	Шарқий		
Уй хўжаликлари сони									
Танлаб олинган	5 213	5 292	1 681	1 622	1 596	1 710	1 680	2 216	10 505
Истиқомат қилувчилар	5 086	5 263	1 677	1 612	1 582	1 686	1 650	2 142	10 349
Сўровда қатнашганлар	4 989	5 209	1 657	1 580	1 562	1 648	1 634	2 117	10 198
Саволларга жавоб берганлар қисми	98,1	99,0	98,8	98,0	98,7	97,7	99,0	98,8	98,5
Аёллар сони									
Мезонларга мос келувчилар	5 875	8 330	2 711	2 201	2 508	2 353	2 404	2 028	14 205
Сўровда қатнашганлар	5 785	8 134	2 671	2 174	2 423	2 308	2 325	2 018	13 919
Саволларга жавоб берганлар қисми	98,5	97,6	98,5	98,8	96,6	98,1	96,7	99,5	98,0
Саволларга жавоб берганларнинг умумий қисми	96,6	96,6	97,3	96,8	95,4	95,9	95,8	98,3	96,6
5 ёшгача бўлган болалар сони									
Мезонларга мос келувчилар	1 890	3 149	972	812	1 026	793	804	632	5 039
Сўровда қатнашганлар	1 874	3 112	970	805	1 015	785	780	631	4 986
онала/васийлар									
Саволларга жавоб берганлар қисми	99,2	98,8	99,8	99,1	98,9	99,0	97,0	99,8	98,9
Саволларга жавоб берганларнинг умумий қисми	97,3	97,8	98,6	97,2	97,7	96,8	96,1	98,7	97,5

2 Жадвал: Уй хўжаликлари аъзоларининг жинси ва ёши бўйича таркиби

Уй хўжаликлари аҳолисининг беш-йиллик гуруҳлар, ёш гуруҳлари бўйича боқимандалар ва 0–17 ёшгача булган болалар сонининг жинс белгилари бўйича фоиз таркиби, Ўзбекистон, 2006

	Эркаклар		Аёллар		Жами	
	Сони	Фоиз	Сони	Фоиз	Сони	Фоиз
Ёши						
0–4	2625	9,9	2540	9,5	5165	9,7
5–9	2675	10,1	2537	9,5	5212	9,8
10–14	3192	12,0	3210	12,1	6402	12,0
15–19	3198	12,0	3088	11,6	6286	11,8
20–24	2731	10,3	2775	10,4	5506	10,4
25–29	2291	8,6	2223	8,4	4514	8,5
30–34	1924	7,2	1830	6,9	3754	7,1
35–39	1537	5,8	1633	6,1	3169	6,0
40–44	1521	5,7	1573	5,9	3093	5,8
45–49	1444	5,4	1487	5,6	2930	5,5
50–54	1016	3,8	1106	4,2	2122	4,0
55–59	715	2,7	811	3,0	1525	2,9
60–64	425	1,6	426	1,6	851	1,6
65–69	486	1,8	496	1,9	982	1,8
70+	800	3,0	878	3,3	1677	3,2
Боқимандаларнинг ёш гуруҳи						
<15	8492	32,0	8287	31,1	16779	31,5
15–64	16801	63,2	16951	63,7	33751	63,5
65 +	1285	4,8	1374	5,2	2659	5,0
Бола ва катталарнинг таркиби						
Болалар 0–17	10370	39,0	10145	38,1	20514	38,6
Катталар 18+	16208	61,0	16467	61,9	32675	61,4
Жами	26578	100,0	26611	100,0	53190	100,0

3 Жадвал: Уй хўжаликлари таркиби

Уй хўжаликларининг танлаб олинган хусусиятларига кўра фоизларга бўлиниши, Ўзбекистон, 2006

	Таққосланган фоиз	Уй хўжаликлари сони	
		Таққосланган	Таққослан- маган
Уй хўжалиги бошлигининг жинси			
Эркак	82,2	8387	8116
Аёл	17,8	1811	2082
Минтақа			
Ғарбий	9,8	996	1657
Марказий	21,4	2182	1580
Жанубий	16,3	1658	1562
Марказий-Шарқий	15,0	1527	1648
Шарқий	27,9	2841	1634
Тошкент ш.	9,7	994	2117
Яшаш жойи			
Шаҳар	37,7	3843	4989
Қишлоқ	62,3	6355	5209
Уй хўжалиги аъзолари сони			
1	4,8	487	598
2–3	15,9	1623	1825
4–5	38,1	3889	3779
6–7	27,9	2848	2666
8–9	8,5	869	829
10+	4,7	482	501
Уй хўжалиги бошлигининг она тилиси			
Ўзбек	80,1	8169	7684
Рус	7,0	717	1027
Қорақалпоқ	2,0	202	352
Тожик	6,3	643	511
Қирғиз	0,3	33	26
Бошқа тил	4,3	435	598
Жами	100,0	10198	10198
18 ёшдан кичик бўлган камида бир бола	81,3	10198	10198
5 ёшдан кичик бўлган камида бир бола	36,7	10198	10198
15–49 ёшда бўлган камида бир аёл	89,1	10198	10198

4 Жадвал: Аёлларнинг асосий хусусияти

Ёши 15–49 да бўлган аёлларнинг асосий хусусиятлари бўйича фоиз таркиби, Ўзбекистон, 2006

	Таққосланган фоиз	Аёллар сони	
		Таққосланган	Таққослан- маган
Минтақа			
Ғарбий	11,2	1554	2671
Марказий	20,9	2915	2174
Жанубий	18,4	2554	2423
Марказий-Шарқий	14,5	2015	2308
Шарқий	28,7	3995	2325
Тошкент ш.	6,4	885	2018
Яшаш жойи			
Шаҳар	31,3	4360	5785
Қишлоқ	68,7	9559	8134
Ёши			
15–19	21,0	2929	2901
20–24	18,9	2634	2588
25–29	15,2	2121	2155
30–34	12,6	1754	1758
35–39	11,2	1563	1619
40–44	10,9	1514	1517
45–49	10,1	1405	1381
Оилавий аҳволи/бирга яшамоқ			
Ҳозирда турмуш қурган/эркак билан бирга яшайди	64,2	8929	8855
Аввал оилали бўлган/эркак билан бирга яшаган	5,2	726	789
Ҳеч қачон оила қурмаган/эркак билан бирга яшамаган	30,6	4264	4275
Оналик мақоми			
Бола кўрган	63,9	8898	8897
Ҳеч қачон бола кўрмаган	36,1	5021	5022
Маълумот*			
Тугалланмаган ўрта	20,3	2827	2777
Тугалланган ўрта	46,3	6448	5901
Ўрта махсус	25,2	3503	3878
Олий	8,2	1135	1357
Турмуш фаровонлиги индексининг квинтили			
Энг паст	18,8	2621	2107
Иккинчи	20,1	2803	2348
Ўртача	20,7	2880	2637
Тўртинчи	20,3	2832	2904
Энг юқори	20,0	2782	3923
Уй хўжалиги бошлигининг она тилиси			
Ўзбек	84,5	11757	11252
Рус	3,3	461	685
Қорақалпоқ	2,1	287	516
Тожик	6,3	880	739
Бошқа тил	3,8	535	727
Жами	100,0	13919	13919

* 6 та «маълумот стандартларига мос бўлмаган» таққосланмаган ҳолатлар кўрсатилмаган

5 Жадвал: Болаларнинг асосий хусусиятлари

5 ёш гача бўлган болаларнинг асосий хусусиятларига кўра фоизларга бўлиниши, Ўзбекистон, 2006

	Таққосланган фоиз	5 ёшгача бўлган болалар сони	
		Таққосланган	Таққослан- маган
Жинс			
Эркак	50,7	2527	2521
Аёл	49,3	2459	2465
Минтақа			
Ғарбий	11,3	564	970
Марказий	21,8	1085	805
Жанубий	21,2	1057	1015
Марказий-Шарқий	13,8	688	785
Шарқий	26,6	1325	780
Тошкент ш.	5,4	267	631
Яшаш жойи			
Шаҳар	28,7	1432	1874
Қишлоқ	71,3	3554	3112
Ёши			
< 6 ой	8,7	435	446
6–11 ой	11,5	574	565
12–23 ой	21,6	1078	1098
24–35 ой	19,1	954	938
36–47 ой	20,2	1010	994
48–59 ой	18,8	936	945
Онанинг маълумоти*			
Тугалланмаган ўрта	15,6	778	756
Тугалланган ўрта	48,9	2438	2281
Ўрта махсус	28,0	1394	1508
Олий	7,4	369	435
Турмуш фаровонлиги индексининг квинтили			
Энг паст	22,8	1139	950
Иккинчи	19,9	993	857
Ўртача	19,7	983	930
Тўртинчи	20,1	1003	1021
Энг юқори	17,4	868	1228
Уй хўжалиги бошлигининг она тилиси			
Ўзбек	86,6	4316	4169
Рус	1,7	84	133
Қорақалпоқ	1,7	87	161
Тожик	6,5	322	273
Бошқа тил	3,5	177	250
Жами	100,0	4986	4986

* 6 та «маълумот стандартларига мос бўлмаган» таққосланмаган ҳолатлар кўрсатилмаган

6 Жадвал: Болалар ўлими

Гўдаклар ўлими ва 5 ёшгача бўлган болалар ўлими, Ўзбекистон, 2006

	Гўдаклар ўлими*	5 ёшгача бўлган болалар ўлими**
Жинси		
Эркак	56	66
Аёл	40	47
Минтақа		
Ғарбий	54	65
Марказий	52	61
Жанубий	63	76
Марказий-Шарқий	28	31
Шарқий	45	52
Тошкент ш.	34	39
Яшаш жойи		
Шаҳар	44	51
Қишлоқ	50	59
Онанинг маълумоти***		
Тугалланмаган ўрта	49	58
Тугалланган ўрта	51	61
Ўрта махсус	46	54
Олий	28	32
Турмуш фаровонлиги индексининг квинтили		
Энг паст	59	72
Иккинчи	51	60
Ўртача	46	54
Тўртинчи	43	50
Энг юқори	36	42
Уй хўжалиги бошлигининг она тилиси		
Ўзбек	49	57
Рус	19	21
Қорақалпоқ	47	55
Тожик	57	68
Бошқа тил	29	32
Жами	48	57

* МИКТ Индикатор 2; МРМ Индикатор 14

** МИКТ Индикатор 1; МРМ Индикатор 13

*** 6 та «маълумот стандартларига мос бўлмаган» таққосланмаган ҳолатлар кўрсатилмаган

7 Жадвал: Болаларнинг етарлича овқатланмаслиги

Овқат етишмаслигининг оғир ва ўта оғир даражасига чалинган ёши 0-59 ойлик болаларнинг фоизи, Ўзбекистон, 2006

	Вазнининг ёшига нисбати		Бўйининг ёшига нисбати		Вазнининг бўйига нисбати (ориқлаб кетиш)			0-59 ойлик болалар сони
	% пастроқ медианадан -2*	% пастроқ медианадан -3*	% пастроқ медианадан -2**	% пастроқ медианадан -3**	% пастроқ медианадан -2***	% пастроқ медианадан -3***	баландроқ медианадан +2***	
Жинси								
Эркак	4,8	0,5	13,9	3,7	3,9	0,9	6,6	2 389
Аёл	5,4	1,1	15,4	4,9	2,7	0,5	7,9	2 303
Минтақа								
Ғарбий	4,1	0,7	18,4	5,6	1,9	0,8	12,0	527
Марказий	4,1	0,9	10,4	2,1	6,0	1,3	9,6	1 013
Жанубий	6,9	0,5	15,5	4,3	3,2	0,7	4,1	988
Марказий-Шарқий	4,3	0,5	15,1	4,4	3,3	0,3	9,4	651
Шарқий	5,9	1,2	16,6	5,7	2,1	0,4	4,9	1 257
Тошкент ш.	2,2	0,4	9,1	2,6	2,1	0,6	6,6	255
Яшаш жойи								
Шаҳар	4,7	0,5	14,0	4,2	3,3	0,8	8,6	1 337
Қишлоқ	5,2	0,9	14,9	4,3	3,3	0,6	6,7	3 354
Ёши								
< 6 ой	1,3	0,3	5,2	0,5	3,2	0,7	9,8	377
6-11 ой	4,3	1,2	7,1	3,2	6,3	1,3	10,1	532
12-23 ой	8,2	1,1	16,5	4,9	5,7	1,3	9,8	999
24-35 ой	5,8	0,9	16,7	5,2	2,3	0,7	5,1	919
36-47 ой	3,7	0,5	16,5	4,6	1,5	0,1	5,4	965
48-59 ой	4,4	0,7	16,9	4,5	1,8	0,3	5,9	899
Онанинг маълумоти****								
Тугалланмаган ўрта	5,3	1,1	17,9	5,4	2,3	0,5	8,1	735
Тугалланган ўрта	5,5	0,8	15,0	4,2	3,3	0,7	6,6	2 307
Ўрта махсус	4,7	0,8	13,3	4,0	4,0	0,8	7,4	1 297
Олий	2,6	0,2	9,6	3,4	2,9	0,5	9,1	346
Турмуш фаровонлиги индексининг квинтили								
Энг паст	5,6	0,7	16,1	4,9	4,3	1,0	5,6	1085
Иккинчи	7,0	1,0	16,7	4,1	2,8	0,6	7,4	920
Ўртача	5,0	1,1	14,8	4,2	3,7	0,4	7,1	919
Тўртинчи	4,2	0,7	13,4	3,5	2,2	0,5	8,5	952
Энг юқори	3,4	0,5	11,6	4,8	3,4	0,8	8,0	814
Уй хўжалиги бошлигининг она тилиси								
Ўзбек	5,1	0,8	14,6	4,1	3,2	0,7	7,0	4 060
Рус	2,6	0,5	9,9	3,2	4,4	—	8,3	83
Қорақалпоқ	5,3	0,9	26,5	7,7	1,9	0,9	18,1	75
Тожик	5,5	0,5	10,9	4,6	4,6	1,1	6,4	304
Бошқа тил	5,3	0,8	18,4	7,5	3,5	0,8	10,7	169
Жами	5,1	0,8	14,6	4,3	3,3	0,7	7,3	4 691

* МИКТ Индикатор 6; МРМ Индикатор 4

** МИКТ Индикатор 7

*** МИКТ Индикатор 8

**** 6 та «маълумот стандартларига мос бўлмаган» таққосланмаган ҳолатлар кўрсатилмаган

Эслатма: «2 стандартдан ортиқ четга чиқиш» фоизи, ўз ичига медианага нисбатан «3 стандарт четга чиқишни» қамраган.

8 Жадвал: Дастлабки эмизиш

Тадқиқот бошланишидан икки йил аввал бола кўрган ва ўз боласини туққанидан сўнг биринчи соат ичида ва биринчи кун ичида эмизган 15–49 ёш гуруҳидаги аёллар фоизи, Ўзбекистон, 2006

	Ўз боласини туққанидан сўнг биринчи соат ичида эмизган аёллар фоизи*	Ўз боласини туққанидан сўнг биринчи кун ичида эмизган аёллар фоизи	Тадқиқот бошланишидан икки йил аввал тирик бола туққан аёллар сони
Минтақа			
Ғарбий	61,8	85,4	236
Марказий	49,7	76,5	446
Жанубий	71,7	92,4	427
Марказий-Шарқий	75,9	84,2	303
Шарқий	76,7	86,7	544
Тошкент ш.	59,9	85,4	115
Яшаш жойи			
Шаҳар	68,8	84,5	591
Қишлоқ	66,4	85,3	1480
Туққандан кейинги ойлар			
<6 ой	68,6	85,9	452
6–11 ой	68,9	84,7	593
12–23 ой	65,4	84,9	1027
Онанинг маълумоти**			
Тугалланмаган ўрта	64,3	78,1	334
Тугалланган ўрта	66,8	85,8	975
Ўрта махсус	69,0	87,2	608
Олий	67,1	87,1	154
Турмуш фаровонлиги индексининг квинтили			
Энг паст	67,8	87,7	433
Иккинчи	62,6	82,2	416
Ўртача	73,4	88,1	427
Тўртинчи	67,3	83,0	423
Энг юқори	63,8	84,2	373
Уй хўжалиги бошлигининг она тилиси			
Ўзбек	67,6	85,3	1765
Рус	51,4	75,4	35
Қорақалпоқ	86,6	98,2	38
Тожик	52,9	78,7	154
Бошқа тил	81,6	90,2	79
Жами	67,1	85,1	2072

* МИКТ Индикатор 45

** 2 та «маълумот страндартларига мос бўлмаган» Таққосланмаган ҳолатлар кўрсатилмаган

9 Жадвал: Эмишиш

Ҳар бир ёш гуруҳида эмиш мақоми бўйича яшайдиган болалар фоизи, Ўзбекистон, 2006

	0-3 ойлик болалар		0-5 ойлик болалар		6-9 ойлик болалар		12-15 ойлик болалар		20-23 ойлик болалар	
	Фақат кўкрак сути билан боқилдиган болалар, %	Болалар сони	Фақат кўкрак сути билан боқилдиган болалар, %*	Болалар сони	Эмизиладиган ва қаттиқ/ярим қаттиқ овқат берилдиган болалар, %	Болалар сони	Фақат кўкрак сути билан боқилдиган болалар, %***	Болалар сони	Фақат кўкрак сути билан боқилдиган болалар, %***	Болалар сони
Жинси										
Эркак	35,7	147	26,5	229	48,0	195	79,8	183	38,4	178
Аёл	38,2	134	26,3	206	42,4	194	76,7	165	37,4	181
Минтақа										
Ғарбий	31,3	34	24,1	51	43,3	40	82,9	40	45,1	44
Марказий	(32,4)	51	21,0	84	18,7	87	82,2	76	32,9	90
Жанубий	44,8	54	30,8	84	43,9	73	80,0	74	35,8	84
Марказий-Шарқий	(45,9)	39	30,8	67	53,3	54	63,8	58	35,3	52
Шарқий	35,8	88	28,1	123	64,2	113	85,5	82	(47,3)	69
Тошкент ш.	19,4	(14)	14,5	25	39,2	22	(58,6)	17	(27,5)	21
Яшаш жойи										
Шаҳар	31,8	94	22,8	149	48,7	83	73,8	104	27,6	102
Қишлоқ	39,5	187	28,3	285	44,2	306	80,3	244	41,9	257
Онанинг маълумоти****										
Тугалланмаган ўрта	(38,2)	47	24,4	73	36,4	51	77,6	53	34,8	56
Тугалланган ўрта	35,5	125	26,2	192	41,4	173	80,4	161	38,0	182
Ўрта махсус	39,7	92	28,6	136	53,7	134	78,8	110	40,4	96
Олий	(*)	18	(24,4)	33	(43,8)	(31)	(63,7)	24	(33,6)	25
Турмуш фаровонлиги индексининг квинтили										
Энг паст	(33,4)	58	23,9	85	42,5	75	88,5	78	49,3	68
Иккинчи	(51,4)	53	35,7	89	46,5	84	79,3	73	45,0	78
Ўртача	31,6	65	25,0	85	41,9	92	85,0	61	31,5	83
Тўртинчи	38,2	58	24,0	95	45,6	73	70,6	78	35,0	76
Энг юқори	30,7	47	23,4	80	50,7	65	66,2	57	27,0	54
Уй хўжалиги бошлигининг она тилиси										
Ўзбек	37,2	247	26,8	382	44,7	330	82,0	295	39,7	302
Бошқа тил	(34,5)	34	24,1	53	47,9	59	57,8	53	28,0	57
Жами	36,9	281	26,4	435	45,2	389	78,3	348	37,9	359

* МИКТ Индикатор 15

** МИКТ Индикатор 17

*** МИКТ Индикатор 16

**** 1 та «маълумот стандартларига мос бўлмаган» таққосланмаган ҳолат кўрсатилмаган/ 0-5 ойлик Болалар

() 25–49 таққосланмаган вазиятларга асосланган рақамлар

(*) 25тадан камроқ Таққосланмаган вазиятларга асосланган рақамлар

10 Жадвал: Мос тарзда боқилаётган гўдаклар

Фақат эмизилаётган 6 ойгача бўлган гўдаклар фоизи, эмизилаётган ва қаттиқ/ярим қаттиқ қўшимча овқатлантириш билан боқилаётган 6–11 ойгача бўлган болалар фоизи, эмизилаётган ва қаттиқ/ярим қаттиқ тавсия қилинган маротаба қўшимча овқатлантириш билан боқилаётган болалар фоизи ва етарлича озуқа олаётган болалар фоизи, Ўзбекистон, 2006

	Гўдаклар фоизи					0–11 ойлик ёшдаги гўдаклар сони
	0–5 ой фақат эмизиш билан боқилаётганлар	6–8 ой, охириги 24 соат мобайнида камида 2 маротаба кўкрак сути ва қўшимча овқатлантириш билан боқилаётганлар	9–11 ой, охириги 24 соат мобайнида камида 3 маротаба кўкрак сути ва қўшимча овқатлантириш билан боқилаётганлар	6–11 ой, бир кун мобайнида бир неча маротаба кўкрак сути ва минимал маротаба тавсия қилинган қўшимча овқатлантириш билан боқилаётганлар*	0–11 ой, мос тарзда боқилаётганлар**	
Жинси						
Эркак	26,5	29,5	24,0	26,6	26,5	510
Аёл	26,3	29,8	30,9	30,4	28,7	499
Минтақа						
Ғарбий	24,1	28,9	27,0	27,8	26,1	110
Марказий	21,0	19,8	8,9	14,2	16,9	218
Жанубий	30,8	17,8	18,2	18,0	23,5	196
Марказий-Шарқий	30,8	36,4	46,4	41,3	36,3	140
Шарқий	28,1	43,2	42,5	42,8	36,5	288
Тошкент ш.	14,5	20,4	25,8	23,2	19,3	56
Яшаш жойи						
Шаҳар	22,8	34,9	33,8	34,2	28,4	292
Қишлоқ	28,3	28,3	25,0	26,6	27,3	717
Онанинг маълумоти***						
Тугалланмаган ўрта	24,4	17,9	29,0	24,8	24,6	158
Тугалланган ўрта	26,2	25,6	26,0	25,8	25,9	452
Ўрта махсус	28,6	39,4	28,9	34,1	31,8	321
Олий	24,4	29,3	27,1	28,1	26,5	76
Турмуш фаровонлиги индексининг квинтили						
Энг паст	23,9	19,3	24,1	21,8	22,7	197
Иккинчи	35,7	30,1	28,3	29,4	32,3	194
Ўртача	25,0	31,1	23,3	26,6	26,0	227
Тўртинчи	24,0	36,1	28,1	31,9	28,1	201
Энг юқори	23,4	32,1	35,1	33,8	29,4	190
Уй хўжалиги бошлигининг она тилиси						
Ўзбек	26,8	29,2	27,2	28,1	27,5	866
Бошқа тил	24,1	32,2	29,1	30,5	28,1	143
Жами	26,4	29,6	27,5	28,5	27,6	1009

* МИКТ Индикатор 18

** МИКТ Индикатор 19

*** 1 та «маълумот стандартларига мос бўлмаган» таққосланмаган ҳолат кўрсатилмаган

11 Жадвал: Йодланган тузни истеъмол қилиш

Мувофиқ равишда йодланган тузни истеъмол қилувчи уй хўжаликлари фоизи, Ўзбекистон, 2006

	Тузи синовдан ўтказилган уй хўжаликлари-нинг улуши	Суровдан ўтказилган уй хўжаликлари-нинг сони	Тузсиз	Уй хўжаликлари-нинг фоизи			Жами	Тузи синовдан ўтказилган ёки туздан фойдалан-майдиган уй хўжаликлари-нинг сони
				Тузни синовдан ўтказиш натижалари				
				0 PPM	< 15 PPM	15+ PPM*		
Минтақа								
Ғарбий	99,0	996	0,5	13,4	42,4	43,6	100	991
Марказий	99,7	2182	0,1	22,8	23,8	53,2	100	2176
Жанубий	99,0	1658	0,4	18,2	12,8	68,6	100	1648
Марказий-Шарқий	99,9	1527	0,1	15,5	34,8	49,6	100	1527
Шарқий	99,2	2841	0,4	21,8	34,9	42,9	100	2830
Тошкент ш.	98,9	994	0,3	6,4	21,8	71,5	100	986
Яшаш жойи								
Шаҳар	99,2	3843	0,2	11,4	26,4	62,0	100	3823
Қишлоқ	99,4	6355	0,3	22,3	29,6	47,8	100	6335
Уй хўжалиги бошлигининг маълумоти								
Бошланғич/Ностандарт	(100,0)	30	(-)	(18,5)	(55,7)	(25,8)	100,0	30
Тугалланмаган ўрта	99,2	1659	0,3	21,1	30,0	48,7	100	1650
Тугалланган ўрта	99,5	3822	0,2	21,0	30,4	48,4	100	3808
Ўрта махсус	99,2	2801	0,3	15,9	27,8	55,9	100	2789
Олий	99,4	1885	0,4	13,2	23,4	63,0	100	1880
Турмуш фаровонлиги индексининг квинтили								
Энг паст	98,8	1864	0,4	24,4	30,0	45,2	100	1849
Иккинчи	99,5	1914	0,2	23,7	30,4	45,7	100	1909
Ўртача	99,6	1888	0,2	21,3	29,8	48,8	100	1885
Тўртинчи	99,5	1903	0,3	16,0	30,6	53,1	100	1899
Энг юқори	99,3	2629	0,3	9,1	23,3	67,3	100	2617
Жами	99,3	10198	0,3	18,2	28,4	53,1	100	10158

* МИКТ Индикатор 41

() 25–49 таққосланмаган вазиятларга асосланган рақамлар

12 Жадвал: Болаларга А витаминини қўшиб бериш

Охирги 6 ой ичида А витамининг юқори дозасини қабул қилганлик тамойили асосида 6–59 ойгача бўлган болаларнинг фоиз таркиби, Ўзбекистон, 2006

	А витамини қабул қилган болалар фоизи:			А витамини олганмиз деб аниқ айта олмаيمиз	А витаминини ҳеч қачон олмаган	Жами	6–59 ойлик болалар сони
	Охирги 6 ой ичида*	Охирги 6 ойдан аввал	Қачонлигини аниқ эспл-майман				
Жинси							
Эркак	72,4	5,9	11,8	2,7	7,3	100,0	2298
Аёл	71,7	5,2	12,0	3,1	8,0	100,0	2253
Минтақа							
Ғарбий	94,7	0,1	1,3	0,1	3,8	100,0	513
Марказий	65,4	8,6	16,5	2,9	6,6	100,0	1002
Жанубий	74,6	2,9	8,3	3,3	11,0	100,0	972
Марказий-Шарқий	75,4	5,0	9,5	4,6	5,5	100,0	620
Шарқий	71,1	8,3	15,5	2,0	3,1	100,0	1202
Тошкент ш.	37,3	3,5	18,1	6,6	34,5	100,0	242
Яшаш жойи							
Шаҳар	60,8	7,4	15,6	4,4	11,8	100,0	1282
Қишлоқ	76,4	4,8	10,5	2,3	6,0	100,0	3269
Ёши							
6–11 ой	76,2	1,6	5,8	2,5	13,9	100,0	574
12–23 ой	77,7	4,2	8,7	2,7	6,8	100,0	1078
24–35 ой	72,5	6,5	12,7	2,0	6,2	100,0	954
36–47 ой	71,5	6,5	13,1	2,7	6,2	100,0	1010
48–59 ой	63,1	7,6	17,2	4,5	7,7	100,0	936
Онанинг маълумоти**							
Тугалланмаган ўрта	72,3	5,6	11,1	1,3	9,7	100,0	704
Тугалланган ўрта	73,6	5,1	12,0	3,2	6,2	100,0	2246
Ўрта махсус	70,9	6,2	12,3	2,7	7,9	100,0	1259
Олий	64,6	6,5	11,7	4,9	12,2	100,0	337
Турмуш фаровонлиги индексининг квинтили							
Энг паст	74,8	5,4	10,9	2,6	6,3	100,0	1054
Иккинчи	73,9	4,5	12,0	2,0	7,6	100,0	904
Ўртача	76,0	6,1	9,6	2,2	6,0	100,0	898
Тўртинчи	76,7	5,0	10,4	2,5	5,3	100,0	908
Энг юқори	56,2	6,9	17,5	5,4	14,0	100,0	788
Уй хўжалиги бошлигининг она тилиси							
Ўзбек	72,7	5,7	11,6	2,8	7,2	100,0	3933
Рус	38,0	5,4	20,0	8,6	28,0	100,0	76
Қорақалпоқ	88,3	–	4,8	1,7	5,1	100,0	77
Тожик	61,8	7,8	17,7	3,1	9,5	100,0	298
Бошқа тил	81,9	1,4	7,9	2,7	6,0	100,0	166
Жами	72,0	5,6	11,9	2,9	7,6	100,0	4551

* Индикатор 42 МИКТ

** 5 та «маълумот страндартларига мос бўлмаган» таққосланмаган ҳолатлар кўрсатилмаган

13 Жадвал: Кам тана оғирлиги билан туғилган гўдаклар

Тадқиқот бошланишидан икки йил аввал вазни 2500 граммдан кам бўлиб туғилган гўдаклар фоизи, Ўзбекистон, 2006

	Тирик туғилганлар фоизи:		Тирик туғилганлар сони
	2500 граммдан кам*	Туғилиш жараёнида таққосланган**	
Минтақа			
Ғарбий	2,7	98,7	236
Марказий	5,4	99,7	446
Жанубий	4,3	98,6	427
Марказий-Шарқий	3,5	99,5	303
Шарқий	6,6	99,5	544
Тошкент ш.	4,6	98,8	115
Яшаш жойи			
Шаҳар	4,7	99,2	591
Қишлоқ	4,9	99,2	1480
Онанинг маълумоти***			
Тугалланмаган ўрта	4,8	99,0	334
Тугалланган ўрта	4,5	99,1	975
Ўрта махсус	5,4	99,4	608
Олий	4,7	100,0	154
Турмуш фаровонлиги индексининг квинтили			
Энг паст	5,4	99,2	433
Иккинчи	5,7	99,0	416
Ўртача	4,8	98,6	427
Тўртинчи	4,2	99,8	423
Энг юқори	4,0	99,6	373
Уй хўжалиги бошлигининг она тилиси			
Ўзбек	4,9	99,3	1765
Рус	4,8	98,1	35
Қорақалпоқ	2,7	100,0	38
Тожик	5,9	99,2	154
Бошқа тил	3,3	98,9	79
Жами	4,8	99,2	2072

* МИКТ Индикатор 9

** МИКТ Индикатор 10

*** 2 та «маълумот страндартларига мос бўлмаган» таққосланмаган ҳолатлар кўрсатилмаган

14 Жадвал: Асосий хусусиятлар бўйича эмлаш

Болалар касалликларига қарши эмланган 15–26 ойлик болалар фоизи, Ўзбекистон, 2006

	БЦЖ	DPT1	DPT2	DPT3	Polio0	Polio1	Polio2	Қуйда курсатилган дори воситаларини олган болалар фоизи:				Тиббий қаргалари бўлган болалар сони	15–26 ойлик болалар сони	
								Polio3	Қизамик*	Барчаси	Ҳеч қандай			
Жинси														
Эркак	100,0	99,5	96,3	93,5	98,9	98,1	93,4	90,1	97,0	86,8	–	95,6	532	
Аёл	100,0	99,1	95,5	92,8	99,6	97,3	93,5	88,9	97,8	87,0	–	96,4	515	
Минтақа														
Ғарбий	100,0	99,5	95,4	93,5	100,0	94,0	86,3	82,2	99,5	81,7	–	89,5	129	
Марказий	100,0	99,3	96,5	94,3	98,3	97,2	93,1	87,0	97,1	86,2	–	98,3	235	
Жанубий	100,0	99,5	96,4	94,8	99,2	99,0	96,0	95,1	96,3	92,1	–	97,4	223	
Марказий–Шарқий	100,0	98,6	91,8	83,6	99,0	95,9	85,5	78,0	96,3	73,3	–	95,9	153	
Шарқий	100,0	100,0	98,1	97,1	100,0	99,7	99,0	97,3	98,7	94,4	–	96,4	250	
Тошкент ш.	100,0	97,4	94,3	90,1	99,2	100,0	97,5	92,1	95,4	84,2	–	94,8	58	
Яшаш жойи														
Шаҳар	100,0	99,4	93,5	89,1	99,2	96,4	89,7	82,4	97,3	78,1	–	91,8	300	
Қишлоқ	100,0	99,3	96,9	94,8	99,2	98,2	94,9	92,4	97,5	90,4	–	97,7	747	
Онанинг маълумоти**														
Тугалланмаган ўрта	100,0	98,9	97,0	92,9	99,7	99,5	93,4	90,0	99,3	87,2	–	96,9	164	
Тугалланган ўрта	100,0	99,4	96,5	94,2	99,1	98,2	95,4	92,3	97,0	89,4	–	96,9	518	
Ўрта махсус	100,0	99,6	95,1	93,1	99,8	95,8	89,5	86,0	96,8	84,4	–	95,8	285	
Олий	100,0	99,1	93,3	87,3	97,0	98,2	94,6	83,3	98,1	78,6	–	89,8	79	
Турмуш фаровонлиги индексининг квинтили														
Энг паст	100,0	98,7	95,2	93,7	98,8	98,2	93,8	91,1	96,6	90,1	–	96,8	218	
Иккинчи	100,0	99,3	97,6	95,3	99,5	98,6	94,3	92,3	96,9	89,1	–	97,5	209	
Ўртача	100,0	99,4	96,3	93,3	98,8	98,3	95,9	93,9	98,5	91,0	–	96,9	212	
Тўртинчи	100,0	100,0	94,5	91,2	100,0	96,6	91,2	85,2	97,4	83,5	–	96,3	222	
Энг юқори	100,0	99,2	96,1	92,5	99,0	96,9	91,8	84,9	97,7	80,0	–	92,1	186	
Уй ҳужалиги бошлиғининг она тилиси														
Ўзбек	100,0	99,3	96,1	93,9	99,1	98,6	95,1	92,2	97,5	89,5	–	97,4	876	
Рус	(100,0)	(97,0)	(97,0)	(95,1)	(100,0)	(87,0)	(86,1)	(76,4)	(96,2)	(67,7)	(–)	(96,5)	22	
Қорақалпоқ	(100,0)	(97,2)	(80,0)	(74,1)	(100,0)	(84,1)	(70,9)	(59,3)	(100,0)	(59,3)	(–)	(86,2)	22	
Тожиқ	100,0	100,0	98,1	91,3	100,0	95,2	87,1	79,4	97,3	78,1	–	90,9	82	
Бошқа тил	100,0	100,0	95,8	90,2	100,0	96,4	86,4	76,9	95,7	74,9	–	83,7	45	
Жами	100,0	99,3	95,9	93,2	99,2	97,7	93,4	89,6	97,4	86,9	–	96,0	1047	

* 15 ойлик бўлган қизамиққа қарши эмлашлар

** 1 та «маълумот страндартига мос бўлмаган» таққосланмаган ҳолат курсатилмаган

() 25–49 таққосланмаган вазиятларга асосланган рақамлар

15 Жадвал: Асосий хусусиятлар бўйича эмлаш (давоми)

Болалар касалликларига қарши эмланган 15–26 ойлик болалар фоизи, Ўзбекистон, 2006

	Қуйида кўрсатилган дори воситаларини олган болалар фоизи:			Тиббиёт карталари бўлганлар фоизи	15–26 ойгача бўлган болалар сони
	НерВ1	НерВ2	НерВ3		
Жинси					
Эркак	99,7	95,9	90,5	95,6	532
Аёл	99,7	96,2	90,3	96,4	515
Минтақа					
Ғарбий	99,5	95,8	87,2	89,5	129
Марказий	99,3	95,3	93,3	98,3	235
Жанубий	99,5	99,0	95,0	97,4	223
Марказий-Шарқий	100,0	89,2	78,0	95,9	153
Шарқий	100,0	98,1	92,8	96,4	250
Тошкент ш.	100,0	97,9	91,4	94,8	58
Яшаш жойи					
Шаҳар	100,0	91,8	85,8	91,8	300
Қишлоқ	99,5	97,8	92,3	97,7	747
Онанинг маълумоти*					
Тугалланмаган ўрта	100,0	96,7	91,0	96,9	164
Тугалланган ўрта	99,3	97,0	92,5	96,9	518
Ўрта махсус	100,0	94,6	88,7	95,8	285
Олий	100,0	93,5	82,3	89,8	79
Турмуш фаровонлиги индексининг квинтили					
Энг паст	98,7	96,1	90,7	96,8	218
Иккинчи	99,7	99,5	91,4	97,5	209
Ўртача	100,0	95,2	92,0	96,9	212
Тўртинчи	100,0	93,8	89,7	96,3	222
Энг юқори	100,0	95,9	88,2	92,1	186
Уй хўжалиги бошлигининг она тилиси					
Ўзбек	99,7	96,7	91,3	97,4	876
Рус	(100,0)	(92,2)	(88,5)	(96,5)	22
Қорақалпоқ	(97,2)	(82,8)	(73,0)	(86,2)	22
Тожик	100,0	93,2	86,2	90,9	82
Бошқа тил	100,0	96,8	89,8	83,7	45
Жами	99,7	96,1	90,4	96,0	1047

* 1 та «маълумот стандартларига мос бўлмаган» таққосланмаган ҳолат кўрсатилмаган

() 25–49 Таққосланмаган вазиятларга асосланган рақамлар

16 Жадвал: Оғиз регидрация услубида даволаш

Охириги икки ҳафта ичида диарея билан оғриган ва оғиз регидрацияси ва кўп миқдорда суюқлик қабул қилган ёки бошқа усул билан даволанган ёши 0–59 ойлик болалар фоизи, Ўзбекистон, 2006

	Охириги икки ҳафта ичида диарея билан оғриган	Ёши 0–59 ойлик болалар фоизи	Диарея билан оғриган ва қуйидагиларни истемол қилган болалар:				ОРТ қўллаган фоиз*	Диарея билан оғриган ёши 0–59 ой болалар сони
			ОРТ пакети-дан суюқлик	Тавсия этилган уй шароитида тайёрланган суюқлик	Дастлаб қадоқланган ОРТ эритмаси	Даволанмаган		
Жинси								
Эркак	2,9	2527	26,7	37,8	55,2	21,2	78,8	74
Аёл	2,2	2459	(29,2)	(34,2)	(66,8)	(21,3)	(78,7)	53
Яшаш жойи								
Шаҳар	2,4	1432	(36,5)	(31,3)	(63,9)	(20,5)	(79,5)	34
Қишлоқ	2,6	3554	24,5	38,2	58,6	21,5	78,5	92
Жами	2,5	4986	27,8	36,3	60,1	21,2	78,8	127

* МИКТ Индикатор 23

() 25–49 таққосланмаган вазиятларга асосланган рақамлар

17 Жадвал: Диареяни уй шароитида даволаш

Охирги икки хафта ичида диарея билан оғриган ва кўп миқдорда суюқлик истеъмол қилган ҳолда кассалик хуруж тутган пайтда овқатланишни давом эттирган ёши 0–59 ойлик болалар физи, Ўзбекистон, 2006

Жинси	Охирги икки хафта ичида диарея билан оғриган болалар сони	Еши 0–59 ойлик бўлган болалар сони	Диарея билан оғриган болалар, шунингдек:			Диареяни уй шароитида даволаш итида даволаш	ОРТ ёки кўп сууюқлик истеъмол қилган ҳолда овқат истеъмол қилишни давом эттирганлар	Еши 0–59 ой ва диарея билан оғриган болалар сони
			Кўп сууюқлик истеъмол қилганлар	Аваллидек ёки камроқ сууюқлик истеъмол қилганлар	Камроқ, аваллидек, ёки кўпроқ овқат истеъмол қилганлар			
Эркак	2,9	2527	35,7	61,9	42,3	52,1	14,6	24,1
Аёл	2,2	2459	(31,0)	(62,0)	(53,0)	(44,8)	(19,4)	(33,7)
Яшаш жойи								
Шахар	2,4	1432	(45,3)	(54,7)	(38,0)	(60,1)	(14,9)	(20,1)
Қишлоқ	2,6	3554	29,4	64,6	50,1	44,9	17,2	31,0
Жами	2,5	4986	33,7	61,9	46,8	49,0	16,6	28,1

* МИКТ Индикатор 34

** МИКТ Индикатор 35

() 25–49 таққосланмаган вазиятларга асосланган рақамлар

18 Жадвал: Пневмонияга чалинганликда шубҳа қилинган пайтда тиббий ёрдамга мурожаат этиш

Охирги икки хафта давомида пневмонияга чалинганликда шубҳа қилинган ва тиббиёт масканларига келтирилган ёши 0–59 ойгача бўлган болалар физи, Ўзбекистон, 2006

Жинси	Ўткир нафас олиш йўллари инфекцияси билан оғриганлар	Еши 0–59 ойлик болалар сони	Пневмонияга чалинганликда шубҳа қилинган ва кўпдаги масканларга олиб борилган болалар физи										Пневмонияга чалинганликда шубҳа қилинган ёши 0–59 ойлик болалар сони
			Дав. касалхонаси	Дав. поликлини-каси	Дав. тиббий пункти	Қишлоқврачи	Давлат манбалари		Хусусий манбалар		Хар қандай бошқа мутасадди йдора ёки шахс*		
							Мобил/сафарбар клиника	Хусусий касалхона/клиника	Бошқа манбалар	Кариндosh/дуст	Бошқа манбалар	Кариндosh/дуст	
Эркак	2,8	2527	5,0	27,3	20,0	9,0	8,9	3,5	0,9	0,9	70,5	70	
Аёл	1,8	2459	(13,0)	(38,9)	(11,3)	(7,1)	(-)	(-)	(-)	(2,8)	(63,2)	44	
Яшаш жойи													
Шахар	2,8	1432	11,0	53,3	-	-	12,8	3,4	-	-	73,5	41	
Қишлоқ	2,1	3554	6,5	19,8	25,9	12,8	1,4	1,5	2,5	2,5	64,5	73	
Жами	2,3	4986	8,1	31,8	16,7	8,2	5,5	2,2	1,6	1,6	67,7	114	

* индикатор 23 МИККИ

() Цифры, основанные на невзвешенных случаях 25–49

19 Жадвал: Пневмонияга чалинганларни антибиотиклар билан даволаш

Пневмонияга чалинганликда шубҳа қилинган ва антибиотиклар билан даволанган 0–59 ойлик болалар
фоизи, Ўзбекистон, 2006

	Пневмонияга чалинганликда шубҳа қилинган ва охириги икки ҳафта давомида антибиотиклар билан даволанган 5 ёшгача бўлган болалар фоизи*	Текшириш ўтказишдан олдин охириги икки ҳафта давомида пневмонияга чалинганликда шубҳа қилинган болалар сони
Жинси		
Эркак	52,4	70
Аёл	(61,1)	44
Яшаш жойи		
Шаҳар	63,5	41
Қишлоқ	51,4	73
Жами	55,7	114

* Индикатор 22 МИКТ

() 25–49 таққосланмаган вазиятларга асосланган рақамлар

20 Жадвал: Пневмониянинг икки хавфли аломатларини билиш

Тиббиёт муассасаларига зудлик билан олиб боришга ундовчи аломатларнинг тофларидан хабардор бўлган ёши 0–59 ойлик болаларнинг оналари ва васийлари фоизи ва тезлашган ва қийинлашган нафас олишни тиббиёт муассасага зудлик билан мурожаат этиш аломатлари сифатида тан олган оналар ва васийлар фоизи, Ўзбекистон, 2006

